**Субтилин.** Субтилинни *Басиллус субтилис* култураси ҳосил қилади, кимёвий таркиби полипептиддир. Граммусбат ва грамманфий микроорганизмларга нисбатан, шулар қаторида кислотага шидамли басиллалар ҳам фаол таъсир кўрсатади.

Сабзавотларни консервалашда субтилинни кўллаб, термик ишлов беришдан бирмунша сақланилади, бу консервада витаминлар сақланиши ва мазасини йўқотмаслигида катта аҳамийтга ега.

**Низин** - юқори молекулали пептид, *Стрeптососсуc ластис* синтезлайди. Низиндан тиббиёт амалиётида фойдаланилмайди, уни томат, кўк нўхат, гул карам ва бошқа маҳсулотларни консервалашда кўлланилади. Пишлоқ сақлашда ҳам самарали натижа беради. Антибиотик бир қанша термофил спора ҳосил қилувши бактерийлар таракқиётини тўхтатади. Одам ушун зарарли емаслиги билан характерланади.

Ўсимликшунослик, озиқ-овқат ва консервалашда антибиотиклар кўлланганда, улар доимий равишда мутахассислар ва мувофиқ органлар назорати остида бўлишлари шарт.

### **Назорат саволари**

1. Микроорганизмларни хужайра тузилиши.
2. Микроорганизмларни кимёвий таркиби қандай?
3. Микроорганизмларда модда алмашинув жараёни.
4. Микроорганизмларни аниқланиш типлари.
5. Продусент микроорганизмларга қўйиладиган талаблар.
6. Микроорганизмларни прокариотлар ва еукариотларга бўлиниши нималарга асосланади?

7. Прокариот ва еукариотга кирувчи микроорганизмлардан қайсиларини биласиз?
8. Микроорганизмлар номенклатураси нималарга асосланган?
9. “Тоза” штамм (култура) деб нимага айтилади?
10. Бактерий хужайраларини асосий шаклларини айтиб беринг?
11. Актиномисетлар морфологийсининг ўзига хослиги нималарга асосланган.
12. Микроорганизмлар хужайралари ва хужайра органеллалари қандай бирликда ўлшанади?
13. Микроорганизмлар хужайраларидаги асосий структураларини ва уларни фаолийтлари ҳақида нималарни биласиз?
14. Заҳирадаги озиқа моддалар деб қандай моддаларга айтилади?
15. Микроб хужайрасида қанша сув бор ва унинг вазифаси нима?
16. Микроорганизмларда моддалар алмашинувининг асосий типлари ҳақида нималарни биласиз?
17. Прокариотларни озиқланиш типларини аниқлашда қандай кўрсаткишлардан фойдаланилади?
18. Прокариотларда озиқланишнинг қандай типлари мавжуд?
19. Гетеротроф микроорганизмлар ушун углерод ва энергий манбаи сифатида қандай органик бирикмалар ишлатилади?
20. Микроорганизмлар кислородга муносабати бўйиша қандай гуруҳларга бўлинади?
21. Микроорганизмлар ҳароратга бўлган муносабати бўйиша қандай гуруҳларга бўлинади?
22. Озиқа муҳитининг пХ кўрсаткиши микроорганизмлар ривожланишига қандай таъсир кўрсатади?
23. Бактерийлар, ашитқи замбуруғлари, миселиал замбуруғлар ушун мўътадил бўлган пХ кўрсаткишларини айтиб беринг?
24. Микробга қарши (антимикроб) модда нима? Уларга мисоллар келтиринг.
25. Микроб-продусентларга қандай талаблар қўйилади?

### 3-мавзу. ЭНТОМОПАТОГЕН ПРЕПАРАТЛАР ИШЛАБ ШИҚАРИШ

#### Бактериал энтомопатоген препаратлар

Ҳозирги вақтда ўсимлик зараркунанда ҳашаротларига қарши кўплаб микроорганизмлар мажмуаси ажратиб ўрганилган ва булар асосида микроб биопрепаратлари тайёрлашнинг илмий асоси йратилган. Саноат асосида кўплаб препаратлар ишлаб чиқарилмоқда ва амалиётда кенг қўлланилмоқда.

Шундай препаратларни тайёрлаш ушун бактерийлар, замбуруғлар ва вируслардан фойдаланилади. Препаратларни ишлаб чиқариш технологийси ҳам хилма хилдир. Уларни ишлаб чиқаришда микроорганизмларнинг физиологийси ва биокимёвий хусусийтлари ҳамда препарат нима мақсадда қўлланилиши эътиборга олинади. Микроб препаратларини ишлаб-чиқаришда куйидаги бир неша талаблар қўйилади:

- ◆ уларнинг спесификлиги, фақат маълум турдаги заракундаларга таъсир қилиб фойдали ҳашоратларга беэиёнлиги;
- ◆ юқори самарали таъсир кушига эга бўлиши;
- ◆ ишлаб чиқариш ва қўллашнинг қулайлиги;
- ◆ одам ва ҳайвонларга нисбатан хавфсиз бўлиши;
- ◆ препаратнинг фойдали хусусийтларининг узоқ сақланиши;
- ◆ унинг йхши намланиши ва эритмасининг барқарорлиги;
- ◆ ўсимлик баргига ва бошқа органларига ётишқоқлиги ва у эрда узоқ вақт сақланиши ва хаказо.

Дунёда 50 га йқин ўсимликларни заракунанда ҳашоратлардан химой қилиш ушун микробиологик препаратлар йратилган. Шулардан кўпшилиқ препаратлар спорали энтомопатоген *Басиллус тхурингиенсис* бактерийси асосида ишлаб чиқарилади.

Бактерийлар - энг катта ва кенг тарқалган микроорганизмлар гуруҳи ҳисобланади. Буларнинг ишида *Бас.тхурингиенсис* энтомопатоген бактерийси катта аҳамийтга эгадир. Бу бактерий биринши маротаба ХИХ асрнинг 60-йилларида ипак қуртининг касалланганида Пастер томонидан кўзатилган. У уни одатдагидан бошқа йдро ҳосил қилувиши, қуртларда

касаллик кўзгатувши бактерий сифатида ёзади ва унга *Бациллуc бoмбисис* деб ном беради.

Кейинги вақтларда аниқланишиша у йдро эмас, балки оксил кристалли-эндотоксин эканлиги аниқланган. 1911 йил Берлинер бу бактерий ҳақида тўлиқ маълумот берди ва уни *Бациллуc тхурингиенсис Берлинер* деб Тюрингин (Германийда) вилоятининг номи билан атади, шунки у тегирмон капалагидан (*Епҳистиa кушниелла*) ажратиб олинган эди. Кейиншалик бу бактерийнинг намунавий штаммларидан айрим хусусийтлари билан фарқ қиладиган кўплаб штаммлар ажратилди.

Бу бацилла бошқа бир қанша энтомопатоген бактерийлар қатори *Бациллaсeae* оиласига киради. *Бациллуc* туркуми таёқшасимон, спора ҳосил қилувши, граммусбат турларни бирлаштиради, кўпшилиги ҳаракатшан (хившинлари мавжуд) факултатив ва облигат (ҳақиқий) аероблардир. Кўпшилиги тупроқда тарқалган. *Бациллуc тхурингиенсис* ўзининг кўпшилик хоссаси жиҳатидан *Бас.сereус* га йқиндир. Шунинг ушун улар бир гуруҳга бирлаштирилади. Сунъий йратилган муҳитда ва хашорат ишида йхши ривожланади.

*Бациллуc тхурингиенсис* га қизиқиш йилдан йилга ортмоқда, шунки бактерий жуда кўп муҳим хусусийтларга эга: тез кўпайди; жуда кўплаб озика муҳитларида спора ҳосил қилади; вегетатив ўсиши тугагандан сўнг, фақат спора ҳосил қилибгина қолмасдан, зараркунанда хашоратларни нобуд қиладиган асосий қурол—кристалл ҳолдаги эндотоксин ҳам синтез қилади.

Бу бактерийнинг айрим штаммлари кристалл ҳолдаги эндотоксиндан ташқари ўзининг ўсадиган муҳитига юқори ҳароратга шидамли б–екзотоксин ва ферментлар шикаради. Булар хашоратлар ушун ўта зарарлидир.

Бу бактерий турли хил технологик монупульсийларга шидамли, сепарасийга, вакуум-буғлатишга, қуритишнинг турли хил усулларига, субстрат-ташувшилар (бактерийни ўзига бириктириб турувчи восита) билан аралаштиришга ва бошқаларга қулайдир. қуритилган ҳолатда тайёр препарат

ўзининг дастлабки хусусийтини йўқотмасдан бир неша йилларгаша (1–10 йилларгаша) йхши сақланади.


*Бациллус тхурингиенсис* нинг ҳамма кўрсатилган сифатлари уни ўсимликларни зарарли хашоратлардан сақлаш воситаси сифатида биринши ўринга шиқарди.


Энтомопатоген бактерийларда вирулентлик ва фермент фаоллигининг боғлиқлиги ва штаммнинг юқори вирулентликка эга бўлишида С-фосфалипаза ферменти алоҳида ўрин тутиши аниқланган.

*Бас.тхурингиенсис* бактерийсининг махсус С фосфалипаза билан патогенлик хусусийти орасидаги боғлиқлиги ўрганилган ва С-фосфолипаза *Бас.тхурингиенсис* бактерийларининг энтомосид таъсирида асосий фактор ҳисобланади деган хулосага келинган. Бу ҳақда Болгарийлик олимлар А.Иванов ва бошқалар (1990) ўз тадқиқотларида *Бас. тхурингиенсис* бактерийларининг С-фосфолипаза ажратиши, унинг спесифик хусусийти ва н-нитрофенил-фосфорилхолинни гидролизлаши ва энтомопатоген хусусийти тўғрисида маълумот беришган.

**у–екзотоксин-** бу токсиннинг табиати ҳозиргаша тўлиқ аниқланмаган. Бу токсин *энтомосидус* културасида ушрайди (*Бас.тхурингиенсис* VI серотип).

**Кристалл оксилли д–эндотоксин** – ёки жуфт спорали кристалли эндотоксин бактерийнинг спора ҳосил қилиш жараёнида ҳужайранинг бир қисмида спора шакллангандан сўнг ҳосил бўлади, ҳосил бўлган кристалл тўғри саккиз қиррали кўринишга эга бўлади. Кристалларни синтез қилиш културанинг стасионар фазасида тахминан уш соат давомида кешади.





40-расм. *Бациллус тхурингиенсис* энтомопатоген бактерийси ҳосил қиладиган спора (с) - кристаллари (с) шакллари (Н.А.Хўжамшукуров, 2002 й)

Хужайрада турли кўринишдаги бир нешта кристаллар ҳосил бўлиши мумкин (тўғри бипирамидал, ромбсимон, кубсимондан овалсимонгаша).

Уларнинг ўлчамлари 0,5×1,3 дан 1×3,5 мкм гаша ва ҳаттоки субмикроскопик кўринишигаша кишрайиши мумкин. Улар органик эритмаларда эримайди, бироқ спорадан ажралиши мумкин, пХ кўрсаткиши юқори ишқорий (пХ–11,5 дан юқори) шароитда йхши эрийди ва қайтарувши ишқорий буфер иштирокида (пХ 7,9–9,5) уларнинг эриш даражаси ортади. Кристаллар 100°C ҳароратда 30–40 минут қиздирилганда ўзининг захарлилик хусусийтини йўқотади.

Дунёда ушбу препаратларни ишлаб чиқаришнинг 20 га йқин саноат шакллари йратилган, буларни ҳаммасининг асосида *Бас.тхурингиенсис* нинг у ёки бу турлари ётади. Асосан саноат асосида қуйидаги турлардан фойдаланилади: *Бациллус тхурингиенсис* *вар. тхурингиенсис*, *курстаки*, *галлериае*, *дендролимус*, *исраеленсис*.

Мамлакатимизда, Республика Фанлар Академийси Микробиологий институтида, профессорлар қ.Д.Давранов ва Т.Ю.Юсуповлар раҳбарлигида *Бас.тхурингиенсис* ни маҳаллий штамлари асосида биопрепарат ишлаб чиқариш технологийсининг илмий асоси йратилди. Россияда эса, бу препаратнинг 10 дан ошиқ хиллари ишлаб чиқарилмоқда ва амалиётда кенг қўлланилмоқда. Мисол тариқасида “ентобактерин” номи билан *Бас.тхурингиенсис* *вар.галлериае* бактерийси асосида саноатда биринши марта кукун кўринишида препарат тайёрланган. Препарат таркибида 30 млрд/г спора, шунша миқдорда кристалл ҳолидаги эндотоксин ва ёпиштирувчи

қўшилмалар (каолин) мавжуд. Тангаша қанотли ҳашоратларнинг кўпгина турларига қарши курашда самарали фойда беради: карам ва шолғом оқ капалаги, карам куйси, ботқоқ капалаги, мева куйси ва бошқалар.

Ишакда таъсир қилувши препарат озиқа билан хашоратнинг организмга кириб, уни захарлайди, хашоратда экзотоксин таъсирида вужудга келадиган фалажлик уйғотади, ишак тизимининг бир бутунлиги бўзилади, кейин споралар гемолимфаларга киради у эрда ўсади, хужайра кўпай бошлайди ва сепсис бошланади, натижада хашорат нобуд бўлади. Энтобактерин одам ва иссиққонли ҳайвонларга, балиқ, асалариларга ва энтомофагларга таъсир қилмайди, лекин ипак қуртига хавфлидир.

Препарат эритмаси ўсимликга сепиш йўли билан қўлланилади, 2–5 кг/га миқдорда 300–1500 л/га махсус пуркагиш мосламалар ёрдамида, катта майдонларга самолёт ёрдамида ҳам сепилиши мумкин. Энтобактеринни қўллашнинг мўтадил ҳарорати 18–32<sup>0</sup>С дир.

Шунга ўхшаш турли хил номлар билан бир қанша препаратлар бутун дунёда ишлаб чиқарилмоқда ва ўсимликларни зараркунанда хашоратларига қарши курашишда амалиётда кенг қўлланилиб келинмоқда. Масалан: дендробасиллин, битоксибасиллин (БТБ), БИП-биологик инсектисид препарат, гомелин, лепидосид, бактокулисид, дипел, бактоспеин ва бошқалар.

***Бас.тхурингиенсис*** бактерийси асосида тайёрланган биопрепаратлар юқори самарадорликка эга. Бу препаратлар баршаси ***Бас.тхурингиенсис*** бактерийси штаммлари асосида тайёрланган бўлиб, хашоратлар турига таъсири, препаратни тайёрлаш технологийси, самарадорлиги ва бошқа бир қанша хусусийтлари билан бир-бирларидан фарқ қилади.

### **Замбуруғлар асосида олинадиган энтомопатоген препаратлар**

Замбуруғли энтомопатоген препаратлар зарарли хашаротларда микоз касаллигини туғдириш орқали уларнинг нобуд бўлишига олиб келади.

Энтомопатоген бактерийлар ва вирусларга нисбатан замбуруғлар қуйидаги ўзига хос хусусийтларга эга :

- ◆ *нобуд бўлиши овқат ҳазм қилиши йўллари орқали эмас, балки бевосита кутикула орқали руй беради;*
- ◆ *хашаротлар ўзининг куколка ва имаго ривожланиши фазасида нобуд бўладиги, бу бошқа микроорганизмлар билан бўладиган ўзаро муносабатларда кузатилмайди;*
- ◆ *замбуруғлар нисбатан тез ўсиши ва жуда катта репродуктив қобилийига эгаллиги билан характерланади, энтомопатоген фаоллигини пасайтмасдан спора ҳолатида узоқ вақтгаша табиатда сақланиши мумкин;*
- ◆ *айрим хашаротлар турларин нобуд қилишида юқори даражада специфик бўлиб, бинобарин уларнинг вирулентлиги сезиларли даражада ишлатиладиган замбуруғларни штаммига боғлиқ бўлади.*

Замбуруғли препаратнинг хашаротга таъсири спораларнинг тана бўшлиғига тери орқали киришидан бошланади. Хашарот танасига тушган замбуруғ спораси ўсиб гифага айланади, кейин миселийга, қайсики улардан гифали танашалар энтомопатоген замбуруғларнинг инфекцияли бирлигини ташкил қилувиши копидийлар ажралиб чиқади.

Копидийлар ўсиб чиққандан кейин то хашаротлар нобуд бўлишигаша бўладиган оралиқ вақти хашаротлар катта-кишиклигига қараб 2–8 суткагаша давом этиши мумкин.

**Беаувериа** авлодига мансуб замбуруғлардан препаратлар олиш уларнинг **Б.бассиана вуилл** (60 дан ортиқ турдаги хашаротларни нобуд қилади) ва **Б.тенелла Дел.** (10 дан ортиқ турдаги хашаротларни нобуд қилади) турлари асосида саноат миқёсида препаратларни ишлаб чиқаришга асосланган.

Ҳозирги пайтда **Б.бассиана(Балс).Вуилл.** ни гафолисети конидиоспорасини ташкил қилувиши замбуруғли энтомопатоген препарат-боверин ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилган.

Тайёр ҳолдаги бу препарат оқ ёки кремсимон кўринишидаги порошок бўлиб, 1 гр. препаратда 1,5 дан 6 млрд. гаша конидиоспоралар мавжуд. Споралар билан бир қаторда боверин фаоллиги замбуруғда синтез қилинадиган токсин- боверисин билан ҳам белгиланади. Бу препаратни



қўллаш дехқоншилиқда қўлланиладиган кимёвий препаратларни 90% гаша қисқартиришга имкон беради. Шу билан бирга препарат инсонлар, иссиқ қонли ҳайвонлар ушун зарарсиздир.

Боверинни саноат асосида олиш ушун ишлаб чиқариш штаммини ҳам суюқ озикада, ҳам қаттиқ озика муҳитида ўстириш мумкин.

Конидиоспоралар ишлаб чиқаришда технологик-иқтисодий кўрсаткишлар суюқ озикада ўстириш билан қаттиқ озика юзасида ўстириш усулларида дейрли ўхшаш бўлади.

Бирок, конидиоспораларни суюқ озика фазасида ўстириш орқали олиш оддий иш эмас, бунинг ўзига хос техник ноқулайликлари мавжуд.

**Б.бассиана Вуилл** замбуруғини суюқлик усули орқали ўстирилганда улар вегетатив кўпайиб, ҳаво конидиоспоралардан фарқ қилуви гонидий (бластоспора, цилиндраспора) деб номлануви гифали тана ҳосил қилади.

Ҳашоратларга таъсири юзасидан гонидийлар, конидийлардан қолишмайди, аммо ишлаб чиқариш шароитида гонидийлар асосида юқори фаолликка эга препаратлар олиш имкони йўқ, шунки улар конидийларга нисбатан қуритиш босқишидаги юқори ҳароратга ўта даражада сезгир ва шидамсиздир. Ананавий юқори ҳароратда пурқаб қуритиш мосламаларда боверин ишлаб чиқаришда препаратлар қуритилганда 90% гонидиоспора ва 20–50% конидиоспора нобуд бўлади. Шунинг ушун қуритилгандан сўнг споралар йшовшанлиги ва уларнинг вирулентлигига кўра боверин ишлаб чиқаришда эътибор конидиоспора миқдорини максимал даражада олишга йўналтирилган.

**Б.бассиана Вуилл** замбуруғини суюқ озикада ўстириш орқали конидиоспора олиш муаммоси озика муҳити ва ферментасий шароитини танлаш муаммоси ҳал қилинганда эшилди.

### **Вирусли энтомопатоген препаратлар**

Ҳамма энтомопатоген препаратлар ишида вирусли препаратлар хўжайин хашаротга нисбатан ўзининг ўта спесификлиги билан характерланади. Улар одатда бир турдаги хашаротларгагина таъсир кўрсатади.

Уларнинг бу йққол тор доирадаги таъсирининг ўзи бу препаратларнинг инсон, флора ва фауна ушун безарарлигини кўрсатади. Вируслар ўзларининг нокулай ташқи таъсирларига (харорат, намлик) ўта шидамли бўлиб, улар хашаротлардан ташқи ҳолатда ҳам 10–15 йилгаша ўз таъсир кушини йўқотмайди.

Хашаротнинг вируслар билан касалланиши уларнинг овқатланиши орқали юз беради. Хашарот ишакларига тушган вирусли танаша ишқорли pH да паршаланишни бошлайди. Эркинликка чиққан вирионлар ишак деворлари орқали хужайраларга ўтиб, йдроларда вируслар репликасийси руй беради. Бўш вируслар бошқа хужайраларни ҳам зарарлай бошлайди ва оқибатда хашаротлар лишинкаларининг нобуд бўлишига олиб келади.

Вирусларнинг фарқланувши белгилари шуки, улар фақатгина тирик тўқималардагини кўпай олади. Бу эса ўз навбатида саноат миқёсида вирусли энтомопатоген препаратларни ишлаб чиқаришда бир мунша қийиншиликлар туғдиради, шунки вирусларни кўпайтириш технологийси жараёнида фақатгина тирик хўжайин-хашаротлардан фойдаланиши талаб этилади.

Ҳозирги пайтда 3 хил вирусли энтомопатоген препаратларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилган: вирин-ЕКС(карам қуртига қарши), эНШ (ток ишак қурти касалига қарши), АББ (амерака оқ капалагига қарши).

Ҳар қандай вирусли препаратни ишлаб чиқариш хўжайин-хашаротни уларнинг физиологик соғломлигини таъминловши сунъий озиқа муҳитида ўстиришдан бошланади. Маълум бир ривожланиш фазасида (одатда кўнғиз даврида) хашаротлар овқатига вирусли суспензий кўшиш йўли билан улар зарарлантирилади. Бунинг ушун инокулйт олдиндан бир қанша касалланган лишинкалардан олиб тайёланади.

Ҳашаротлар зарарлангандан сўнг унинг тўқимасида максимал вируслар тўпланишини таъминловши қатъий аниқ шароитда сақланади.

7–9 кундан кейин нобуд бўлган ва шалажон лишинкалар йиғилади, 33–35<sup>0</sup>С да улар қуритилади, механик усулда тўқималар йиғиндиси - тана майдаланади. Олинган массага физиологик эритма ёки дистилланган сув 1

қўнғизга 1 мл ҳисобида қўйилади, майдаланиб суюлтирилган тўқима филтрланади.

Ишлаб чиқариш препарати вирин-ЕКС полиедралари филтратни сентрафигура усулида шўктириб олинади. Шўкма минимал миқдорда дистилланган сувда суюлтирилади ва 1 мл дан 1 млрд. гаша полиедрлар титри бўлгунша стерилланган глисерин қўшилади.

Тайёр препарат флаконларга бир ёки бир неча гектарга этарли миқдордаги меъёрда жойланади. Ушбу технологий инокулит сарфи билан таққосланганда полиедрлар миқдорини 5-10 минг марта ошириш имконийтини беради. Битта қўнғизда ўрташа 36 млрд.гаша полиедрлар унинг қуруқмас оғирлигининг 30% ини ташкил этувиши 36 млрд.гаша полиедрлар олиш имконийти мавжуд.

Ишлаб чиқаришда вирин-ЕНШ препарати филтратига лактоза қўшилади аралаштирилгандан сўнг суспензий ҳажмининг 4:1 нисбатида асетон қўшилади.

Тиндирилгандан сўнг устки қисм суёқлиги тўкилади шўкма эса асетон тўлиқ ушиб кетгунша қуритилади. Тайёр препарат формасини тайёрлашда қуруқ шўкма қўшимшалар - каолин ёки бентонитга 1 граммлари 1 млрд. полиедрлар титрини олишгаша аралаштирилади.

**Препаратнинг ёғли формаси шўкмани дастлаб стерил 50% ли глисерин эритмасида 1 мл да полиедрлар титри 2 млрд. - бўлгунша деспиргирлаш йўли билан тайёрланади, кейин стерил ҳолда солёр мойи ҳажми миқдориди қўшилади, аралаштирилади ва флаконларга қўйилади.**

#### **Микробиологик саноатда бактериофагларнинг аҳамийти**

Бактерийларнинг ҳаёт фаолийтига асосланган ҳамда микробиологий саноатининг узоқ бўлмаган тарихий тараққиёти шуни кўрсатадики, микробиологик махсулот олишда бактерийларни бактериофаглар (бактерий вируслари) таъсирида лизисга ушраши кўп қийиншиликларни вужудга келтирди (1).

Биринши бўлиб бу ҳодиса билан микробиологий саноатининг энг қадимги соҳаси сут махсулотлари ишлаб чиқаришда тўқнашилди. Сут ашитувиши

бактерийлар ва уларнинг амалий аҳамийтига бағишланган адабиётлар жуда ҳам кўп, бу масалага қизиқиш йилдан йилга ортиб бормоқда (2).

Шунга ўхшаш фаголизис ҳодисаси энтомосид бактерий препаратлари ишлаб чиқариш саноатида ҳам кузатилди. Энтомопатоген бактерий препаратлари асосан *Bac.tхурингиенсис* бактерийси асосида тайёрланади. Бу бактерийни лабораторий шароитида ва саноатда ферментёрларда ўстирилганда фаглар таъсирида лизисга ушраганлиги кузатилган, заводда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг имкони бўлмай қолган (3).

Бактерийлар фаолийтидан фойдаланиб фермент олишда, витамин, асетон, бутил спирти ва бошқа маҳсулолар олишда фаголизис ҳодисаси аниқланган. Фаголизис атроф-муҳитнинг генетик ифлосланишига сабабши бўлиши мумкин (1-3).

Микробиологий саноатининг тезлик билан тараққий этиши ва унинг халқ хўжалигидаги ўсиб бораётган амалий аҳамийти илмий тадқиқотчилар олдида кўплаб муаммоларни қўйди. Шуларнинг ишида фаголизисга қарши курашиш муаммосининг илмий ва амалий асосларини эшиш муҳим аҳамийтга эгадир.

Лекин шуни назарда тутиш керакки, фаголизис микроорганизм вирусларини саноатдаги аҳамийтининг фақат бир бўлаги ҳисобланади.

Бундан ташқари бактериофагларни саноат микробиологийсидаги аҳамийтди жуда каттадир.

Табиийки, тадқиқотчилар ва микробиологий саноати ходимлари олдида турган дастлабки масала: ишлаб чиқаришда фагларни тушиш манбасини аниқлашдир.

Фаглар қўлланилаётган хом-ашё таркибида бўлиши мумкин. Аниқланишича сут ашитувши бактерийларни лизис қиладиган фаглар сутда бўлади ва кўпинша жуда кўп миқдорда ушрайди (2).

Ластобасиллус плантарум бактериофагини турли хил субстратлар намуналарида бирмунша миқдорда ушраганлиги ўрганилган. Масалан: 25-30% кўк ўсимлик массасида, 30-40% тупроқ ва сувда, 40-50% силос намунасида ва қалла културасида ҳамда мева ва сабзавотларда 50-60% бўлиши исботланган (2).

Микроорганизмлар вируси ҳам бошқа вируслар каби табиатда кенг тарқалган. Булар ишида спектри (литик таъсири) кенг бўлганлари, турли хил туркум култураларини лизис қилиш қобилиятига эга бўлганлари ҳам бор. Шунинг ушун айрим вақтларда саноат штаммлари, унга қарши вирулент бўлган фаг билан лизис бўлиши мумкин, бу фаг ишлаб чиқариш жараёнини бирорта босқичида стериллик бузилиши натижасида ташқи шароитдан тушиши мумкин (4, 5).

Ишлаб чиқариш жараёнига фаг тушишининг йна бир йўли бор, у ҳам бўлса саноатда ишлатиладиган штаммнинг лизоген бўлиши мумкин, йъни култура ўзининг хужайрасида фагни профаг (фагнинг ДНК си) ҳолатда ушлаб туришидир (1).

Профаг хужайра хромосомасига (ДНК сига) интеграсийланган ёки плазмида ДНК сига кўшилган бўлиши мумкин. Шу ҳолатда хужайра кўпайверади, профаг бор йўқлиги билинмайди, ҳаттоки электрон микроскоп орқали ҳам кўриб бўлмайди.

Маълум бир шароитда хужайрадаги моддалар алмашинувининг бирорта босқичида (бизга маълум бўлмаган модда таъсирида) профаг фагга айланади. Фаг хужайрада кўпайди маълум сонга этгандан кейин хужайра қобиғини эмиради ва ташқарига бактерий култураси ўсадиган муҳитга чиқади (1, 3, 4).

Лизогений ҳодисаси микроорганизмларни ҳамма систематик гуруҳида кенг тарқалган. Бирорта културани ишонш билан айтиш мумкин эмаски, бу лизоген бактерий эмас деб, ҳаттоки ундан фаг ажратиш мумкин бўлмаган тақдирда ҳам. Агар тадқиқотши ўзи ишлайдиган културасини лизоген деб қараса хато қилмайди (1).

Лизогений ҳодисасининг бактерийлар орасида жуда кенг тарқалганлиги туфайли биз тўлиқ асос билан айта оламизки, бу ҳодиса микроорганизмлар эволюциясининг ҳозирги босқичида тасодифий бўлмасдан балки, табиийдир. Шунинг ушун ишлаб чиқаришга фаг тушиш манбасининг олдинги иккитасидан фарқли ўлороқ лизоген култураси заводда фаг пайдо бўлишининг муҳим манба ҳисобланади ва бу доимий қутилиб бўлмайдиган фактордир (3, 4).

Айрим вақтларда ишлаб чиқариш шароитида саноат културасига қарши лизоген културасидаги фагдан бошқа йнги фаг пайдо бўлиши ҳам мумкин. Ферментасий вақтида завод културасини лизис қиладиган фаг ташқаридан тушиши мумкин, натижада лизоген култураси фаги геноми билан атрофдан кирган фаг геноми ўртасида бактерий ҳужайрасида рекомбинасий (шатиштирилиш) ҳодисаси кетади ва натижада йнги, олдинги иккитасига ўхшамаган ушинчи фаг пайдо бўлади. У ферментёрларга тарқайди, натижада бактерийдан олинадиган махсулотнинг сифати бузилади ёки уни бутунлай олиб бўлмайд қолади (2, 3).

Маълумки, лизоген културалар ўзининг таркибидаги мўтадил фагига шидамлидир. Демак, мўтадил фаг мутасий натижасида вирулент фагга айланганида, културанинг лизиси амалга ошади.

Мўтадил фагларнинг вирулент фагларга айланишининг мутасий механизми йхши ўрганилган. Бунда мўтадил фаглар ДНК си оператор майдоншасидаги нуклеотидлар кетма-кетлигини бактерий ҳужайраси ситоплазмасидаги оксил-репрессор билан мувофиқлиги бузилади, натижада репрессор фаг ДНК си репликасийсини тўхтатаолмай қолади, фаг ҳужайра ишида кўпай бошлайди, йъни вирулент ҳолатга ўтади (4, 5).

Ишлаб чиқаришда кузатилган бактериофагларни асосий хусусийтларини билиш ва уларни олдинги маълум фаг хоссалари билан солиштириш заводда фагларга қарши курашишнинг асосий шартларидандир. Умуман ҳар битта амалий ва назарий аҳамийтга эга бўлган културани лизоген ҳолати олдиндан чиқаришга берилмасдан ўрганилиши зарур, унинг мўтадил фаги ажратилиб унинг хусусийтлари тахлил қилиниши керак, шу билан уни вирулент мутант ҳосил қилиши ишлаб чиқаришга бермасдан маълум бўлиши шарт (4).

Шу вирулент мутанти маълум фагга (фагга бардошли мутанти) олдиндан амалий аҳамийтга эга бўлган бактерийни заводга бермасдан олиниши керак ва мутантни фагга бардошлилик механизми ўрганилиши зарур.

Бактерийларнинг фагга бардошлилик механизми йхши ўрганилган. Бактерийларни уларга фаол фаглари билан кўшиб суюқ озика муҳитида ёки агар-агар солинган қаттиқ муҳит юзасида ўстирилганда фагга бардошли

бактерий колонийси тезда кўринади. Уни бир неша марта қайта экиб (фагдан тозалаш ушун) маълум бактериофагга шидамли бир қанша култура-колонийлари олиш мумкин (5).

Тажрибалар шуни кўрсатадики, колонийларнинг фагга бардошлилик механизми турлиша бўлади. Айрим колонийлар фагни адсорбсий қилиш қобилиятини йўқотган, бошқалари эса фаг адсорбсий бўлиб хужайра ишига киргандан кейин уни у эрда кўпайишига йўл бермайди (2).

Хужайра ишида фагнинг кўпаймаслик сабаби ҳам турли хил бўлади: хужайра лизоген бўлганлиги туфайли; ситоплазмада оксил-репрессор концентрасийси кушли бўлади, бу репрессор юқорида айтиб ўтилганидек фаг ДНК сидаги оператор қисм нуклеотиди билан бирлашиб унинг репликасийсига йўл бермайди; хужайрада маълум плазмада бўлиши мумкин, плазмада ўз махсулоти билан фаг репликасийсини секинлаштиради (2, 5).

Бактерий ишида фагнинг кўпаймаслик механизмининг йна биттаси хужайра ситоплазмасида эндонуклеаза-рестриксий (рестриктаза) ферментининг бўлишидир (5).

Маълумки, бу фермент фаг ДНК сини фрагментларга паршалаб юбориб, унинг кўпайишига тўсқинлик қилади (2-5).

**Ишлаб шиқариш шароитида фаголизисга қарши курашиш шоралари:**

- 1. Ишлаб шиқаришига бериладиган барша штаммларни фагга бардошлилигини ўрганиб шиқиши, уларнинг лизогенлигини аниқлаш;*
- 2. Ишлаб-шиқаришида фойдаланиладиган бактерийга қарши фаг пайдо бўлса, уни бошқа фагга шидамли штамм билан алмаштириши; Амалиётга бериладиган ҳар бир бактерий штаммига, олдиндан табиатдан йнги фаглар қидириши ва шу фагларга бардошли бўлган мутант вариантларини лабораторий шароитида йратиши;*
- 3. Фагга шидамлилик механизми аниқлаш; Ҳар бир бактерийга қарши ажратилган фагларни классификасийсини замонавий усуллар ёрдамида уларнинг ДНК си ва оқсилсини таҳлил қилиши;*

4. Фагга бардошли мутантларни йратиши уларда барша зарур хоссалар (махсулдорлиги ва бошқалари) сақланиб қолинишига эришиши, зарур бўлганда мутантлар махсулдорлигини генетика ва селексий йўллари билан доимий равишда ошириб туриши;

5. Ишлаб чиқариши шароитида фаг тушмаслигининг олдини олиши мақсадида барша тегишли йўллари билан йна бири ишлаб чиқариши жараёнида санитарий-гигиена қоидаларига риой қилишидир.

Бу эса қуйидаги амалий ишларни бажаришни таққазо этади:

а) Озиқа муҳитини, сувни, ҳавони стерилизасийсини таъминлаш;

б) кўпайтириши ушун фойдаланиладиган микроорганизм албатта фагдан ҳоли бўлишига эришиши;

в) фойдаланилаётган штамм ишлаб чиқариши талабига жавоб бериши, айниқса: лизоген бўлмаслиги (ҳеш бўлмаганда ташиқарига тирик фаг шиқмаслиги зарур - штамм ушун фаол таъсир қиладиган маълум фаглар тўпламига ишдамли бўлиши шарт.

Бактериофагларни саноат микробиологийсидаги аҳамийти фақат фаголизисни манбаи сифатидаги салбий роли билан белгиланмайди (6).

Саноатда қўлланиладиган бактерийларни махсулдорлигини генетика ва селексий усуллари билан оширишда бактериофаглардан кенг фойдаланилади. Бактериофаг ДНК си ёки уни бўлаклари (фрагментлари) бактерий фойдали генларини клонлашда вектор вазифасини бажариши мумкин (6).

Фаглар бактерий ҳужайрасида профаг ҳолатида бактерийнинг кўп хусусийтларига жавоб беради, масалан: дифтерий касаллигини туғдирувчи бактерийда токсин ҳосил бўлишига сабабшидир. Кўп фрагментларнинг ҳосил бўлишига жавобгар генлар профагда жойлашган (5, 6).

Бир қанша фаг фрагментлари (Т4 фагининг полинуклеотид лигазаси, фаг лизосими, ДНК-полимераза ва бошқалар) тижорат асосида олинмоқда. Бактериофагларни амалий аҳамийти билан бир қаторда биологийда уларнинг назарий аҳамийти ҳам каттадир. Молекулйр биологий, молекулйр генетика ва ген мухандислиги фанларини пайдо бўлиши ва таракқиётида



бактериофагларнинг роли модел организм сифатида хизмат қилиб келмоқда (5, 6).

### Назорат саволлари

1. Микроорганизмларни хужайра тузилиши.
2. Микроорганизмларни кимёвий таркиби қандай?
3. Микроорганизмларда модда алмашинув жараёни.
4. Микроорганизмларни аниқланиш типлари.
5. Продусент микроорганизмларга қўйиладиган талаблар.  
Микроорганизмларни прокариотлар ва еукариотларга бўлиниши нималарга асосланади?
6. Прокариот ва еукариотга кирувши микроорганизмлардан қайсиларини биласиз?
7. Микроорганизмлар номенклатураси нималарга асосланган?
8. “Тоза” штамм (култура) деб нимага айтилади?
9. Бактерий хужайраларини асосий шакллари айтиб беринг?
10. Актиномисетлар морфологисининг ўзига хослиги нималарга асосланган.
11. Микроорганизмлар хужайралари ва хужайра органеллалари қандай бирликда ўлшанади?
12. Микроорганизмлар хужайраларидаги асосий структураларини ва уларни фаолийтлари ҳақида нималарни биласиз?
13. Заҳирадаги озиқа моддалар деб қандай моддаларга айтилади?
14. Микроб хужайрасида қанша сув бор ва унинг вазифаси нима?
15. Микроорганизмларда моддалар алмашинувининг асосий типлари ҳақида нималарни биласиз?
16. Прокариотларни озиқланиш типларини аниқлашда қандай кўрсаткишлардан фойдаланилади?
17. Прокариотларда озиқланишнинг қандай типлари мавжуд?
18. Гетеротроф микроорганизмлар ушун углерод ва энергий манбаи сифатида қандай органик бирикмалар ишлатилади?

19. Микроорганизмлар кислородга муносабати бўйиша қандай гуруҳларга бўлинади?
20. Микроорганизмлар ҳароратга бўлган муносабати бўйиша қандай гуруҳларга бўлинади?
21. Озиқа муҳитининг пХ кўрсаткиши микроорганизмлар ривожланишига қандай таъсир кўрсатади?
22. Бактерийлар, ашитки замбуруғлари, миселиал замбуруғлар ушун мўътадил бўлган пХ кўрсаткишларини айтиб беринг?
23. Микробга қарши (антимикроб) модда нима? Уларга мисоллар келтиринг.
24. Микроб-продусентларга қандай талаблар қўйилади?

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

1. Бернад Р.Глик, Жаск Ж. Пастернак. Молесулар биотечнологй. - Вашингтон 2010. 1020 р.
2. Мариан Петре. Энвиронментал биотечнологй – Нев апроачес андрочес андр проспестиве аплисатион –Рижека, Сроатиа, 2013
3. Дениз экинси. “Биотечнологй”. Сроатиа, 2015.
4. Артикова Р.М., Муродова С.С. Қишлоқ хўжалик биотехнологияси. Дарслик. Т.: Фан ва технология. 2010. -279 б.
5. Хўжамшукуров Н.А., Давранов Қ.Д. Саттаров М.Е. Озиқ-овқат ва озуқа маҳсулотлари биотехнологияси. Дарслик. Т.: Тафаккур қаноти. 2014. -175
6. Хўжамшукуров Н.А., Максумова Д.Қ. Биотехнологик жараёнларнинг жиҳозлари. Дарслик. Т.: Тафаккур қаноти. 2014.-159 б.
7. Мирхамидова П. ва бош. Микробиология ва биотехнология асослари. Дарслик. Т.: Илм зиё. 2014. -335 б.
8. Зикряев А., Мирхамидова П. Биологик кимё ва молекуляр биология. Дарслик. Т.: Тафаккур бўстони. 2013. -223 б.

## **Интернет ресурслар**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:
2. [www.edy.uz](http://www.edy.uz).
3. Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси: [www.аси.уз](http://www.аси.уз).
4. Компютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш: [www.истсоунсил.гов.уз](http://www.истсоунсил.гов.уз).
6. ЎзР ОЎМТВ хузуридаги Бош илмий-методик марказ: [www.бимм.уз](http://www.бимм.уз)
7. Тошкент ахборот технологиялари университети: [www.туит.уз](http://www.туит.уз).
8. [www.Зиёнет.уз](http://www.Зиёнет.уз)
9. Инфосом.уз электрон журнали: [www.инфосом.уз](http://www.инфосом.уз)

## **IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ**

### **1-амалий машғулот**

#### **Микроорганизмларни ўстириш учун озуқа муҳитлари тайёрлаш усуллари**

#### **Лабораторияда ишлаш қоидалари**

Лабораториясида ишлаётганда ҳавфсизлик техникаси ва қоидаларига риоя қилиниши лозим. Техник микробиология лабораториясида фақат оқ халат, шапкача ёки дуррачада ишлаш талаб этилади.

Лабораторияга бегона буюмларни олиб келишга рухсат этилмайди. Иш жойида ортиқча нарса бўлмаслиги керак. Фақат битта жойда ишлаш, ўзига биркитилган асбоб ускуналардан фойдаланиш ва барча нарсаларни белгиланган жойларга қўйиш лозим. Ичида микроорганизмлар культураси бўлган колба ва пробиркага сиёх билан аниқ қилиб ёзилиши, реактивлар ва аралашмалар солинган идишларга эса ёрликлар ёпиштирилиши керак. Спиртовкалар билан ишлаётганда спирт буғларининг алангаланиб кетишидан эҳтиёт бўлиш лозим. Спиртовкани ёниб турган бошқа спиртовкадан ёндириш мумкин эмас. Спиртовкани фақат махсус қалпоқчалар билангина ўчириш керак. Пахтали тиқинлар ёна бошлаганда уларни пуфлаб ўчиришга ҳаракат

қилмаслик керак. Бу ёнишни кучайтиради холос. Ёнаётган тиқинни пробиркага, колбага тиқиш ёки устига мато ёпиш керак.

Ишни бошлашдан олдин ва иш тугагач, тадқиқот ўтказилаётган стол усти ювилади ҳамда дезинфекция қилинади. Микроб биомассаси қўл, стол ва атрофдаги нарсаларни ифлослантормаслиги зарур. Илмоқлар, ниналар ва пинцетларни микроорганизмларга теккандан сўнг спиртовка ёки газ горелкасида куйдириш ва маҳсус штативга қўйиш керак. Тўкилиб кетган микроб суспензиясини дезинфекция воситалари ёрдамида зарарсизлантирилади.

Иш тугагандан кейин микроблар билан ифлосланган идишларни кайнатиш ёки автоклав йўли билан стериллаб, тирик ҳужайраларни ўлдириш керак. Шундан кейингина идишларни ювиш мумкин. Микробли қаттиқ муҳитнинг юзасига дезинфекция эритмаси қўйилади. Бир сутка ўтгандан сўнг муҳитни ташлаб юбориш, идишни ювиш мумкин. Ишлатилган пипеткалар 3% ли хлорамин эритмасига солиб қўйилади ва шундан кейингина улар ювилади ва стерилланади.

Буюм ва қоплама шишалар ҳам иш тугагандан сўнг дезинфекция аралашмасига солиб қўйилади ва кейин оқар сувда яхшилаб ювилади. Идишларни фақат резина қўлқоплар ёрдамида ювиш лозим. Микроорганизмлар билан палапартиш ишлаш натижасида ҳавода микроб аэрозоли ҳосил бўлиши мумкин.

Бактериоцид чироқлар билан ишлаётганда бора ёки оддий ҳимоя кўзойнаклари тақиб олиш керак. Чироқ нурига ҳимоясиз кўз билан қараш мумкин эмас. Бу кўриш қобилиятининг йўқолишига олиб келиши мумкин.

Юқори босим кучланиш остида ёки юқори ҳароратда ишлайдиган аппаратлар билан ишлаётганда хавфсизлик қоидаларига қатъий риоя қилиниши талаб этилади.

Лабораторияда чекиш, овқатланиш, сув ичиш, кўп юриш рухсат этилмайди. Микроб культураларини лаборатория хонасидан четга олиб чиқиш қатъий ман этилади. Машғулот тугагандан сўнг иш жойи ва ускуналарни тартибга келтириш лозим. Кимёвий реактивлар билан ишлаш

қоидаларига риоя қилиш керак. Шахсий гигиена қоидаларига ҳам қатъий риоя қилиш лозим. Иш тугагандан сўнг ва овқатланишдан олдин қўлларни дезинфекция қилиш ва совун билан яхшилаб ювиш керак.

Талабалар ва лаборатория ходимлари инструктаж ўтказилганлиги ва лабораторияда ишлаш тартиби билан таништирилганлиги тўғрисида махсус журналда қайд қилинади.

## **МИКРООРГАНИЗМЛАРНИ ЎСТИРИШ УЧУН ОЗУҚА МУҲИТЛАРИ ТАЙЁРЛАШ УСУЛЛАРИ**

*Ишдан мақсад:* микроорганизмларни ўстириш учун қўлланиладиган озуқа муҳитлари таркибини ўрганиш ҳамда озуқа муҳитини тайёрлаш усуллари ўзлаштиришдан иборат.

### **1. Озуқ муҳитларнинг турлари ва уларнинг таркиби**

Озуқ муҳитларнинг таркибига органоген элементлар (C, O, H, N), кулли макроэлементлар (Mg, Ca, P, S, K, Fe), баъзи микроэлементлар (Mn, Cu, Na, Cl, Zn, Mo ва бошқалар) киради. Улар микроорганизмлар осон ўзлаштирадиган шаклда бўлиши керак. Углеродни кўпинча глюкоза, сахароза, спиртлар, органик кислоталар ва бошқа бирикмалар шаклида микроорганизмлар яхши ўзлаштирадилар. Азот манбаси сифатида оксил моддалар, пептонлар, аминокислоталар, аммоний тузлари, нитратлар бўлиши мумкин. Ўстирувчи моддалар сифатида ачитки экстрактлари ёки ачитки автолизатлари, баъзан витаминлар, аминокислоталар, пурин ва пиримидин асосларининг эритмалари қўшилади.

Таркиби бўйича озуқ муҳитлари 2 турга бўлинади: табиий (натурал) ва сунъий (синтетик).

Тарбиий муҳитлар ўсимлик ва ҳайвон маҳсулотларидан ташкил топиб, мураккаб ва ўзгарувчан таркибли бўлади. Уларни микроорганизмларни ўстириш, биомассасини ошириш, тоза культураларни сақлаш ва микроорганизмларни аниқлаш мақсадида қўлланади. Натурал озуқ муҳитларидан кўпинча гўшт-пептонли бульон (агар), хмель (қулмоқ) қўшилмаган пиво шираси (агари), ачитқили сув, карамли муҳит ва бошқалар қўлланади.

Синтетик озук муҳитлар таркибида маълум органик ва анорганик бирикмалар аниқ концентрацияларда бўлади. Синтетик озук муҳитларни микроорганизмларнинг модда алмашинувини, ўсиш қонуниятини аниқлаш учун ёки бирор метаболитни синтезини ўрганиш х.к. учун тайёрланади. Амалий ишларда кўпинча Чапек синтетик муҳитини – моғор замбуруғини ўстириш учун, Риддер муҳитини – ачиткилар учун ва бошқа муҳитлар ишлатилади.

Белгиланган мақсадга кўра озук муҳитлари универсал, электив ва дифференциал-аниқловчиларга бўлинади. Универсал (ёки асосий, стандарт) озукларга кўп турдаги микроорганизмлар ўсиши учун қулай озук муҳитлари киради: гўшт –пепионли бульон хмель кўшилмаган пиво ширасива бошқалар. Электив ёки танлаб олувчи муҳитлар фақатгина маълум микроорганизмларни ёки бир бирига яқин турлар гуруҳларини ўсишини таъминлайди, бошқалари эса бу муҳитда ўсмайди.

Дифференциал - аниқловчи ёки индикатор муҳитлар микроорганизмларни биохимик хусусиятларини ўрганиб, уларнинг тоза культурасини индентификациялаш (аниқлаш) учун қўлланади.

Консистенцияси бўйича муҳитлар суюқ, қаттиқ ва сочилувчан бўлади. Суюқ озук муҳитини микроорганизмларнинг биомассасини ва модда алмашинув маҳсулотларини тўплаш учун, хужайраларни актив ҳолда сақлаб туриш ва уларнинг физиологик-биокимё хусусиятларини ўрганиш учун қўлланилади. Қаттиқ озук муҳити микроорганизмларнинг тоза культурасини ажратиб олиш, алоҳида жойлашган колонияларни олиб уларни ўрганиш, турли субстратларнинг микрофлорасини аниқлаш, хужайралар сонини ҳисоблаш, музейларда тоза культураларни сақлаш ва уларни заводларга юбориш ва ҳоказо учун ишлатилади.

Сочилувчан муҳитлар (кепак, эзилтириб пиширилган донлар, лавлаги турпи, кунжара, тупроқ) турли микроорганизмларни ва уларни спораларини сақлаш ва экиладиган материалларни тайёрлаш учун қўлланилади. Қаттиқ озук муҳитларни олиш учун агар ва желатин қўлланади. Агар – мураккаб полисахарид. Уни денгиз суви ўтларидан ажратиб олинади. Тайёр агар оч

сарик рангли кукун, пластинка ёки поястмон шаклдадир. Сувда шишиб, юмшаб 100<sup>0</sup>С эрийдиган гель ҳосил қилади ва 40<sup>0</sup>С қотади. Муҳитни қотириш учун 1,5-3% гача агар қўшиллади, яримсуюқ муҳит тайёрлашда 0,15-0,7% . Желатик хайвон суяклари, емирчаклари ва пайларини қайнатиб олинадиган оксилдир. Желатин концентрациясига қараб (5-15%) 22-26,5<sup>0</sup>С да эрийди. Желатинли муҳитларни, ачитқиларни индентификациялашда йирик колонияларни олиш учун қўлланади.

### **АСОСИЙ ЭЛЕМЕНТЛАР МАНБАСИ**

Кўпчилик микроорганизмлар углерод манбаси сифатида органик моддаларни ассимляция қилади. Микроорганизмлар фойдаланадиган углерод манбаларига боғлиқ бўлмаган ҳолда, генетик аппарати, физиологик ва турлараро ўзига хос хусусиятни, мувофиқ ҳолда ўзининг биополимерлар таркибини тузади.

Микроорганизмлар ҳужайрасида углерод сақлаши ўртача 50% ни ташкил этади, шунинг учун озика муҳити таркибига кирувчи моддалар орасида углерод манбалари асосий ўринни эгаллайди. Турли хил микроорганизм турлари углеродни ҳар хил углерод манбаларида ўзлаштирадilar.

Автотроф микроорганизмлар, ягона углерод манбаси сифатида углерод икки оксидидан фойдаланади.

Гетеротроф микроорганизмлар учун углерод манбаси сифатида, турли хил органик бирикмалар: углеводлар, спиртлар, органик кислоталар, липидлар, углеводородлар ва бошқа углерод сақловчи маҳсулотлар хизмат қилиши мумкин.

Микроорганизмлар азот озикаси углеродга яқинроқ бўлиб ундан ҳажмига нисбатан камроқ бўлади. Элементларни таҳлили шуни кўрсатадики, микроорганизмлар таркибида азот, углеродга нисбатан 5-6 марта камроқ бўлади. Микроорганизмлар ўзлаштирган углеродларини энергетик мақсадларда сарфлайди. Шунинг учун микроорганизмлар озика муҳити таркибида азотга нисбатан углерод манбаларини кўпроқ сақлаши лозим.

Микроорганизмлар азотни ўзлаштирганда асосий қисми ҳужайрада қолади, шунда ўзлаштирилган углероднинг камчилик қисмигина ҳужайрада

ушлаб қолинади. Кўпчилик микроорганизм-продуцентлар учун азот манбалари, мураккаб органик, шунингдек, мураккаб ноорганик азот сақловчи маҳсулотлар ҳисобланади.

Эркин азотни ўзлаштирувчи микроорганизмлар гуруҳи чегараланган бўлиб, улар азотфиксаторлар деб аталади.


Ҳаттоки озиқа муҳитида азотнинг танқислиги ҳужайрада оксил ва аминокислоталар камайиши ҳисобига липидлар сақлашининг ошишига ва ёғ босиб кетишига олиб келади. Шунинг учун ишлаб чиқариш саноатида, бойитилган озиқа ачитқиси олиш учун доимо озиқада азот етишмаслигининг олдини олишга алоҳида эътибор берилади.

Озиқа муҳитида фосфор энг зарур элемент ҳисобланади. У ҳужайра энергетик алмашинувини мўътадиллаштиришни таъминлайди, шунингдек биосинтетик жараёнларда (оксил ва нуклеин кислоталар синтези, гликолиз) бош омил ҳисобланади.

Микроорганизм ҳужайраларининг ўсиш тезлиги, фосфор сақловчи озиқа муҳитидаги фосфор миқдorigа боғлиқ бўлади. Шунингдек, культураларнинг ўсиш тезлиги микроорганизм ҳужайрасида сақланадиган фосфор миқдorigа ҳам боғлиқ бўлади.

Микроорганизмлар физиологиясида фосфор кислоталарининг роли ҳамиша турли тумандир. Озиқа муҳитида фосфор кислоталари буфер ёки водород ионлари миқдорини бошқарувчи ролини бажаради, бу кичик буферли сифимлар намоён қилган озиқаларда жуда зарур ҳисобланади (гидролизаторлар).

Озиқа муҳитида оксидланиш-қайтарилиш потенциалини тескарига айлантирувчи қобилятни фосфор кислота бажаради ва натижада тескари реакция кетади:




Бу тизим фосфатли буфер деб аталади.


Фосфатли буфер,  $\text{KH}_2\text{PO}_4$  (кучсиз асосли туз) ва  $\text{K}_2\text{HPO}_4$  (кучсиз кислотали туз) аралашмасидан иборат бўлади. Агарда эритмада туз эквимолекуляр



миқдорда сақланса унда бундай эритма нейтралга яқинроқ бўлади (рНк6,8). Эритмага кўп бўлмаган миқдорда кучли кислота қўшилса, кучсиз асосли туз, кучсиз кислоталига айланади:



кучли асослар қўшилганда эса тескари жараён амалга ошади:



Шундай қилиб, эритма буфер сингари таъсир қилади ва баъзи ҳолларда озиқада кислоталар ёки кучли рН муҳитини кучли ўзгариши ҳосил бўлади.

## **ВИТАМИНЛАР, МАКРО ВА МИКРОЭЛЕМЕНТЛАР**

### **МАНБАЛАРИ**

Микроорганизмлар хужайрасида моддалар алмашилиши витаминлар, макро ва микроэлементларсиз амалга ошмайди.

Микроорганизмлар витаминларга бўлган талабига кўра икки гуруҳга бўлинади:

**Ауксоавтотрофлар**– витаминлар синтезловчилар, булар озиқада витаминлар бўлишини талаб қилмайди.

**Ауксогетеротрофлар**– витаминлар синтез қилмайдилар ва озиқа муҳитига витаминлар қўшилишига муҳтож бўладилар.

Микробиологик ишлаб чиқаришда кўпчилик микроорганизм-продуцентлар ауксогетеротрофларга таълуқлидир. Уларнинг барчаси деярли тиамин, никотин кислота, пантотен кислота, пиридоксин, инозит ва биотинлардан ташкил топган В-гуруҳ витаминлари комплексига талабчан бўлади. Микроорганизмларда кўпинча биотинга танқислик ҳолати учраб туради. Микроорганизмларнинг витаминларга бўлган талаби, ҳар бир штамм учун тажрибалар орқали аниқланади. Озиқада витаминлар миқдори ҳамиша жуда кам миқдорда бўлади (1 л озиқада мг нинг мингдан бир улуши). Витаминлар хом ашё таркибида бўлиши ёки алоҳида солиниши мумкин.

Микроорганизмларда моддалар алмашилишини таъминлайдиган хужайрани нафас олиш жараёни, оксидланиш-қайтарилиш реакцияси ва бошқа жараёнларни фаоллаштирадиган, ферментлар фаол маркази таркибига

кирувчи макро ва микроэлементлар озика муҳити таркибида албатта бўлиши шарт.

Микроорганизмлар ўсиши ва ривожланишига бир қадар таъсир этувчиларга темир ионлари, симоб, марганец, рух, бор, молибден, кобальт ва қатор элементлар киради. Одатда микроорганизмлар бу элементларни микромеъёрада талаб қилади, бу ҳақда микроорганизмлар миқдорий таркиби ҳам гувоҳлик бериб турибди. Ушбу элементларнинг миқдори ошиб кетиши микроорганизмлар ўсиб ривожланишида чегараловчи-тўхтатувчи таъсир кўрсатади.

Шундай қилиб, микроорганизмларнинг мўътадил ўсиб ривожланиши учун озика муҳитида углерод, азот, фосфор, витамин, макро ва микроэлементлар миқдори, аниқ рН даражаси ҳамда оксидланиш - қайтарилиш реакцияси потенциали бўлиши зарур.

Ҳар бир микроорганизм учун мўътадил озика муҳити узоқ вақт, кўп босқичли тажрибалар олиб бориш йўли билан танланади. Кейинги вақтларда мўътадил озика муҳити танлаш учун математик моделлаштириш ва озика компонентлари нисбатини ҳисоблаш усуллари қўлланилмоқда.

### **Озика муҳити тайёрлаш учун хом ашё маҳсулотлари**

Микробиологик ишлаб чиқаришда озика муҳити тайёрлаш учун турли хил маҳсулотлар (минерал, ўсимлик ва ҳайвонлар ишлаб чиқарган) ва кимёвий йўллар билан олинган синтетик кўринишидаги маҳсулотлар қўлланилади.

Бу маҳсулотлар (улар хом ашё деб аталади) дан озика муҳити таркиби ташкил этилади, унда турли хил зарарли аралашмалар бўлмаслиги, ишлатилиши қулай ҳамда таннархи қиммат бўлмаслиги зарур.

Барча турдаги хом ашёлар давлат стандарти талабларига мос келиши шарт.

Мураккаб табиий маҳсулотлар ёки ишлаб чиқаришнинг қолдиқ маҳсулот хом ашёлари, озика муҳити сифатида фойдаланилишидан олдин қатъий равишда биокимёвий текширишлардан ўтказилиши лозим. Асосий хом ашё турлари билан танишиб чиқамиз.

### **СУВ**

Озика муҳити тайёрлаш учун сувлар водопровод, артезан ёки очиқ сув

хавзаларидан олиниб, қайта ишлангандан сўнггина фойдаланилади.

Сув биологик тоза, рангсиз, ҳидсиз ва қолдиқларсиз бўлиши лозим. Сувнинг қуруқ қолдиғи 1000 мг/л дан, умумий қаттиқлиги эса 7 мг-экв/л дан ошмаслиги керак. Сувнинг ўта даражада қаттиқлиги микроорганизмлар ўсишини секинлаштиради.

Сувнинг таркибидаги зарарли аралашмалар қуйида келтирилган кўрсаткичлардан ошмаслиги лозим, мг/л:

Қўрғошин	0,1
Мишяк	0,05
Фтор	1,5
Рух	5,0
Мис	3,0

Микроорганизмларнинг умумий сони 1 мл сувда 100 дан ошмаслиги шарт. Микробиологик ишлаб чиқаришда сувдан нафақат озиқа муҳити тайёрлашда, балки совутиш ва ускуналарни ювиш учун ҳам фойдаланилади. Микробиологик ишлаб чиқариш катта миқдордаги тоза сувни талаб қилади. Масалан, нон маҳсулотлари ачитқилари ишлаб чиқаришда, 1 тонна ачитки олиш учун 150–180 м<sup>3</sup> сув сарфланади.

### **УГЛЕРОД МАНБАЛАРИ**

Гетеротроф микроорганизмлар углерод ва энергия манбалари сифатида турли хил углерод сақловчи бирикмалардан фойдаланиш қобилиятига эгадирлар. Бироқ ҳар бир микроорганизм тури субстратга, айниқса биринчи навбатда углеродга танлаш хусусияти билан ёндашади.

Ҳар бир микроорганизм турларининг алоҳида хусусияти, уларнинг углерод сақловчи аралашмадан углерод сақловчи молекулалар кетма кетлигига кўра ассимляция қилишига кўра характерланади.

Микроорганизмлар хужайраси аниқ бир моддалар ассимляциясида иштирок этувчи ферментлар синтез қилади ва шунда ассимляция бўладиган углерод манбалари улар иштирокида енгил ассимляцияланади. Микробиологик ишлаб чиқаришда қадимдан фойдаланиб келинадиган ва

характерли углеродлар манбаси хом ашёси углеводлар ҳисобланади. Уларни микроорганизмлар хужайра структуравий тузилиши синтези учун фойдаланади ва шу билан бир вақтда улар энергия манбаси сифатида ҳам хизмат қилади.

Микроорганизмлар учун энергия манбаи сифатида углеводлардан энг кулайи глюкоза ҳисобланади, аммо улар асосида метаболитлар ишлаб чиқаришда фойдаланиш маҳсулотнинг таннархини ошириб юборади.

Кўп тоннали микробиологик ишлаб чиқариш учун бошқа бир қадар арзонроқ бўлган углевод сақловчи манбалардан қишлоқ хўжалиги, қоғоз-целлюлозали ва озиқ овқат ишлаб чиқаришнинг турли хил қолдиқларидан фойдаланилади.

Бунда углерод сақловчи манбалар орасида асосий ўринни ёғочсозлик маҳсулотлари эгаллайди.

**Глюкоза** ( $C_6H_{12}O_6$ ) – кристалл ҳолда 9% дан ортиқ сув сақламайди, кул - 0,07% дан ортиқ бўлмайди (шундан темир 0,004% гача бўлади). Қурук маҳсулотларда 99,5% дан кам бўлмаган редуцирловчи модда бўлиши зарур.

**Сахароза**  $C_{12}H_{22}O_{11}$  (лавлаги қанди, шакарқамиш) – техник ҳолатида 99,75% дан кам бўлмаган сахароза ва 0,03% дан кўп бўлмаган кул сақлайди. Намлиги 0,15% гача бўлади.

**Лактоза**  $C_{12}H_{22}O_{11}$  (сут шакари) – сут зардобидан олинади. Ёғ ва пишлок тайёрлашда қолдиқ маҳсулот ҳисобланади. Шакарлар миқдори 50% куйилтирилганда ва кристаллизацияланганда лактозалар концентрати олинади. Лактозали-шакар хом ашёлари 92% шакар, 3% сув, 2% кул ва 1% дан кам бўлмаган миқдорда сут кислоталари сақлайди. Оксиллар миқдори аниқ тавсия қилинмаган, аммо улар 3% дан ортиқ бўлмайди.

**Крахмал**  $C_6H_{10}O_5$  – ўзида полисахаридлар аралашмасини намоён қилиб, ўсимликларда дон кўринишида бўлади (ўсимликларнинг заҳира углеводлари). Саноат асосида картошка ва маккажўхоридан олинади. Микроорганизмлар ферментлари таъсирида крахмал глюкозагача гидролизланади. Крахмалда кул сақлаши навга боғлиқ ҳолда (олий I, II, III) 0,35-1,2 % гача ўзгариб туради.

**Гидрол** – крахмал қиёми ишлаб чиқаришнинг стандарт бўлмаган маҳсулоти ҳисобланади. Ўзида ҳидли қуюқ қорамтир шарбатни мужассамлаштиради. Қуруқ модда ҳисобида 70% атрофида редуцирловчи маҳсулот, шунингдек, техник маҳсулотлари 50% гача шакар сақлайди. Гидрол шакарлари асосан глюкозадан иборат. Глюкозадан ташқари қуруқ модда маҳсулоти массасига нисбатан 18% ўзлаштирилмайдиган шакарлар сақлайди. Шунингдек, ўзида парчаланмаган крахмал ва глюкоза полимеризациясини намаён этади. Гидролнинг бошқа углеводлари тўлиқ идентификация қилинмаган. Крахмал гидролизида углеводлардан ташқари баъзи бир органик кислоталар миқдорини ҳам ҳосил қилади. Гидрол рН кўрсаткичи (фаол кислоталик) тахминан 4,0 га тенг, қул 6% дан кўпроқ бўлади. Қулларнинг асосий қисмини - натрий хлорид, фосфор, магний, темир ташкил этиб, бошқа элементлар гидролда минимал миқдорда бўлади.

**Меласса** – шакар ишлаб чиқаришда, шакарнинг иккинчи кристаллизацияланишидан қолган стандарт бўлмаган қолдиқ маҳсулотдир. Ранги - қорамтир жигар рангда бўлиб, зичлиги 1,35–1,40 г/см<sup>3</sup> ни ташкил этади. Меласса 61–68 % қуруқ маҳсулот, 40–55% сахарозалар сақлайди. Бундан ташқари унда 0,5–2,0% инвертли шакар ва 0,5–2,5% рафинозалар мавжуд. Шунингдек, мелассада микроорганизмлар фойдалана олмайдиган учинчи қисми бетаин шаклида бўлган 1,1–1,5% азот сақлайди. Меласса таркибидан кўпгина аминокислоталар (аспарагин, глутамин кислоталар, лейцин, изолейцин, тирозин) ва В гуруҳи витаминлари (биотин, тиамин, рибофлавин, инозит, никотин ва пантотен кислоталар) чиқади. Асосан биотин юқори даражада бўлади (80 мг/т). Меласса қуларида калий (30–40%), магний (1,5–4,5%), калций (14% гача), темир ва бошқа элементлари кўпроқ, буларга нисбатан фосфор камроқ бўлади.

**Макажўхори уни** – таркиби, унинг нави, ўстирилиш ва сақланиш шароитларига боғлиқ ҳолда сезиларли даражада ўзгариб туради. У ўртача 67–70% крахмал, 10% атрофида бошқа углеводлар (клетчатка, пентазонлар, декстринлар, эриган углеводдорлар), 12% атрофида оқсиллар (30% глутелин

ва 45–50% козеин) сақлайди. Намлиги 15% дан ошмаслиги зарур. Тахминан 0,9% золлар сақлайди. Маккажўхори уни куллари 45% гача фосфорли ангидрид, 30% калий оксиди ва 15% магний оксиди сақлайди. Маккажўхори уни, ферментлар ва антибиотиклар синтези учун озика муҳитида углерод манбаси бўлиб хизмат қилади. У донлилар ичида энг арзон маҳсулот ҳисобланиб, майдаланиш даражасига кўра баҳоланади.

**Меласса қуйқаси** – шакар ишлаб чиқаришда стандарт бўлмаган чиқинди маҳсулот ҳисобланади. Табиий қуйқада қуруқ маҳсулот 6–10% сақланади. Қуйқа таркибида ачитқилар массасидан ташқари аминокислотлар, гликол, сут, янтар кислоталари, кальций, калий натрий тузлари, марганец, кобальт, мис ва қатор В гуруҳи витаминларини сақлайди.

**Ацетонбутил қуйқаси** – Органик эритмалар ацетон ва бутил спиртининг микробиологик ишлаб чиқарилишидаги стандарт бўлмаган чиқинди маҳсулот ҳисобланади. Микробиологик синтез учун қуйқадан шламлар (майдаланганида ҳосил бўладиган кукунсимон маҳсулот) ажратилгандан сўнг фойдаланилади. Қуйқа таркибида углеводлар, клетчатка, азот сақловчи ва кулсимон маҳсулотлар мавжуд бўлади.

**Ёғоч хом ашёлари** – ўзида ўсимлик тўқимаси ҳужайра матриксини ҳосил қиладиган, целлюлоза, лигнин, пентозанлар, гемицеллюлозалар ва бошқа маҳсулотлар сақловчи кўп йиллик ўсимлик тўқималарини намоён қилади. Бу хом ашёда гексозалар, пентозалар ва органик кислоталар углерод манбаси бўлиши мумкин. Хом ашёда улар амалда эркин ҳолатда бўлмайди, шунинг учун маҳсус қайта ишлашни талаб қилади: майдаланади ва гидролиз ускуналарида юқори ҳароратда гидролизланади (сув ёрдамида ажратилади). Ёғочнинг полисахаридлари гидролизлаш жараёнида микроорганизмлар енгил ўзлаштирадиган сувда эриган маносахаридлар ҳолатига ўтади. Саноат асосида ишлаб чиқаришда микробиологик синтез учун субстратлар дарахтнинг яхлит ҳолати эмас балки, унинг қайта ишлашдаги қолдиқлари: кипиқ, тарашалар, эгри-бугри шохлари ва хокозолар қўлланилади. Ёғочни гидролизлаш жараёнидан олинган эритма “гидролизат” деб номланиб,

микроорганизмларни ўстиришда субстрат сифатида қўлланилади ва моносахаридлар сақлаши бўйича баҳоланади. Гидролизатнинг шакарлар сақлаши, дарахтнинг турига, гидролизлаш усули ва бошқа факторларга боғлиқ бўлади. Озиқа ачитқиси олиш учун целлюлоза ишлаб чиқаришнинг қолдиғи сульфитли кул ва дастлабки гидролизатлар кенг қўлланилади. Сульфитли кул, ёғочни қайнатиш жараёнида озиқада кальций гидросульфид ва сульфат кислота ҳосил қилади. Бу жараёнда целлюлоза сақланиб қолади, сульфит кули эритмасига эса лигнин, гемицеллюлозалар, смолалар, ёғлар ва минерал тузлар ўтади. Сульфит кули мувофиқ қайта ишлангандан сўнг этил спирти ва озиқа ачитқисини микробиологик ишлаб чиқаришда қўлланилади. Олд ёки дастлабки гидролизатлар эса сувли ёки кислотали гидролизда ёғоч гемицеллюлозаси ҳосил қилади ва улар шакар ҳамда декстринлардан тузилган бўлади. Фикримча қайта ишланувчи ёғочлар ва целлюлоза-қоғоз ишлаб чиқаришнинг целлюлоза сақловчи манбаларининг асосий хом ашёсини кишлоқ хўжалик ўсимликлари қолдиқлари (чигит кунжараси, маккажўхори сўтаси, кунгабоқар пояси, шоли кунжараси, сомонлар), шунингдек, баъзи бир ўсимликлар (қамиш, ғўзапоя) ташкил этади. Бундай хом ашёларни микробиологик синтез учун тайёрлаш, целлюлозаларни эриган шакарларгача гидролизлаш билан яқунланади. Ўсимлик хом ашёлари микробиологик ишлаб чиқаришда жуда катта қизиқиш уйғотмоқда.

**Торф** – кимёвий таркибига кўра, у ҳосил бўлган ўсимлик кимёвий таркибига яқин туради. Торфларда кам миқдорда бор-йўғи, 50% гача полисахаридлар мавжуд бўлади. Торф маълум шароитда кислотали гидролизланишдан сўнг, микроорганизмлар енгил ўзлаштирадиган моносахаридлар манбасига айланади. Торф ҳамиша микроорганизмлар яхши ўзлаштирадиган шаклдаги фосфор ва азот сақлайди.

**Углеводородлар** – озиқа ачитқиларини олиш учун микробиологик ишлаб чиқаришда суяқ парафинлар деб аталувчи, мўътадил тузилган молекуласида углеводородлар сони 10 дан 27гача ( $C_{10}$ –  $C_{27}$ ) бўлган n–парафинлардан фойдаланади. Улар нефтнинг мувофиқ фракцияларидан ажратиб олинади ва

қайнашининг дастлабки ҳамда охириги ҳароратлари (280-320<sup>0</sup>С) шунингдек, асосий компонентлар сақлаши билан характерланади (99% дан кам бўлмаган). Микроорганизмлар углеводородларнинг охириги газсимон C<sub>1</sub>–C<sub>4</sub> углеродни ўзлаштирадилар: CH<sub>4</sub> – метан, C<sub>2</sub>H<sub>6</sub> – этан, C<sub>3</sub>H<sub>8</sub> – пропан, C<sub>4</sub>H<sub>10</sub>– бутан. Ишлаб чиқаришда метан алоҳида ўрин тутди. Табиий газда, метан олиниш жойига боғлиқ ҳолда 94–98% гача сақланади.

**Метил спирти** (метанол) CH<sub>3</sub>OH – рангсиз, тез аралашадиган суюқлик бўлиб этил спиртиникига ўхшаш ҳиди бор. Сувда жуда яхши эрийди ва кўпчилик микроорганизмлар енгил ўзлаштиради. Метил спирти қўлланилишининг истиқболлари унинг олиниш усулининг самарадорлигига боғлиқдир. Эсда тутиш лозимки, метил спирти - инсон учун кучли захар ҳисобланади. 30 мл метил спирти ичга тушганда ҳаттоки, нобуд қилиши мумкин.

**Этил спирти (этанол) C<sub>2</sub>H<sub>5</sub>OH** – микроорганизмларни ўстиришда истиқболли хом ашёлардан бири ҳисобланади. Этил спирти сувда жуда яхши аралашади, захарли эмас, унинг ёрдамида биомасса олиш учун махсус тозалаш талаб қилмайди. Углерод манбаси сифатида, микробиологик ва кимёвий йўллар билан олинган барча марказдаги этил спиртларидан фойдаланиш мумкин. Этил спиртида жуда кам миқдорда изопропил спирти, олтингургут сақловчи бирикмалар, органик кислота, мураккаб эфирлар, диэтил эфир ва сувда эрмайдиган моддалар бўлиши мумкин.

**Сирка кислота CH<sub>3</sub>COOH** – 60% дан кўп бўлмаган асосий модда сақлайди, формальдегид (НСНО) ва чумоли кислотаси (НСООН) эса 1% дан кўп бўлмайди.

Юқорида кўрсатиб ўтилган модда ва махсулотлар микроорганизмларни ўстиришда углерод манбаи сифатида қўлланилиши мумкин.

### **АЗОТ МАНБАЛАРИ**

Ишлаб чиқариш озиқа муҳитларида азот манбалари сифатида оксил, пептидлар ва эркин аминокислоталар хизмат қилиши мумкин. Микробиологик ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган ферментацияларни деярли барчасида



маккажўхори экстракти, соя уни ёки ачитқи гидролизатлари қўлланилади.

Шу мақсада азот кислоталари, аммонийли сульфат тузи каби минерал азот сақловчи моддалардан баъзи ҳоллардагина фойдаланилади.

**Маккажўхори экстракти** – ўзининг ташқи кўринишидан қуюқ суюқлик бўлиб, ранги очиқ сарикдан қорамтир-жигар ранггача бўлган паға-паға суспензиядир. Кимёвий таркиби, маккажўхорининг нави, ўстириш шароити, сақланиш ва қурилишига, шунингдек, маккажўхорини намлаш жараёнларига боғлиқ ҳолда кенг кўламда ўзгариб туради. Экстрактда қуруқ модда 48% дан кам бўлмаслиги зарур. Қуруқ экстракт ҳисобида азот сақловчи моддаларнинг умумий сақланиши 40 дан 50% гача бўлади (умумий азот 6,4–8%). Намлаш жараёнида маккажўхори оксилларининг ферментатив гидролизланиши бошланиб кетади, бунда деярли азот сақловчи моддаларнинг ярми ўзида аминокислоталар, полипептидлар ва оксиллар намаён қилади. Маҳсулотла кулнинг миқдори 24% дан ошмаслиги лозим. Асосий кул элементлари фосфор, калий ва магний ҳисобланади. Экстрактда умумий фосфор сақлаши 5% ни ташкил этади. Бундан ташқари экстракт баъзи ўстириш моддалари ва биостимуляторлар, В гуруҳи витаминлари (биотин) сақлайди. Шундай қилиб, маккажўхори экстрактининг озиқа муҳити компоненти сифатида аҳамияти жуда яхши ассимиляция бўладиган органик азот, углерод ҳамда микроэлементлар ва балластли моддалар сақлаши билан аниқланади.

**Соя уни** – соя донининг янчилганидан, шунингдек, соя ёғи олингандан сўнг қоладиган соя кунжараси ва шротидан олинади. Фойдаланиладиган соя уни хом ашёлари, ёғсиз ярим ёғланган ва жуда ёғли шаклларга ажратилади. Бундан ташқари соя уни дезодарирланган (буғ билан ишлов берилган) ва дезодарирланмаган бўлиши мумкин. Дезодарирланган соя унини бир йилгача сақлаш мумкин, бунда ферментлар инактивацияси содир бўлади, дезодарирланмаган соя унини эса бир ярим, уч ой сақлаш мумкин. Ферментация учун соя унининг асосий аҳамияти унинг таркибидаги азот сақловчи моддалар, биринчи навбатда оксиллардир. Асосий оксил, деярли

барча аминокислоталарни сақловчи глицинин ҳисобланади, бунда глютамин миқдори кўпроқ бўлади ( 20%). Соя уни 25 % гача углеводлар сақлайди, шунинг учун ундан кўпинча углеводлар манбаи сифатида фойдаланилади. Куллар эса 4,5–6,5% бўлади. Куллар таркибида 45% атрофида калий оксиди, 30% фосфорли ангидрид, 7% магний ва кальций оксидлари, шунингдек, қатор микроэлементлар учрайди. Фосфор фитинда органик боғланган ҳолатида бўлади (75% атрофида).

**Аммоний нитрат,  $\text{NH}_4\text{NO}_3$**  (аммиакли селитра) – рангсиз кристалл, иссиқлик ютилиши билан сувда яхши эрийди. Сувли эритмаси нордон реакцияли бўлади. Азот манбаси ва озиқани нордонлаштириш учун қўлланилади.


**Аммоний сульфат  $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$**  – сувда иссиқлик ютиб яхши эрийди. Азотни 20-21% сақлайди.

**Карбамид  $\text{CO}(\text{NH}_2)_2$**  (мочевина) – юқори миқдорли азот манбаидир (азот 46,5%). Фойдаланилаётганда эътибор бериш лозимки, карбамид термик стерилизацияда парчаланиб кетади.


**Аммиакли сув  $\text{NH}_4\text{OH}$**  (аммоний гидрооксид) – ўткир ўзига хос ҳидли, рангсиз суюқликдир. Енгил буғланадиган заҳардир. Озиқанинг азот манбаи ва рН регулятори сифатида фойдаланилади. Аммиакли сувнинг I-нави 25 % дан кам бўлмаган, II -нави эса 20% дан кам бўлмаган азот сақлайди.

## ФОСФОР МАНБАЛАРИ


**Аммофос.** Фосфор манбаси сифатида, аммиакнинг фосфорли кислоталарини нейтрализациялашдан олинadиган аммоний фосфат кенг қўлланилади:



**моноаммоний фосфат**



**диаммоний фосфат**



**триаммоний фосфат**

Кўпинча моно- ва диаммонийфосфатлар аралашмасини намоён қиладиган аммофос, шунингдек, эримаган қоришмаси (шлам) қўлланилади. Аммофосда шламнинг сақланиши (таркибида темир фосфатлар, гипс ва бошқалар тутувчи) куруқ модда массасининг 6-7% ига тўғри келади. Сувда эриган фосфорли ангидрид  $P_2O_5$  сақлаши аммофоснинг навига боғлиқ ҳолда 36-48% ни ташкил этади. Озиқа муҳити таркибига аммофос эритмасини кўшишдан олдин албатта филтрлаб олиш лозим. Аммофос нафақат фосфор, балки азот манбаи ҳам ҳисобланади.

**Ортофосфорли кислота (фосфорли)  $H_3PO_4$**  – *Озиқада нордонлаштириши ва фосфор манбаси сифатида қўлланилади. Таркибиди 50,7%  $P_2O_5$  сақлайди.*

### **МАКРО - ВА МИКРОЭЛЕМЕНТ МАНБАЛАРИ**

**Калий карбонат  $K_2CO_3$**  – таркибида асосий моддани 97,5-98% (I-нав) ва 92,5-93% (II-нав) сақлайди. Тузлар жуда гигроскопик шаклда бўлади.

**Калий сульфат  $K_2SO_4$**  – сульфат калийли маъдандан қайта кристаллизация ва эритиш йўли билан олинади. Хом ашё маҳсулоти, таркибида асосий моддани навларга боғлиқ ҳолда 46-50% гача сақлайди. Шунингдек, аралашма кўринишида  $KCl$ ,  $MgSO_4$  ва бошқа тузлар сақлайди.

**Калий хлорид  $KCl$**  – иқтисодий қулай калий манба ҳисобланади. Калийли маъданларни қайта ишлаш йўли билан олинади. Олиниш усулларига кўра К (эритмадан кристаллизациялаш орқали олинганда) ва Ф (флотацияда олинганда) маркаларига бўлинади. Таркибида, навларига боғлиқ ҳолда 95–98% асосий модда сақлайди.

**Марганец сульфат  $MnSO_4$**  – сувсиз марганец сульфат - рангсиз, кристалл модда бўлиб, сувда кристаллогидратлар ҳосил қилади. Ишлаб чиқаришда, одатда, сувда яхши эрувчи, оқиш-қизиш рангли, кристалл кукун  $-MnSO_4 \cdot 5H_2O$  қўлланилади.

**Темир сульфат  $FeSO_4$**  – сувли эритмада  $FeSO_4 \cdot 7H_2O$  кристаллогидрат шаклида кристалланадиган, темир купораси деб номланувчи моддадир. Стандарт темир сульфат юқори сифатли, тоза маҳсулот ҳисобланади ва таркибида минимал миқдорда аралашмалар сақлайди. Сувли эритмада

сақланганда икки валентли темир  $Fe^{2K}$ , эримайдиган қолдиқ  $Fe(OH)_3$  ҳосил қилувчи уч валентли  $Fe^{3+}$  гача оксидланади. Темир қолдиққа тушишдан олдин эритмани рН 2–2,5 гача нордонлаштиради. Техник тузларда асосий модда сақлаши 47-53% ни ташкил этади.

**Рух сульфат  $ZnSO_4$**  – сувли эритмаларда, рангсиз ромбсимон кристаллар кўринишли, кристалланганда  $ZnSO_4 \cdot 7H_2O$  ва рух купороси деб номланувчи моддадир. Тузларда рух сақланиши 36–39% ни ташкил этади.

**Магний сульфат  $MgSO_4$**  – техник номи эпсомит  $MgSO_4 \cdot 7H_2O$  оқ ранг билан нозик сариқ рангдаги кристалл моддадир. Сувда яхши эрийди. Ёғсизлантирилган эпсомитдан қиздириш йўли орқали кизерит ( $MgSO_4 \cdot H_2O$ ) олинади. Эпсомит таркибида 5–12%  $NaCl$ , 0,5–1,0%  $MgCl$  ва қатор бошқа тузлар бўлади.

## ЁРДАМЧИ МАТЕРИАЛЛАР

**Олеин кислота  $CH_3(CH_2)_7CH_2CH(CH_2)_7COOH$**  – табиатда кенг тарқалган кислоталардан биридир. Амалда барча ўсимлик ва ҳайвон ёғларида учрайди. Кўпиксизлантирувчи (пеногасител) сифатида қўлланилади. Олеин кислота, ёғ ва мойларни гидролизлаб парчалаш орқали олинади. Техник олеин кислота ўзида 95% асосий модда сақловчи А ва асосий моддани 92% сақловчи Б маркаси аралашмаларини намаён қилади. Қайнаш ҳарорати  $360^{\circ}C$  бўлиб, эриш ҳарорати  $10^{\circ}C$  дан ортиқ эмас. Табиий кўпиришни олдини олувчи махсулотлар сифатида ўсимлик ёғи ва мойлари ҳам қўлланилади.

**Синтетик пеногасител** – сифатида сирт фаол моддалар (СФМ): кремний органик полимерлар (силоксанлар), мураккаб эфирлар, спиртлар, тўрт бўш ўринли аммоний асослари ва бошқалар қўлланилади. Ҳозирги вақтда ишлаб чиқаришда синтетик пеногасителнинг ПМС-1–54А маркаси қўлланилади. Синтетик пеногасителларга кетадиган харажатлар табиийларга нисбатан ўн мартаба камлиги билан характерланади.

**Хлорид кислота  $HCl$**  - дан микробиологик ишлаб чиқаришда дастлабки миқдорининг 31% идан кам бўлмаган миқдориди фойдаланилади.

**Сульфат кислота  $H_2SO_4$**  – озиқа муҳитларини нордонлаштиришда кенг қўлланилади. Заводларда  $H_2SO_4$  ни 92,5–94% сақловчи техник сульфат кислотаси қўлланилади.

**Каустик сода  $NaOH$**  (натрий гидрооксид, ўювчи натрий) – озиқани ишқорлаштириш ва ускуналарни ювишда қўлланилади. Қаттиқ каустик сода (ўювчи натрий) 92–96% дан кам бўлмаган  $NaOH$ , суюқ каустик сода эса 42–50% дан кам бўлмаган  $NaOH$  сақлаши керак.

**Бўр** – зич оҳактош бўлиб, таркибида 99% гача  $CaCO_3$  сақлайди. Озиқа рН ини мўътадиллаштириш учун қўлланилади, агарда ферментацияда қўлланилса кислоталар ҳосил қилади. Микробиологик ишлаб чиқаришда, карбонат ангидрид гази чиқариб юборилган оҳактошдан ажратилган, шунингдек, табиий майдаланган бўрлардан фойдаланилади. Бўр таркибида 1–2% сув, 96–98% кальций ва магний карбонатлари сақлаган оқ рангли, сочилувчан кўринишда қўлланилади. Таъкидлаш лозимки, бўр таркибиди  $Mg$ ,  $Al$ ,  $Fe$  ва  $Mn$  аралашмаларининг бўлиши биосинтез жараёнига салбий таъсир кўрсатади.

**Формалин** – ўзида, сувда эриган альдегид  $HCHO$  шаклида 37–37,3% эритмани намаён қилади. Таркибида 6–6,5% метил спирти ва 0,02–0,04% чумоли кислота сақлайди. Дезинфекцияловчи восита сифатида қўлланилади.

**Антиформин** – ўзида, аралаштирилган дезинфекцияловчи воситалар намаён қилади: 1 м<sup>3</sup> эритмада, 100 кг хлор майдаси, 75 кг кальцинирланган сода ( $NaCO_3$ ) ва 10 кг каустик сода ( $NaOH$ ) сақлайди.

### **3. Озуқа муҳитларни тайёрлаш усуллари**

Озуқ муҳитларни тоза шиша идишларда (колба, флакон, пробирка ва бошқаларда) тайёрлаш керак. Янги шиша идишларни ювиб 8-10 соатга 1-2 % ли  $HCl$  ёки  $H_2SO_4$  эритмаларига солиб қўйилади ёки ўша эритмаларда қайнатиб, ювиб, дистилланган сувда яхшилаб чайиб қуритилади. Ишлтилган идишларни совун ёки синтетик ювиш воситалари билан ювиб, водопровод сувида сўнг дистилланган сувда чайилади. Жуда ифлосланган, ёғ излари қолган идишларни хром аралашмаси билан ишлов бериб, яхшилаб ювиб ташланади.

Суяқ озук муҳитларни қоғоз ёки қалин газлама фильтр ёрдамида филтрлаб, идишларга қуйилади. Суяқ муҳитларни қотириш учун агарнинг керакли миқдорини қўшиб, сув ҳаммомида, агар тўла эригунча қиздирилади. Сўнг муҳитни пахта-марлили филтрдан ўтказиб, идишларга эриб турган ҳолатида қуйилади. Пробирка ва колбаларни стерилизациялаш олдида пахтали тиқин билан ёпилади. Қиялаштирилган агар тайёрлаш учун пробиркаларнинг ярмигача агарли муҳит қуйилади, кейин стерилизация қилинади. Петри ликопчаларига қуйиладиган агарли муҳит билан катта пробиркаларнинг 2/3 хажмига тўлдирилади. Муҳитни яна колбаларга қуйиб ҳам стериллаш мумкин. Ҳар бир озук муҳити солинган колбага этикетка қилиб, унга озук муҳитининг номи, таркиби ва сана ёзилади. Стерилизацияни қилиб бўлиб, қиялаштирилган агар тайёрлаш учун пробирканинг тиқин ўрнатилган томонини бир оз баландроқ қилиб совитиш учун қолдирилади. Бунда озук муҳити пахта тиқингача 5-6 см етмаслиги керак.

Стерилланган озук муҳитларни салқин, қуруқ, нур тушмайдиган жойларда, яхши беркиладиган шкафларда сақланади. Нам жойларда пахта тиқинлар ўзига намни тортиб, моғор замбуруғлари ривожланишига олиб келади. Моғор кўпайиб, ўсиб колба ва пробиркаларнинг ичига ҳам тушиши мумкин.

***Гўшт-пептонли агарни тайёрлаш.*** Одатда микроорганизмларнинг умумий сонини аниқлаш учун стандарт озук муҳити гўшт-пептонли агар қўлланади (ГПА). Уни тайёрлаш учун аввалом бор гўшт-пептонли бульон қилинади (ГПБ). Унинг учун 1 кг мол гўштини, суяк, ёғ ва чандирлардан ажратиб, гўшт қиймалагичдан ўтказилади. Олинган 0,5 кг қиймага 1 л сув қўшиб 1 соат давомида қайнатилади, кўпиги олиб ташланади. Гўшт сувини совитиб, устидаги ёғ олиб ташланади ва уни пахта-марлили филтрдан ўтказилади. Сўнг дастлабки хажмигача водопровод суви қуйилади.

1 л гўштли сувга 1% қуруқ пептон ва 0,5% натрий хлоридни қўшиб 30 минут қайнатиб, хажмини дастлабки даражасига етказилади. ГПБ-ни филтрлаб, рН –ни 7,2-7,4-га 10% ёрдамида етказилади ва 20 мин давомида 120 С да стерилизация қилинади.

ГПА тайёрлаш учун ГПБ га озук муҳитни қўлланишига биноан 0,2-2% агар-агар қўшилади ва паст оловда аралаштириб, агар эригунча қайнатилади. ГПА ни пробирка ва колбаларга қуйиб 120 С да 20 мин стерилизация қилинади.

Озуқ муҳитларнинг рН ни аниқлаш. Озуқ муҳитларнинг рН ни кўпинча Михаэлис бўйича калориметрик усул билан аниқланади.

Бу усул муҳитдаги водород ёки гидроксил ионлар миқдориға қараб индикатор рангининг асосланган. Водород ионлари кислотали реакцияни, гидроксил ионлар эса ишқорли реакцияни юзага келтиради. У ёки бу гуруҳ ионлар миқдорини кўпайиши муҳитнинг ўзгаришга олиб келади. Тенг миқдордаги ионлар муҳитни нейтрал ҳолатга келтиради.

рН ни аниқлаш муҳит рангининг (унга индикатор қўшилгандан кейин) Михаэлис бўйича стандартлар билан таққослаш йўли билан амалга оширилади. Индикатор сифатида метанитрофенол, паранитрофенол ва гаммадинитрофенол қўлланилади. Индикаторлар ёруғликни ўтказмайдиган шишадан тайёрланган флаконларда сақланади. Михаэлис асбобида индикаторлардан оч сарикдан то тўқ сарикқача бўлган турли ранглардаги эритмалар солинган стандартлар тайёрланган. Бўялиш даражаси рН нинг этикеткада ёзилган муайян катталигига тўғри келади. Ёнма-ён жойлашган пробиркалар ўртасида рН –ни фарқи 0,2 га тенг. Стандартлардан 4 та қатор ҳосил қилинган: биринчи қаторда – метанитрофенол индикатори стандартлари (рН 6,8-8,4), иккинчи қатор паранитрофенол индекатор стандартлари (рН 5,4-7,0), учинчи қаторда гаммадинитрофенолники (рН 4,0 -5,4) ва тўртинчи қаторда альфадинитрофенол индикатори стандартлари (рН 2,8 - 4,4) жойлаштирилган.

Кўриб чиқилган усулда ташқари рН ни аниқлаш учун универсал рН – индикатори ҳам қўлланилади.

*Электрометрия усули.* рН ни аниқлаш учун турли марказдаги потенциометрлардан (лаборатория рН –метрлари) фойдаланилади. Бундай асбоблар ёрдамида рН ни аниқлаш методикаси физик-кимёвий тадқиқот усулларида ва асбобларнинг тавсифларида айтиб ўтилган.

## **МИКРООРГАНИЗМЛАР ОЗУҚА МУҲИТЛАРИНИ СТЕРИЛЛАШ УСКУНАЛАРИ БИЛАН ИШЛАШ УСУЛЛАРИ**

**Машғулот ўтказишдан мақсад.** Микроорганизмлар озуқа муҳитларини стериллаш ускуналаридан фойдаланиш ҳамда техник микробиология лабораториясида ишлаш қоидалари билан танишиш.

### **1. Озуқа муҳитини стериллаш ускуналари**

Белгиланган мақсадга қараб (ўқув, илмий-тадқиқот, ишлаб чиқариш) микробиология лабораторияси бир неча хоналардан ташкил топади: микроскопда кўриш ишлари учун мўлжалланган хоналар, биокимё лабораторияси, стериллаш хонаси, ювиш хонаси, озук моддали муҳитларни пишириш хонаси ва термостат хонаси. Барча хоналар қуруқ, ёруғ, яхши шамоллатилган, газ, совуқ ва иссиқ сув ҳамда уларни четга чиқариш қурилмаси билан таъминланган бўлиши керак.

Техник микробиология лабораториясида талабалар ўқув ва илмий-тадқиқот иш-ларни амалга оширадилар. Столлар дераза яқинида, имкон қадар кўпроқ ёруғ-лик тушишига мўлжаллаб жойлаштирилади. Микроскопда кўриш ишлари учун ёруғлик бир текисда тақсимланган бўлиши керак. Тўғри тушаётган қуёш нур-лари кўзни чарчатади, кўриш қобилиятига, оптик асбоблар ва микроорга-низмларга зарар етказиши керак. Хона деворлари оч рангли мойли буёқлар билан бўялади. Пол эса ленолеум ёки осон ювиладиган плиталар билан қопланади. Столларнинг баландлиги 0,7 м дан ошмаслиги керак. Столларнинг юза қисми ювиш ва дезинфекция қилиш осон бўлиши учун пластик ёки ленолеум билан қопланиши лозим. Иш жараёнида фойдаланиладиган стул ва табуреткалар винтли бўлиши керак.

Техник микробиология лабораторияси хонаси бир кунда икки марта нам латта билан артиб чиқилади. Пол, деворлар ва мебел вақти-вақти билан чангюткич билан ишланади ва 2-3% ли сода аралашмаси (натрий бикарбонат), 3-5% ли фенол ёки лизол аралашмаси (яшил совун кўшилган фенол препарати), 0,5-3% ли хлорамин аралашмаси билан артиб чиқилади. Бундан ташқари, бир ойда ики-уч марта, айниқса мифелиал замбуруғлар билан



ишлагандан кейин, лаборатория хоналарида ҳаводаги ва турли юзалардаги микроорганизмларни йўқ қилиш учун ультрабинафша нурланишли бактерицид чироқлар билан 30 минутдан бир неча соатгача ишлов берилади. Шунинг унутмаслик керакки, ультрабинафша нурлар кўз шох пардасининг ўткир яллиғланишига олиб келиши мумкин. Бунда, нур таъсир қилгандан сўнг, кўп ўтмасдан кўздан ёш келиши ва ёруғликдан кўрқиш каби белгилар юзага келади. Шу боисдан ҳам ҳимоя кўзойнақларидан фойдаланиш лозим. Бактерицид чироқ ёқилган кичик хоналарда ўтириш мумкин эмас.

Мутлоқ стерилликни талаб этувчи баъзи ишлар (тоза культураларни қайта экиш, микроорганизм культураларини ажратиш, экиш, илмий-тадқиқот ишлари) изоляция қилинган махсус хоналар - боксларда амалга оширилади. Бокс олдида махсус даҳлиз (тамбур) бўлиб, ташқаридан ҳаво ва у билан бирга микро-организмлар кирмайдиган қилиб ойналанган бўлиши керак. Бокс деворлари плиталар билан қопланиши ёки мойли оқ бўёқ билан бўялиши, поли эса ленолеум билан қопланиши керак. Боксда стол, стуллар, газ горелкалари жойлаштирилади, бактерицид чироқлар осиб қўйилади ёки кўзғалувчан кронштейнга маҳкамланади. Бокс хоналари вақти-вақти билан ювиб турилади ва дезинфекция қилинади. Хона йиғиштирилгандан кейин, иш бошлашдан олдин, полдан 2 м баландликда жойлаштирилган бактерицид чироқлар билан нурлантирилади.

Биокимё лабораторияси кимё столлари, ҳавоси алмашинадиган шкафлар, идиш ва реактивлар учун шкафлар, шунингдек зарурий асбоблар - фотоэлектрометрлар (ФЭК), спектрофотометр, рН-метр, техник ва аналитик тарозилар, совутқичлар, вакуум-насослар ва шу кабилар билан жиҳозланади.

Препаратлар хонасида иш столлари, турли асбоблар, идишлар ва реактивлар жойлаштирилдиган шкафлар, центрифуга ва бошқа вибрация аппаратлари, препарат ва тоза тўпламларни сақлаш учун совутқичлар, термостатлар жойлаштирилади.

Стериллаш хонасида озук муҳитни ва идишларни стериллаш учун автоклавлар, ишлатилган лаборатория идишларига (тирик микроорганизмлар қолган колбалар, пробиркалар, пипеткалар) иссиқлик билан ишлов бериш

учун алоҳида автоклав, Кох кипятилниги, қуритиш шкафлари, асбоблар стерилиза-тори ва стол жойлаштирилиши керак. Стериллаш хонаси стерилизаторни очгандан кейин чиқадиган буғ қолдиқларини чиқариб юбориш учун яхши вентиляция мосламаси билан жиҳозланган бўлиши лозим. Стерилизатордан чиқа-ётган буғ, босим кўтарилмасдан аввал резина найча билан ташқарига ёки сувли челакка йўналтирилади. Эшик (ойналанмаган) ва дераза ташқарига очилиши керак.


Ювиш хонаси иссиқ ва совуқ сув ўтказилган қулай раковина ёки ванналар, идишларни қуритиш учун стеллажлар, газ ёки электр плиталари, озук муҳитларни қайнатиш учун идишлар, тарозилар, сув дистилляторлари билан жиҳозланади. Ювиш хонасида ҳавоси алмашиладиган, қуритиш ва бошқа шкафлар бўлиши керак. Ҳавоси алмашиладиган шкаф сув буғлари ҳамда шиша ва идишларни ювишда ишлатиладиган баъзи реактивларни чиқариб юборишда керак бўлади. Пол ва деворлар плита билан қопланган бўлиши керак.

Термостат хонасида колба ва пробиркалар учун стеллажлар қўйилади, махсус фундаментда ротацион тебратгичлар ўрнатилади. Термостат хонасидаги ҳарорат 30-45<sup>0</sup>С атрофида бўлиши керак.

Ўқув лабораториясида ҳар қайси талабага доимий иш жойи ва асбоблар бириктириб қўйилади. Лаборатория столида микроскоп учун ёритгич, спирт ёки газ горелкаси, буёқлар тўплами, бактериологик илмоқ ва игналар, пробиркалар учун штатив, пипеткалар, шиша шпателлар, оддий ва чуқурчали буюм шишалар, қопқоқ шишалар, шиша кўприкча ва препаратларни бўйаш учун ваннача, дока салфетка, шишага чизадиган қалам, иммерсион ёғ, қум соат, буюм шиша ўлчамида кесилган фильтр қоғоз, гугурт, дезинфекция қилиш учун суюқ-лик, пахтали банка бўлиши керак. Микроскоп столга жойлаштирилади ва шиша қалпоқ ёки полиэтилен ёпқич билан беркитиб қўйилади. Иш жойи жуда тоза ҳолда сақланиши керак. Столнинг усти лизол, 70% ли (ҳажми бўйича) эта-нолли хлорамин шимдирилган пахтали тампон билан артилади.


Термостатлар (1, 2-расм - ҳаволи, сувли) берилган доимий ҳароратда озук муҳити-да микроорганизмларни ўстириш учун мўлжалланган.

Лабораторияда алоҳида гуруҳ микроорганизмларни ривожлантириш учун талаб этилади-ган турли ҳароратли бир нечта термостат: мезофиллар учун - 28-30<sup>0</sup>С, термофиллар учун - 43-55<sup>0</sup>С, патоген турдофиллар учун - 37<sup>0</sup>С ли термостатлар ўрнатилади. Термостатлар ҳар хил шаклда, ўлчамда ва тузилмали бўлади. Улар унчалик катта бўлмаган шкаф кўринишидан бир нечта бўлимлардан ташкил топган политермостат ёки алоҳида термостат хонасигача бўлиши мумкин.




Расм 1 . Қуруқ ҳаволи электр термостат:

1 - ташқи эшик; 2 - корпус; 3 - ички эшик; 4 - термостатни электр тармоғига улайдиган тум-балар; 5 - ҳароратни аниқ ўрнатиш учун потенциометр; 6 - ҳароратни тахминий ўрнатиш учун потенциометр; 7 - бошқариш блоки; 8 - токчалар; 9 - иситувчи элемент.



Расм 2. Термостат.


Токчаларда микроорганизмлар экилган пробиркалар ва Петри чашкалари.



Расм 3. Автоклавнинг тузилиш схемаси:

1 - стерилизациялаш камераси; 2 - стерилизация қилинадиган материалларни қўядиган таглик; 3 - автоклавга сув қуйиш учун воронка; 4 - сақловчи кла-пан; 5 - манометр; 6 - стерилизациялаш камерасига пар ўтадиган тешик; 7 - қопқоқ; 8 - винтли қискич; 9 - сув-буғли камера; 10 - қозон; 11 - сувни тушириб юборадиган кран.

Терморегуляторли қуритиш шкафи (4-расм) лаборатория идишларини қуритиш ва стериллаш, турли материалларни доимий массасигача қуритиш учун мўлжалланган. Қуритиш шкафи иссиқликка чидамли материаллардан (металл ва асбест) тайёрланади ва ишчи камераси 200<sup>0</sup>С гача бўлган ҳароратга мўлжалланади. Шкафнинг ичи тешикли металл листлардан тайёрланган полкалар билан жихозланган бўлиб, уларнинг устига қуритиладиган идишлар ёки материаллар жойлаштирилади.



Расм 4. Қуритиш шкафи:

1 - шкалали терморегуляторни дастаси;  
2 - асбобни ўчирувчи мурруват; 3 - сигнал берувчи лампа; 4 - таглик; 5 - эшикча; 6 - корпус; 7 - термометр учун тешик ва вентиляция калпоқчаси

Совуткичлар ишлатиладиган ёки музейга оид микроорганизмлар культураси, озук муҳитлари, баъзи бир реактивлар ва аралашмаларни +4<sup>0</sup>С атро-фидаги ҳароратда сақлаш учун ишлатилади.

Центрифуга суспензия ва аралашмаларнинг суюқ ва қаттиқ фазаларини ажратиш учун хизмат қилади. Ғентрифуга иккита ротор билан жи-ҳозланган бўлиб, улар электр двигателининг валига кетма-кет ўрнатилади: тўртта

стаканли ротор-преставина ва шиша ёки полиэтилен пробиркалар учун уячалари бўлган бурчакли ротор. Роторларнинг айланиш тезлиги - 2000 дан 6000 гача об/мин.


Лаборатория рН-метри водород ионларининг (рН) активлиги ва оксидланиш - қайтарилиш потенциалини (Еh) ўлчаш учун мўлжалланган.

Рефрактомер куруқ моддалар, шакар, спирт, аминокислоталар, витаминлар ва экстрактив моддалар миқдорини аниқлаш учун ишлатилади. Шкала синдириш кўрсаткичи ва куруқ моддалар миқдорининг масса % ни кўрсатади.


Фотоэлектрокалориметр бўялган ва калоид аралашмаларининг оптик зичлиги ҳамда ўтказувчанлик коэффицентларини ўлчаш учун қўлланилади. Асбоб 315-630 нм спектр доирасида энсиз тасмали ёруғлик филтърлари тўплами билан жихозланади. Калориметр - нефелометр аралашмаларининг лойқаланиш даражаси бўйича микроорганизм ҳужайралари концентратиясини баҳолаш имконини беради.

Спектрофотометр оптик зичлигини ҳамда суюқ ва қаттиқ моддаларининг ўтказувчанлик коэффицентларини ўлчаш учун ишлатилади.

Зейтц филтърлари асбест ва целлюлоза аралашмасидан тайёрланган, калинлиги 3-5 мм ва диаметри 33-140 мм бўлган дисклардан ташкил топган бўлиб, целлюлоза миқдори ортиб борган сари филтърнинг ғоваклиги ошади. Филтърлар, одатда никелланган металлдан тайёрланган воронкага (5-расм) ўрнатилади. Воронка икки қисмдан иборат: юқори қисми цилиндр кўринишида ва пастки қисми эса конус кўринишида бўлади. Уларнинг ўртасига металл тўрга асбест филтър қўйилади. Шундан кейин воронка бураб қўйилади ёки махсус винтлар ёрдами-да зич қилиб тортилади. Энсиз тубус эса бунзен колбасининг резина тиқинига ўрнатилади.




Расм 5. Зейтц филтърлари:



Расм 7. Пахта тиқинларни тайёрлаш:

Ҳар бир аниқ микробиологик жараёнлар ўзига хос озика муҳити тайёрлаш босқичларига эга ва бу мазкур ишлаб чиқаришда қўлланиладиган углевод манбаларига боғлиқ бўлади.

10–расмда озика муҳити тайёрлашнинг умумий технологик чизмаси акс эттирилган.



10-расм. Озика муҳити тайёрлаш чизмаси

Эрувчан углерод манбаи (масалан, шакар) дастлаб сувда, унчалик катта бўлмаган очик реакторларда аралаштиргич ёрдамида эритилади, эритмалар аниқ миқдоргача олиб борилади, кейин эса буғ кириб турадиган барботажли ускуна билан таъминланган ёпиқ ясси тагли аралаштирувчи-реакторга қуйилади.

Эримаган углерод манбалари сувда, яхшилаб реакторда аралаштиргич билан суюлтирилади ва суспензия аралаштиргич-реакторга солинади. Крахмал сақловчи хом ашёлар дастлаб елимдан тозаланади. Минерал тузлар реакторда аралаштиргич билан эритилади, аралаштиргич-реакторга солинишдан олдин шламларни (гипс ва бошқа хил эримаган қолдиқлар) йўқотиш учун филүтрлаб олинади. Микроэлементлар эритмаси одатда, алоҳида тайёрланади.


Аралаштирги-реакторга барча зарур миқдордаги компонентлар солингандан сўнг диққат билан аралаштирилади, озика рН кўрсаткичи зарур даражагача аммиакли сув ёки кислота қўшиш орқали келтириб олинади. Озика муҳитини тайёрлаш учун реакторлар етарли даражада, яхши аралаштиргич, шунингдек, суюқликнинг айланиши ва сачрашидан суюқликни

Ўтказмаслигини олдини олувчи парда девори билан таъминланган бўлиши зарур. Фойдаланиладиган озиқа муҳити таркибига боғлиқ ҳолда турли хил углерод манбаларини тайёрлаш учун (шакарлар эритиш, мелассалар қўшиш, крахмални елимдан стериллаш ва х.к.) аралаштиргич ускуна типлари, шунга мувофиқ ҳолда озиқа муҳити тайёрлаш учун аралаштиргич-реактор танланади. 11-расмда баъзи бир турбинали аралаштиргич типлари акс эттирилган.

Аралаштиргич-реактордаги озиқа муҳити стерилланган бўлиши лозим. Озиқа муҳитини стериллашнинг икки хил усули мавжуд:

*Даврий ўстириш учун циклик стериллаш;*

*Улуксиз ўстириш учун узлуксиз стериллаш.*



**11-расм. Турбинали аралаштиргичлар**

*а- тўғри куракли; б-очиқ тўғри куракли; в-очиқ эгил куракли; г- “қалдирғоч думи” симон куракли; д-ёпиқ.*

Циклик усулда озиқа муҳитини стериллаш жуда оддийдир. Бу операцияда бевосита ферментёр ҳам иштирок этиши мумкин. Бунда озиқа ва ускуналар бир вақтнинг ўзида стерилизацияланади. 12-расмда ферментёрнинг қиздирилиши ва совутилиш ҳолати акс эттирилган.


Кўпинча ўткир ва секин буғ билан комбинирланган қиздириш орқали олиб борилади. Ўткир буғ озиқа муҳитига, секин буғ эса қопламга киради.

Ўткир буғ ферментаторга экиш материали узатишда, ҳаво ва намуналар

олишда махсус узатгич тешиклар (штуцерлар) орқали киради. Мана шунинг учун барча алматура, ферментаторнинг бирикмалари ўткир буғ билан стерилланади. Эътиборга олиш лозимки, ўткир буғ билан озика муҳити стерилланганда конденсатнинг ўзгаришига олиб келади. Шу билан боғлиқ ҳолда олдиндан озика учун зарур конденсати ҳисобланиб озика тайёрлаш рецепти асосига мувофиқ келувчи миқдорда кўшилади. Шунда, озика муҳити стерилизациядан сўнг зарур бўлган озика компонентлар миқдorigа эга бўлади.

Циклик стериллашда ҳарорат  $121^{\circ}\text{C}$ , шунга мувофиқ буғ босими 100 кПа бўлиши лозим. Одатда, озика муҳитлари бундай ҳароратда 30 минутдан 40 минутгача ушланади. Тўлиқ қизитиш цикли, сақлаш ва совутиш, катта ҳажмли ферментаторлар учун бир неча соат вақт талаб қилади.

Узоқ вақт иссиқда стерилизация қилиш озика муҳити кимёвий таркибининг ўзгаришига олиб келади. Бу ўзгаришда озика муҳитидаги микроорганизмлар учун зарур бўлган иссиққа чидамсиз бирикмаларнинг йўқотилиши мумкин.



**12-расм. Озика муҳитини стерилизациялашда ферментёрнинг қиздирилиш (а) ва совутилиш (б) чизмаси**


*1-ферментёрнинг корпуси; 2-қоплами; 3-аралаштиргич; 4-барботер.*

Бошқа бирикмалар ҳам ўзаро таъсирлашишлари натижасида микроорганизмлар ўсишини чегаралаб ёки тўхтатиб қўядиган маҳсулотлар ҳосил қилиши мумкин. Озика муҳитининг кимёвий таркиби кўпинча стерилизация ҳолатига нисбатан юқорироқ ҳарорат таъсирида ўзгаради. Озика



муҳити кимёвий таркибининг минимал даражада ўзгаришига жуда тез қизитиш ва совутиш орқали эришиш мумкин. Шунинг учун айна вақтда озиқани стериллаш учун циклик усул фақатгина кичик ҳажмли ускуналарда қўлланилмоқда.

Юқори ҳароратда узлуксиз стерилизациялаш усули - кўпгина заводларда қўлланилади, бунда озиқа муҳити таркиби бузилиши кам бўлади ва стериллашда самарадорликка эришиши мумкин. 13–расмда даврий ва узлуксиз стерилизация давомийлигига боғлиқ ҳолда суюқлик ҳажмининг элементар ҳарорати ўзгариши кўрсатилган. Расмдан кўриниб турибдики, узлуксиз стерилизацияда бугни кам ишлатиб стерилизация вақтини кескин қисқартириш мумкин. Бундан ташқари узлуксиз стерилизацияда автоматизациялашни осон кучайтириш мумкин.




**13-расм. Узлуксиз (2) ва даврий (1) стерилизациялашда суюқлик ҳажмининг элементар ҳарорати ўзгариши**

*1- қизиш; 2- турғунлик; 3-совуши.*

14–расмда эса оқимда узлуксиз стерилизациялаш чизмаси тасвирланган. Аввалдан стерилланган ферментаторга, алоҳида тайёрланган озиқа муҳити ҳажмидан узлуксиз стерилизациялаш ускунаси орқали сўриб узатилади. Циклик стериллашга нисбатан бунда, бир қадар юқори ҳарорат қўлланилиши, озиқани максимал ҳароратда давомий ушлаб туришни кескин камайтиради, қизитиш ва совутиш босқичлари эса бир неча секундни ташкил этади (14-расм).

Агарда озиқа муҳити суспензияланмаган озиқа қисмларини сақламаса 150-160°С ҳарорат етарли стерилизацияни таъминлайди. Озиқада суспензияланмаган қаттиқ қисмлар бўлиши, стерилизацияни пастроқ ҳароратда узокроқ вақт давомида олиб боришни талаб қилади, шунда қаттиқ қисмлар ҳам стерилланади. Бунда ҳарорат 135°С ни ташкил этиб 5 минутдан 15 минутгача давом эттирилади.

Стерилизациялаш учун асбоб ускуналар. Узлуксиз стериллаш ускунаси, қизитгич, сақловчи ва совутиш ускуналари кетма кетлигидан тузилган бўлади.



14-расм. Озиқа муҳитини стериллаш учун ускуна чизмаси


1-идиш; 2-насос; 3- қизитувчи; 4- сақловчи; 5- совуткич.

**Қизитгич** – ускуна озиқани, кам буғ сарфлаб, мувофиқ ҳароратда жуда тез қизитишга мўлжалланган. Қизитгичлар конструкцияси ишлаш режимига боғлиқ ҳолда турли хил бўлиши мумкин. Бир қадар кенгроқ тарқалган қизитгичларга устунсимон буғли инжектор, қўш труба (трубадан-трубага) ва пластинсимон қизитгичлар мисол бўлади. 15-расмда озиқа муҳитини стериллаш учун устунсимон қизитгичнинг чизмаси акс эттирилган. Ичида кесим-кесим тирқишли труба жойлаштирилган устун труба таянч ва корпус вазифасини бажаради.

Буғ устки қисмидан труба орқали берилади ва кесим-кесим тирқишлар орқали озиқага тушади. Озиқа муҳити пастдан берилади ва юқорига қараб спирал ҳолда парракли йўналтирувчи ёрдамида ҳаракатланади. Озиқани қизитиш 10-15 секунд давом эттирилади. Ускуна кичик ҳажмли бўлиб, оддийлиги билан ажралиб туради, аммо унинг ишлаши буғ конденсациясида гидравлик куч билан олиб борилади.



**Сақловчи** - ускуна озиқани маълум ҳароратда стерилизациялаш учун ушлаб туриш вазифасини бажаради. Озиқанинг ҳар бир сифимини сақловчи ускуна маълум ҳароратда, аниқ вақт оралиғида ушлаб туриш учун махсус ўрин алмаштириб туриш механизми асосида ишлаши лозим. 16-расмда трубадимон сақловчи ускуна (стерилизатор) акс эттирилган. У охирлари штуцер билан кетма-кет уланган уч трубадан ташкил топган. Трубадан чиқиш жойида

стерилизация ҳаракатига мувофиқ ҳолда босимни бошқариб турувчи ускуна манометр ва термометрлар билан таъминланган.



**Совутгич** – ускунаси озиқа стерилизациялангандан кейин совутиш вазифасини бажаради. Қоплам атрофида водопровод сувининг девор бўйлаб циркуляцияси ёрдамида совутиш амалга оширилади. Совутгичларнинг пластинкасимон ва трубаги иссиқлик алмаштириш типлари (трубадан-трубага) мавжуд. Озиқа муҳити труба ичида айланса, унинг устки қисмида қобикда совутувчи сув ҳаракатланади. 17-расмда трубадан-трубага типдаги иссиқлик

алмаштирувчи тасвирланган.



Иссиқлик алмаштирувчи етарли даражада герметик бўлиши яъни, стерил озиқага сув ўтмаслиги керак, акс ҳолда озиқага инфекция тушиши мумкин. Узлуксиз стерилизацияда совутгичлар бир қадар йирик ва қиммат турувчи ускуналар ҳисобланади.

## **МИКРООРГАНИЗМЛАРНИ ЎСТИРИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН УСКУНАЛАР БИЛАН ИШЛАШ**

*Ишдан мақсад* микроорганизмларни ўстириш усуллари ва ускуналари билан ишлашни ўрганишдан иборат.

### **МИКРООРГАНИЗМЛАРНИ АЭРОБ ВА АНАЭРОБ ШАРОИТДА ЎСТИРИШ**

Микроорганизмларни озуқа муҳитида ўстириш культивирлаш деб аталади (лотинча *cultus* –ўстириш дегани). Уларни юза, чуқур экиб, даврий ёки тўхтовсиз усулларда, аэроб ёки анаэроб шароитда ўстириш мумкин. Ўстириш усули қўлланадиган лаборатория моделлари ва усулларига тубдан таъсир қилади. Ўстиришдаги охириги натижа: биомасса тўпланиши ёки маълум метаболит (спирт, кислоталар, антибиотик, фермент, аминокислоталар ва хоказолар) олиниши катта аҳамиятга эга.

#### **Аэроб микроорганизмларни ўстириш**

*Юза культура усули.* Аэроблар қуюқ ёки сочилувчан муҳитда, шунингдек, туби кенг шиша идишдаги юпқа суюқлик қаватида: Петри ликопчаларида, колбаларда, матрац, кюветаларда ўстирилади. Микроорганизмлар экилган идишлар термостатда ёки термокамерада доимий температурада сақланади. Улар муҳит юзасида ривожланиб, бевосита ҳаводан кислород ўзлаштиради. Суюқ муҳитда облигат аэроблар жуда қалин парда шаклида ўсади. Факультатив анаэроблар суспензия, парча-парча, чўкма ҳосил қилиб суюқ муҳит ичида ҳам, юпқа парда шаклида ёки ёппасига чим ҳосил қилиб ўсади.

Саноатда лимон кислота олиш учун микроорганизмлар суюқ муҳит юзасида, фермент препаратлари олиш учун микроорганизмлар суюқ муҳит юзасида, фермент препаратлари олиш учун сочилувчан муҳитда ўстирилади.

*Чуқурда ўстириш.* Бу усул даврий ва тўхтовсиз бўлиши мумкин. Даврий жараёнда озук муҳитининг ҳаммасига культура экилади ва зарур миқдордаги биомасса ёки маҳсулот тўплангунча оптимал шароитда маълум вақт оралиғида ўстирилади. Суюқликнинг чуқур қатламида аэроблар ўсишини таъминлаш

учун кислород бўлиши зарур. Микроблар хужайраси фақат эриган кислороддан фойдаланади, унинг эрувчанлиги эса паст (4-7 мг/л). Суюқ культуралар аэрациясида стерилланган оддий ҳаводан ёки кислород, азот ва углерод диоксид аралашмасидан фойдаланилади. Аэрация билан бирга кўпинча механик аралаштириш усули бирга қўлланади.

Аэроб культураларни суспензия ҳолатидаги суюқ муҳитни озгинадан пробиркаларга ёки ҳар хил ҳажмдаги колбаларга қуйиб экиб, кейин термокамерага қўйилади. Муҳитнинг кислород билан қанчалик тўйинганлиги маълум хатолик билан сульфит усулида аниқлаш мумкин. Бунинг учун сульфитнинг озук муҳитига тенг бўлган ҳажмдаги сувли эритмасини колбаларга қуйиб, тебратма ускунага қўйилади ва маълум вақтдан оксидланган сульфит миқдори аниқланади.

Тўхтовсиз чуқур ўстиришишлари лаборатория ферментларида олиб борилади. Булар ҳажми 1 дан 10 литргача бўлган шиша аппаратлардир, Уларда тўхтовсиз равишда озук муҳити бериб турилади, стерилланган ҳаво юборилади, температура, рН тартибга солинади, кўпик йўқотилади ва ҳоказо. Аппаратдан тўхтовсиз равишда тайёр культурал суюқлик оқиб туради. Бу жараён хемостат ёки турбидостат типда амалга ошади. Булар культуранинг динамик мувозанат ҳолатида сақлаш усуллари билан фарқ қилади.

Хемостат режимида культуранинг ўсиши лимитловчи (чекловчи) омил концентрацияси билан тартибга солинади. Муайян омил сифатида углерод, азот, фосфор, ўстирувчи моддалар манбаидан, кислород, рН дан ва температурадан фойдаланиш мумкин. Лимитловчи омил таъсиридаги мумкин бўлган ўзгаришларни аниқлаш ишлабчиқариш шароитида микроорганизмларни тўхтовсиз ўстириш жараёнини бошқаришда катта аҳамиятга эга, материалларни тежаб сарифлашга, продуцентларнинг генетик имкониятларидан самарали фойдаланишга, эга кўп маҳсулот олишга имкон беради. Турбостат режимида биомассанинг концентрацияси доимий сақланади. Шу мақсадда бойитилган озук муҳитларидан фойдаланиш микроорганизмлар деярли энг юқори тезликда кўпайишига имкон беради. Бироқ бунда хужайралар концентрацияси унча юқори бўлмайди. Бундан

ташқари, хужайралар зичлигини фотометрик назорат қилиш учун озук муҳити тиниқ (шаффоф) бўлиши керак. Бу ишни фақат лаборатория шароитида бажариш мумкин.

Чуқурда ўстириш жараёни гомоген ёки гетероген-тўхтовсиз бўлиши мумкин. Гомоген-тўхтовсиз жараёнда жадал аралаштираётган ферментёрда барча параметрлар (озук моддалар концентрацияси, хужайра титри ва бошқалар) вақт мобайнида доимий бўлади. Гетероген-тўхтовсиз процессда эса ўзоро кетма-кет бириккан бир нечта ферментёрдан фойдаланилади. Бунда озук муҳити биринчи ферментёрга солинади, тайёр культурал суюқлик охириги ферментёрдан оқиб тушади. Бу ҳолда тўхтовсиз равишда озук муҳити келиб туради, лекин хужайралар доимий ўсиш шароити билан таъминланмайди (нечтааппарат бўлса, шунча ўстириш шароити мавжуд). Культурани бундай шароитда ўстириш жараёни физиологик жихатдан эмас, балки технологик жихатдан тўхтовсиз ҳисобланади. Бу усул спирт ва ачитқилар олишда кенг қўлланилади.

### **Анаэроб микроорганизмларни ўстириш усуллари**

Анаэроблар оддий ёки махсус пробиркаларда, найчаларда, Петри ликопчаларидаги озук муҳитида кислородсиз ўстирилади. Муҳитга кўп миқдорда культура қўшилса ва атроф-муҳит атмосферасида бирмунча углерод диоксид бўлса, анаэроблар актив ўсади.

Физик, кимёвий, биологик ва аралаш (комбинирланган) усулларда анаэроб шароит яратиш мумкин.

**Физик усуллар.** Культурани бевосита экишдан олдин пробиркаларни қайнатиш ёки иситиш йўли билан (қайнаётган сув ҳаммомида 15-20 минут қайнатиб, совуқ сув оқимида тезда совитиш йўли билан) қуюқ ёки суюқ озук муҳитидаги кислород йўқитилади. Культурани экиб бўлгандан кейин қалин озук муҳити қатлами устига вазелин мойи билан парафиннинг стерилланган аралашмаси қуйилади.

Анаэроблар Петри ликопчасидаги ёки пробиркалардаги озукли агарда ўстирилган идишлар анаэростатларга қуйилади. Анаэростатлар металл ёки

шишадан ясалган вакуум эксикаторлар бўлган, уларда анаэроблар нормал ўсади.

**Кимёвий усуллар.** Анаэроблар ўстириладиган муҳит ёки идишдаги эркин кислороднинг боғланиш учун кимёвий моддалардан фойдаланилади. Уларнинг айримлари муҳитдан ташқарида бўлади, бошқалари эса қайтарувчи сифатида бевосита муҳитга қўшилади. Пирогаллолнинг Na CO ли эритмаси, натрий гидросульфат (дитионит) нинг ишқорий эритмаси, металл, темир ва бошқа реактивлар кислородни кимёвий ютувчилар (ўзлаштирувчилардир). Кислородни боғлаб олувчи моддаларнинг ўзлаштириш хоссаси юқори бўлиши керак. Масалан, 1мл 20% ли пирогаллол Na CO нинг тўйинган эритмаси билан аралашган ҳолда 220 см ҳавони кислороддан тозалайди.

**Биологик усуллар.** Баъзи анаэробларни кислородд мавжуд шароитда аэроблар билан бирга ўстириш мумкин. Бунинг учун зич берк идишга аэроб культура экилган 10-15 та ва анаэроб культура экилган битта пробирка жойланади. Аэроб микроорганизмлар кислородни жадал ўзлаштириб, CO ажратади ва шу билан анаэробларнинг ўсиши учун шароит яратади. Аэробларни ўсаётган хужайралари кислородни батамом ўзлаштириб бўлгандан кейингина анаэроблар ўса бошлайди.

### Культурал белгилар

**Бактерияларнинг қаттиқ муҳитда ўсиши.** Микроорганизмларни таснифлаш мақсадида Петри лycopчасидаги қуюқ муҳитга ва пробиркадаги қия агарга тоза культура экилади. Петри лycopчасида бактериялар юзада, чуқурда ва тубида ўсаётгани фарқ қилади. Юзада бир-биридан нари ўсаётган колониялар ўрганилади ва таърифланади ва қуйидаги белгилари аниқланади: колониясининг шакли; ўлчами-диаметрини чизғичда ўлчаб, миллиметрда ифодаланади: майдалари 1-2, ўртачалари 2-4, йириклари 4мм, ниҳоятда майдалари, нуқтасимонлари, йирик нуқтасимонлари, йирик нуқтасимонлари 1 мм дан майда бўлади; юзаси силлиқ, ғадир-будур, бурмали, бўртикчали, шаффоф, ярим шаффоф, шаффоф эмас, ялтироқ, хира, унсимон, флуоресцирловчи, нам, қурук; ранги – колониялар улар остидаги субстратнинг

пигментацияси - оқ, кулранг - оқ, сариқ, лимон ранг, тўқ сариқ, қизил ва ҳоказо; профили; структураси (микроскопнинг кичик объективида аниқланади) – бир хил, майда донадор, йирик донадор, толали ва ҳоказо; чеккаси (микроскопнинг кичик объективида аниқланади, 27-расм); консистенцияси – зич, юмшоқ, шилимшиқ, чўзилувчан, хамирсимон, мўрт; эмульсияланишга мойиллиги – сувда бир текис ёки донадор суспензия ҳосил қилади, плёнкалар бўлакчаси шаклида қалқиб юради.

Пробиркадаги қия агарда узук-узук чизик (штрих) шаклида ривожланаётган микроорганизмларнинг ўсишини таърифлашда қуйидагилар аниқланади: ўсиш тезлиги – тез, ўртача, кучсиз; узук чизиклар хоссаси – четлари текис яхлит, четлари тўлқинсимон яхлит, аниқ кўринадиган, диффуз, патсимон, ризоидсимон; рангли, оптик хоссалари, юзаси, консистенцияси.

Колонияларни ва штрихлар ( узук чизиклар) ни текширишда муҳитнинг таркиби ва культуранинг ёши ҳисобга олинади, чунки аниқлагичларда ГПА да ва гўшт-пептонли желатинда ўсган культуралар таърифланган бўлади.

**Бактерияларнинг картошкада ўсиши.** Кўпгина бактериялар картошка бўлакчаларида ўзига хос ғубор кўринишда ўсади. Шунинг учун картошкада ўсиш хоссалари ҳам таснифлашда фойдаланиладиган ташхис (диагностик) белгилар қаторига киритилади. Бактерия картошкали қия юзага илмоқда суриб экилади. Кейин улар шсгандаги ёки йўқлиги аниқланади. Агар ўсаётган бўлса унинг тезлигига, пигмент ҳосил бўлишига ва бошқа белгиларига эътибор берилади; чунки микроорганизмларнинг қаттиқ муҳитда ўсишини таърифлашда ана шу белгилардан фойдаланилади.

**Бактерияларнинг суюқ муҳитда ўсиши.** Бактерияларнинг суюқ муҳитда ўсишини таърифлаш учун культура ГПБ га ёки бошқа суюқ муҳитга экилади. Мазкур муҳит текишириладиган штаммларнинг ўсиши учун нормал (меъёрида) бўлиши керак. Таърифлаш учун стационар шароитда ўстирилган 4-7 кунлик культуралардан фойдаланилади. Бунда ўсиш тезлигига (секин, ўртача, авж олиб), муҳитнинг лойқаланишига (бир хил, палахса-палахса, ипаксимон тўлқинли), плёнкаси бор-йўқлигига (ҳалқасимон ёки ялпи, юпқа



ёки қалин, зич ёки ғовак, силлиқ ёки бурмали, қуруқ ёки шилимшиқ, девори бўйлаб сирғалувчи ёки сочилиб кетадиган) эътибор бериледи.

#### *4-амалий машғулот*

### **ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНИДА САНИТАРИЯ-ГИГИЕНА ҚОИДАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ МЕЪЁРЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ**

**Ишдан мақсад:** Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарини микробиологик назорат қилиш бўйича санитария-гигиена талаб ва меъёрларини ўрганиш.

Аппаратлар ва асбоб-ускуна (жиҳоз) лар ювилгандан, дезинфекциялангандан, буғлатилгандан кейин иш бошлашдан олдин тезда назорат қилинади. Бунда 1 мл ювинди сувдаги микроорганизмлар миқдорини аниқлаш мақсадида ажратиб олинган намуна экилади. Пиво пишириш, сут-қатик, нон пишириш, алкогольсиз ичимликлар, қандолат маҳсулотлари тайёрлаш, ачитқи ишлаб-чиқариш корхоналаридаги идишлар ювилган сувда ичак таёқчалари бор-йўқлиги аниқлаш.

Бунинг учун стерилланган пахта ёки дока тампон, стерилланган 10 мл сув (ёки физиологик эритма) қуйилган пробиркалар ва стерилланган пинфет тайёрланади. Тампонларни ёғоч ўкқа маҳкамлаб, ҳар бирини ичида 10 мл сув бўлган пробиркаларга биттадан тушириб, 20-30 минут давомида 0,1 МПа да стериллаш керак. Катта ҳажмдаги ускуналардан ва аппаратлардан намуна олишда ўртаси ўйиқ зангламайдиган металл трафаретлардан фойдаланилади (ўйиғи 10, 25 ёки 100 см<sup>2</sup> тенг бўлади). Намуна олишдан илгари трафаретни спиртда ҳўллаб, қиздирилади ва текшириладиган юзага қўйилади.

Чекланган майдон ҳўл тампон билан ювилади, шундан кейин тампонни шу пробиркага солинади, қолган сув ёки физиологик эритмани ҳам қуйиб яхшилаб аралаш-тирилади. Ювилган сувдан 1 мл олиб, ГПАга экилади. 37<sup>0</sup>С иссиқда 48 соат термостатда сақлангандан кейин микроорганизмларнинг умумий сони аниқла-нади. Сувни махсус муҳитларга экиб, шилимшиқ ҳосил қилувчи бактерияларни (лейконостокни) аниқлаш ҳам мумкин.

Қолган сувни тампони билан бирга найчали ва 5 мл Кесслер муҳити қуйилган пробиркаларга экиб, 42-43<sup>0</sup>С иссиқ-да термостатда 12 соат

сақланади. Яхшилаб ювилган аппаратларда микроорга-низмларнинг умумий миқдори ва ичак таёқчаси титри уларнинг ювиладиган, тоза сувдаги миқдоридан ошмаслиги керак. Шилимшиқ ҳосил қилувчи бакте-риялар сони 1 мл да 5 тадан ошмаслиги керак.

Қувурлар, уларнинг тармоқлари, шланглар, баъзи аппаратларнинг ички юзасидан трафаретларда ювилган сув олиш қийин. Бундай ҳолларда препаратларни микроскопда кўриш ва ювилган охириги сувни экиш йўли билан мақсадга эришилади.

Стерилланган идишга текшириладиган объектдан чиқаётган сувдан намуна олинади. Шундан 10 мл олиб, 1500-2000 об/мин да 10 минут ғентрифугаланади. Кейин ғентрифугани тўкиб, чўкма микроскопда кўрилади. 10 та кўриш майдонида кўпи билан 5-6 та хужайра бўлиши керак. Ҳар бир кўриш майдонида микроорганизмлар бўлиши асбоб-аппаратлар етарлича ювилмаганлигини билдиради.

Микроорганизмларнинг умумий миқдорини аниқлаш учун ГПАга экилади. Мембрана филтрлар ёки бижғитувчи намуналар ёрдамида коли-титри аниқланади. Идишлар ювилган сувдаги микроорганизмларнинг умумий миқдори ва коли-титри корхонада ишлатиладиган сувнинг кўрсаткичларидан фарқ қилмаслиги керак.

### **Идишлар ва ҳар хил бошқа буюмларни назорат қилиш**

**Шиша идиш.** Ҳар қайси ювиш машинасидан ювилган 5-10 та бутилка ажратиб олиб, оғзи стерилланган пахта тиқин билан беркитилади.

Лабораторияда уларни 100 мл стерилланган сув (ёки физиологик эритма) билан чайилади. Бунда чайилган суёқлик кетма-кет бир бутилкадан иккинчисига қуйилаверади. Микроорганизмлар, шилимшиқ ҳосил қилувчи бактериялар миқдорини ва коли-титрини аниқлаш мақсадида охириги бутилкадаги сувдан экилади. Битта бутилкага айлангириб ҳисоблаганда, микроорганизмларнинг умумий миқдори 300 тадан ошмаслиги, 1 мл ювилган сувда бутилкалар ювиладиган тоза сувдагидан кўп бўлмаслиги; шилимшиқ бактериялар бўлмаслиги; коли-титри камида 100 бўли-ши керак.

**Бочкалар, бидонлар, цистерналар.** Охирги ювилган сув намунасини центрифугалангандан кейинги чўкмани микроскопда кўриб ёки уни қуюқ озук муҳитига экиб, идишларнинг ювилиши сифатини аниқлаш мумкин. Бунда микроорганизмларнинг умумий сони ва коли-титри корхонада ишлатиладиган сувниқидан унча фарқ қилмаслиги керак.

**Шкантлар, тиқинлар, кронен-тиқинлар.** Анализ учун 300-500 мл сув олинади. Ишлаш вақтида унда тиқинлар, шкантлар бўлган. Микроорганизмлар-нинг умумий миқдорини аниқлаш учун ГПАга ёки суслотагарга экилади. Мембрана фильтр орқали ўтказиб, ичак таёқчаси гуруҳига мансуб бактериялар бор-йўқлиги аниқланади.

Микроорганизмларнинг ва ичак таёқчаларининг умумий миқдори корхонага оқиб келадиган - ишлатишдан олдинги сувдаги билан бир хил бўлиши керак. Кронен-тиқиндан 10 донасини пинғетда олиб, 100 мл стерилланган сув қуйилган стерилланган лycopчага қўйилади ва 5 минут давомида силкитилади. Кейин сувдан олиб микроорганизмларнинг умумий миқдори ва коли-титри аниқланади.

**Цех жиҳозлари.** Цех жиҳозларининг ювилишига баҳо бериш учун улар ишга тайёрланган вақтда намуна олинади. Майда жиҳозлардан (аралаштиргич, намуна оладиган идиш, термометр, пичоқ, шприц ва ҳоказолардан) стерилланган тампонда бутун юзасидан мазок олиб, микроорганизмларнинг умумий миқдори текширилади, шунингдек, ичак таёқчалари бор-йўқлигини аниқлаш учун Кесслер муҳитига экилади. Стол, токча, лоток, челак, белкурак ва ҳоказолардан ҳам стерилланган тампонда мазок олиб (қиздирилган трафарет ёрдамида), юқоридаги каби анализ қилинади.

**Ишлаб чиқариш биноларининг** девори, полининг тозалиги қуйидагича олинган намуналарни микроскопда кўриб назорат қилинади: ифлос юзадан озгина қирқиб олиб, стерилланган сувли пробиркага солинади ва яхшилаб чайқатилади. Кейин ундан препарат тайёрлаб бўямасдан ёки метилен қўки билан бўяб микроскопда қаралади. Микроорганизмлар миқдорини аниқлаш учун трафаретдан ва хўлланган пахта тампондан фойдаланилади; кейин Петри лycop-часидаги қаттиқ муҳитга экилади.

**Қўлларнинг тозалиги** маҳсулот ёки тоза асбоб-жиҳозлар билан бевосита муносабатда бўладиган ишларда иш жараёни бошланиши олдидан назорат қилинади. Олдиндан огоҳлантирмай туриб назорат қилинади.

Бунинг учун ёғоч ўққа маҳкамланган стерилланган тампонни стерилланган сув (ёки физиологик эритма) билан ҳўллаб (намлаб), иккала қўлнинг кафти, усти (орқа юзаси), тирноқлар ораси ва бармоқлар ораси артилади. Кейин тампонни ўзи намланган пробиркага солиб, яхшилаб чайқатилади ва 1 мл олиб, 1:10 ва 1:100 нисбатда сув қўшилади.

Унинг 1 мл даги микроорганизмларнинг умумий миқдорини аниқлаш учун сувдан ГПАга экилади ва термостатда 37<sup>0</sup>С да 48 соат сақланади. Сувнинг қолдиғи тампон билан бирга 5 мл Кесслер муҳити бўлган пробиркаларга солинади ва 43<sup>0</sup>С да 24 соат ўстирилади. Кейин бижғитувчи намуналар ёрдамида ичак таёқчалари бор-йўқлиги аниқланади.

Қўлларнинг тозалигига 1 мл ювилган сувдаги микроорганизмлар миқдорига қараб баҳо берилади. Бунда ичак таёқчалари бўлмаслиги керак.

<b>Қўл ювилган 1 мл сувдаги микроорганизмлар сони</b>	<b>Тозалигига берилган баҳо</b>
1000	Аъло
1000-5000	Яхши
5000-10000	Қониқарли
10000 дан юқори	Ёмон

Халат, куртка, фартуклар, матодан тикилган қўлқоплар ичак таёқчалари бор-йўқлигини аниқлаш учун вақт-вақтида назорат қилиб турилади. Бунинг учун улар ювилган сувдан 1 мл олиб, Кесслер муҳитига экилади. Тоза махсус кийимда ичак таёқчалари бўлмайди.

## **МИКРОБИОЛОГИК ТАҲЛИЛ УЧУН НАМУНАЛАР ОЛИШ**

**Ишдан мақсад:** озиқ-овқат саноатида ишлатиладиган амалда муҳим аҳамиятга эга бўлган айрим микроорганизмларнинг, шунингдек, озиқ-овқат

махсулотларини бузадиган кўп тарқалган кўзгатувчиларнинг электив культурасидан намуналар олиш усуллари билан танишиш.

### **1. Микроорганизмларнинг йиғма (электив) культурасини олиш усуллари**

Таркибида микроорганизмлар яқин турларининг ёки ҳатто бир турининг вакиллари кўпчиликини ташкил этган культуралар *йиғма* ёки *электив* деб аталади (лотинча *eletus* -танланган дегани). Озиқ-овқат маҳсулоти (ёки бошқа объект) нинг микрофлораси таркибини ўрганишда йиғма культурадан тоза культура ажратиб олинади. Йиғма культура олиш учун текширувчини қизиқтирувчи микроорганизмлар кўплаб ривожланишини таъминловчи шароит яратилади. Бунинг учун энг аввало ўзига хос танлама муҳитдан фойдаланилади; улар микроорганизмлар муайян группаларининг озук муҳитига бўлган физиологик талабини энг тўлиқ таъминлайди. Бу муҳитлар бирга учрайдиган бошқа микроорганизмлар учун кам фойдали ёки улар учун умуман яроқсиз бўлиши керак.

Муҳит реакцияси (рН), температура, кислород бор-йўқлиги, антибиотикларга ва бошқа бирикмаларга чидамлиги йиғма культура олишга таъсир этадиган муҳим омиллардир. Масалан, муҳитнинг кислоталигини ошириб, бактерияларнинг ривожланиш имконияти йўқотилади ва ачитқи ҳамда мицелийли замбуруғларнинг ўсиши учун қулай шароит яратилади. Термофил организмларнинг йиғма культураси 45-65 С, баъзан ҳатто 70-75 С температурада олинади. Муҳитга маълум концентрацияда пенициллин қўшилса, грам-манфий бактерияларнинг ёки ачитқиларнинг ривожланишига таъсир этади. Неомицин ёки пенициллин стрептомицин билан биргаликда бактериал микрофлорани нобуд қилади ва ачитқиларнинг ривожланишига шароит яратади. Нистатин эса аксинча, бактерияларга таъсир этмай, ачитқиларнинг ҳаёт фаолиятига тўсқинлик қилади. Аэробларнинг йиғма культурасини олиш учун озук муҳитни колбаларга юпқа қилиб (1,5-2 см) қуйиб, тебратма ускунада (качалкада) ўстирилади. Анаэроб микроорганизмлар билан бойитиш учун муҳит узун пробиркаларга ёки флакончаларга тўлдириб қуйилади.

Битта электив муҳитнинг ўзига яна иккинчи марта қайта экиш ва маълум турлар учун қулай бўлган шароит яратилиши натижасида культура аста-секин керакли хоссага эга бўлган микроорганизмлар билан бойиб боради, бирга учрайдиган формалар камаяди.

Қуйида озик-овқат саноатида ишлатиладиган амалда муҳим аҳамиятга эга бўлган айрим микроорганизмларнинг, шунингдек, озик-овқат маҳсулотларини бузадиган кўп тарқалган қўзғатувчиларнинг электив культурасини олиш усуллари баён этилади.

Ҳар бир талаба бирор электив культурани олади, яъни теманинг битта топширигини бажаради. Ҳар қайси топшириқ иккита лаборатория машғулотида бажарилади: биринчи машғулотда маълум бактерияларни тўплаш-йиғиш учун тажриба қўйилади; иккинчи машғулотда тажриба натижаси анализ қилинади.

***Сут кислота ҳосил қилувчи бактерияларнинг йиғма культурасини олиш.*** Бунда қаттиқ, тузланган сабзавот ва мевалар, ўсимликлар гули ёки барги ва бошқа объектлар сут кислота ҳосил қиладиган бактерияларни ажратиб олиш учун бошланғич материал бўлиб хизмат қилади. Сут кислота ҳосил қилувчи бактериялар ўстириладиган электив муҳит 3-иловада берилган. Е.И.Квасников сут кислота ҳосил қилувчи бактерияларнинг спиртга чидамлилигини ҳисобга олиб, сут кислота ҳосил қилувчи мезофил бактерияларнинг йиғма культурасини олишнинг қуйидаги усулини таклиф этди: текшириладиган материал оптимал муҳитга экилади ва 18-24 соатдан кейин унга этил спирт қўшилади. Сут кислота ҳосил қилувчи коккларни ажратиб олиш учун муҳитдаги спирт концентрациясини 8-10 ҳажм %, сут кислота ҳосил қилувчи таёкчалар учун 12-14 ҳажм % даражада сақлаш мумкин. Спиртли манбалар (шароб, бражка, пиво) дан ажратиб олинган баъзи турлар (*Lactobacillus buchneri*, *L. Brevis*, *L. Fermenti*) учун спирт концентрацияси 16-18 ҳажм % гача оширилади.

Сут кислота ҳосил қилувчи термофил бактерияларнинг йиғма культурасини олиш учун солод шарбати бўлган колбага озгина янчилган арпа ёки арпа солоди қўшиб, термостатда 48-50<sup>0</sup>С да сақлаш мумкин. 1-2 кундан

кейин муҳит қаватида товланадиган кучсиз тўлқинсимон лойқа пайдо бўлади; микроскопда текширилганда ингичка узун, ҳаракатланмайдиган спорасиз таёқчалар кўринади.

***Ачитқиларнинг йиғма культурасини олиш.*** Бошланғич материал сифатида прессланган ёки экиладиган ишлаб чиқариш ачитқиларидан, пишган узум, резавор мевалардан, пиво ёки шарбат чўкмасидан, нон ачитқилари ваҳоказолардан фйдаланиш мумкин. Материалдан озгина олиб, солод шарбатига (рН 4-4,5), узум шарбатига сентетик электив муҳитга кўшилсава термостатда 28-30<sup>0</sup>С да сақланса, ачитқилар авж олиб ривожланади. Солод шарбатига авж олиб ривожланадиган мицелийли замбуруғларнинг ўсиши олдини олиш учун 4-6 ҳажм % этил спирт ёки 0,2% натрий пропионат кўшиш мумкин. Бирга учрайдиган бактериялар муҳитга левомецетин (50 мг/л), неомицин (20 бирлик/мг) ёки пенициллин билан стептомициннинг аралашмасини (50-100 бирлик/мл) кўшиб йўқотилади. Такомиллашмаган ачитқиларни йўқотиш учун озук муҳитига 0,1-0,2 % миқдорда йод-сирка кислота ёки лизинли синтетик муҳитга бошланғич материалдан кўшилади. Сахаромицетларни бошқа ачитқилардан ажратиб олиш учун муҳитга 2,5% этилацетат кўшиб, сирка кислота билан муҳит рН 4,0 гача етказилади.

***Спора ҳосил қилувчи бактерияларни йиғма культурасини олиш.*** Бу культуралар дастлаб пастеризация қилинган субстратлардан олинади. *Bacillus subtilis* нинг йиғма культураси учун майдалаб қирқилган пичан устига 40 С гача иситилган сув қуйиб, кейин 10-15 минут қайнатилади. 2-3 кундан кейин субстрат юзасида акация ҳиди анқиб турадиган кулранг-кўк плёнка ҳосил бўлади. У *B. subtilis* таёқчаларидан ташкил топган бўлади.

***Мой кислота ҳосил қилувчи бактерияларнинг йиғма культурасини олиш.*** Бунинг учун бор(мел) кўшилган вава стерилланган картошкали муҳитдан фойдаланилади. Муҳитни пробиркаларга 10 мл дан ёки 100 мл ли колбачаларга 80 мл дан қуйиб оқувчан буғда ёки автоклавда 0,05 Мпа да стерилланади. Экишдан олдин муҳитни албатта 20-30 минут қайнатиб, кейин тезда сув билан совитилади. Бошланғич материални стерилланган сувда ишқалаб, пробиркаларга 1-2 мл дан ёки колбаларга 8-10 мл дан экилади.

Булардан ташқари, шакарнинг 10% ли эритмаси тўлатилган ва тубида бўр чўкмаси бўлган ингичка узун бўйинли колбага ҳам экиш мумкин. Муҳитга кичик бўлак айниган пишлоқ кўшилади. Мой кислота ҳосил қилувчи бактерияларнинг йиғма культурасини олишнинг оддий (содда) усули куйидагича: узун бўйинли колбага пўчоғи арчилмаган картошкадан бир неча бўлак солиб, устига сув қуйилади ва 80 С да 10 минут пастериланади, шундан кейин термостатга 37 С иссиққа кўйилади. 1-2 кундан кейин микроскопда қаралганда суюқликда спора ҳосил қилувчи жуда кўп таёқчалар борлигини кўриш мумкин.

***Сирка кислота ҳосил қилувчи бактерияларнинг йиғма культурасини олиш.*** Бунинг учун 50 мл ҳажмли конуссимон колбага озук муҳити – пастерланган пиводан юпқа қатлам қилиб, (1-1,5 см) куйиб, яна 1 мл 5% ли сирка кислота кўшилади. Муҳитга кислота кўшиш сирка кислота ҳосил қилувчи бактерияларнинг ривожланишига тўсиқлик қилмайди, лекин бегона микрофлоранинг ўсишини чеклаб қўяди. Колба термостатга 25-30 С иссиққа кўйилади. 2-3 кундан кейин пиво юзасида сирка кислота ҳосил қилувчи бактериялар плёнкаси пайдо бўлади. Спора ҳосил қилмайдиган бу бактериялар майда таёқчалардир, улар ҳаракатчан ёки ҳаракатланмайдиган бўлади. Сирка кислота ҳосил қилувчи бактерияларнинг йиғма культураси солодли ёки карамли муҳитда уларга 4 ҳажм % этил спирт ва 20 бирлик/мл мономицин антибиотиғи кўшиб ва бу муҳитларга ачиган шароб, пиво ёки бошқа материалларни экиш йўли билан олинади.

Чиритувчи бактерияларнинг электив культурасини олиш. Протей (*Proteus vulgaris*) ва картошка таёқчаси (*Bas.mesentericus*) чиритувчи бактерияларнинг типик вакиллари ҳисобланади. Буларнинг йиғма культурасини олиш учун ичида стерилланган ГПБ бўлган пробиркага озгина тупроқ солинади. Пробиркани оғзи пахта тиқин билан беркитилади. Бунда кейинчалик оксилнинг айрим парчаланиш маҳсулотлари (NH ва H S) ҳосил бўлишини аниқлаш мақсадида тиқин тагига нам лакмус қоғоз ва кўрғошин ацетат шимдирилган фильтр қоғоз лентаси бир учи билан қистириб кўйилади. Қоғозлар пробирка деворига тегмасдан эркин осилиб туриши керак.



Таркибидаги аммиак ва водород сульфид учиб кетмаслиги учун пробирканинг пахта тиқини устига целлофан ўраб ёки резина қалпоқча кийдириб қўйилади. Кейин пробирка термостатда 30 С иссиқда 2-3 кун сақланади. Вақт ўтиши билан лакмус қоғознинг кўкариши аммиак ажралаётганидан далолат беради. Агар водород сульфид ажралса, кўрғошин ацетат билан намланган қоғоз қораяди (ёки кўнғир рангга киради), чунки бунда кўрғошин ацетат қора рангли кўрғошин сульфатга айланади. Микроскопда кўриш учун “эзилган томчи” препарати тайёрланади ва таёқчаларнинг ҳаракатланиши ўрганилади, шунингдек фиксирланган препарат тайёрланади, “оддий” усулда бўялади ва ҳужайраларнинг шакли ҳамда споралар бор йўқлиги ўрганилади.

***Протейларнинг йиғма культурасини олиш.*** Протей ниҳоятда ҳаракатчанлиги билан характерланади, майда таёқча шаклида бўлиб, спора ҳосил қилмайди, Грам усулида бўялмайди. Айрим тур хиллари токсил ишлаб чиқаради. Бу бактериялар кўпайган маҳсулот истеъмол қилинса, захарланиш мумкин. Йиғма культура олиш учун қия гўшт-пептон агарли пробиркага буғдой донидек айниган гўшт ташлаб, оғзи пахта тиқин билан беркитилади ва термостатда 30 С иссиқда 1-2 кун сақланади. Протей актив ҳаракатланадиган бўлгани учун бошқалардан олдин қия агар юзасида чирмашиб ўсиб, унинг юқори қисмида ўзига хос оч ҳаворанг-кулранг майин ғубор ҳосил қилади. Ана шу ғубор (налёт)нинг энг юқори қисмидан олиб “эзилган томчи” препарати тайёрланади ва микроскопда қаралади. Бунда ҳужайраларнинг шакли ва ҳаракатчанлиги қайд этилади.

***Картошка таёқчасининг йиғма культурасини олиш, Bacillus mesentericus спора ҳосил қилувчи ҳаракатчан таёқча.*** Унинг йиғма культурасини олиш спораларнинг иссиққа чидамлигига ва ишлатиладиган озук муҳитининг ўзига хослигига (спецификлигига) боғлиқ. 1 см қалинликдаги 1-2 бўлак картошкани олиб, ҳужайра ширасининг кислоталарини нейтраллаш учун ҳар томони бўр билан ишқаланади. Кейин шу картошка бўлакчаларини Петри лycopчасига қўйилади. Сўнгра лycopчани Кох аппаратига қўйиб, оқувчан буғда 100 С да 10 минут қиздирилади. Совитилгандан кейин термостатга қўйиб, 30 С да 2-3 кун сақланади. Картошка

бўлакчалари устида *V. mesentericus* жигар ранг майда ёки йирик бурмали губор шаклида ўсади. Губорни микроскопда кўрилади, “эзилган томчи” ва оддий усулда бўялган препарат тайёрланади.

### **Тоза культура ажратиб олиш усуллари**

Текширилган материалда, одатда, битта эмас, балки микроорганизмларнинг бир неча тури бўлади. Микроорганизмларнинг морфологик-культурал ва физиологик-биокимёвий хоссаларини ўрганишда, улардан саноатда фойдаланишда албатта тоза культура бўлиши шарт. Тоза культура битта ҳужайрадан олинган наслдир. Тоза культура олишнинг бир қанча усуллари бор. Бу усулларнинг барчаси микроб популяциясидан ягона-битта ҳужайра ажратиб олишга асосланган. Тоза культура алоҳида колония ёки битта ҳужайра шаклида йиғма культурадан ажратиб олинади.

***Битта колониядан тоза культура ажратиб олиш.*** Бу усулни микробиология ҳаммомида эритилади, сўнгра 45-50 С гача совилади ва Петри лycopчасига қуйилади. Бунинг учун муҳитли идишни ўнг қўлда қия ушлаб, пахта тиқини олинади. Кейин идишнинг оғзи грелка алангасида қиздириб олинади, чап қўлнинг бош ва кўрсаткич бармоғ билан лycopчанинг қопқоғини очиб, эритилган муҳит тезда қуйилади (15-20 мл); бунда лycopчанинг туби тўлиқ қопланиши керак. Кейин лycopча қопқоғини тезда беркитиб, муҳит совигунча тинч қолдирилади.

Аэроб микроорганизмлар юза усулда ажратиб олинadиган бўлса, бир томчи йиғма культура ёки унинг суюлтирмаси илмоқда ёки пипеткада совиган муҳит ўртасига томизилади (лycopча қопқоғини қия очиб туриб). Кейин уни стерилланган шиша шпателда лycopчадаги муҳит юзасига ёйилади. Шундан сўнг материал қолдиғи бўлган шу шпатель иккинчи, учинчи, камдан-кам ҳолда тўртинчи Петри лycopчасидаги муҳит юзасига суркаб чиқилади. Бунда лycopчалар қопқоғи фақат шпатель дезинфекцияловчи эритмага ботириб қўйилади. Саноатда ишлаб чиқарилган ачитқилардан, бражка, сут, сув, пиво, шароб, квас, қимиз, хамир, тупроқ, хомашё ювиндисувлари, жиҳозлар ва ҳоказолардан ҳам ана шу йўл билан тоза культура олиш мумкин. Бунинг учун

олдин стерилланган сувда ёки физиологик эритмада суюлтирма тайёрлаб олинади.

Йиғма культурани қаттиқ озук муҳити юзасига штрих усулида экиш ҳам мумкин. Бунинг учун экиш материалдан илмиқда бир томчи олиб, 2-3 та Петри лycopчасидаги агар пластинкаси бўйлаб параллел ёки зигзагсимон штрих бўйлаб экилади. Суюлтирилган йиғма культура битта лycopчага штрих усулида экилади.

### *5-амалий машғулот*

## **МИКРООРГАНИЗМЛАРДАН МАХСУЛОТЛАРНИ АЖРАТИШ УСУЛЛАРИ**

**Ишдан мақсад:** Микроорганизмлардан махсулотларни ажратиш усуллари ва ускуналари билан ишлаш тартибларини ўрганиш

**Машғулот ўтказишдан мақсад.** Ҳисоблаш камераларида, фиксирлаб бўялган мазокларда микроорганизмлар хужайрасини санаш усулларини ўзлаш-тириш. Қуюқ муҳитда ўстириш йўли билан хужайралар сонини ҳисоблаш. Микроб биомассасини аниқлаш, аэроб ва анаэроб микроорганизмларни ўстириш йўллариини ўрганиш. Ташқи муҳит омилларининг микроорганизмларга таъсирини билиб олиш.

### **1. Микроорганизмлар хужайрасини бевосита санаш**

**Хужайраларни ҳисоблаш камерасида санаш.** Горяев, Том-Ғейс, Бюкер ва бошқалар камерасида йирик микроб хужайраларини - ачитқиларни, бир хужайрали сув ўтлари, споралар, замбуруғлар, айрим бактерияларни санаш мумкин. Горяевнинг ҳисоблаш камераси қалин буюм ойнаси бўлиб, тўртта чуқур чизик билан кўндаланг жойлашган учта майдончага бўлинган. Ўртадаги майдонча кўндаланг чизик билан иккига бўлинган. Ҳар қайси ярми тўрсимон бўлинган. Ён томондаги майдончалар ўртадагидан 0,1 мм баландроқ (камера чуқурлиги) бўлиб, унинг устига қоплағич ойна зич ёпилади.

Горяев камерасининг тўри 225 та йирик квадратга бўлинган (15 та қаторнинг ҳар қаторида 15 тадан квадрат бор). Йирик квадратнинг майдони  $1/25 \text{ мм}^2$  га тенг бўлиб, ҳар қайсисининг майдони  $1/400 \text{ мм}^2$  бўлган 16 та майда квадрат-

га бўлинган. Камеранинг чуқурлиги 0,1 мм га тенг. Кичик (майда) квадратнинг ҳажми  $1/4000 \text{ мм}^3$  ёки  $1/4000000$  мл, катта квадратники  $16/4000=1/250 \text{ мм}^3$  ёки  $1/250000$  мл га тенг. Катта квадратларнинг бир қисми вертикал, горизонтал бўлинган ёки бўлинмаган бўлади.

Қуюқ субстратлардаги ачитқиларни санаш учун олдин улар сувга аралаштирилади. Бунинг учун ўлчов колбасидаги 100 мл сувга ҳужайралар концентратига қараб, 2, 4 ёки 10 мл ачитқи суспензияси қўшилади. Нобуд бўлган ачитқи ҳужайраларини бўйаш учун Финк бўйича 20-30 мл метилен кўки (1:5000 нисбатда олинган) ёки 1:40 концентратидан 1-2 мл қўшилади.

Нон пишириш саноати ярим фабрикатлар намунасини тайёрлашда Г.М. Смирнова ишлаб чиққан усулга асосланиш мумкин: бунда 1 г намунани ховончада 3-5 мл спирт билан эзиб (спирт оз-оздан қўшилади), кейин 100 мл ҳажмли колбачага солинади ва 40-50 мл га етгунча сув қўшилади; тўхтовсиз чайқатиб туриб 1 мл 30% ли натрий гидроксид (ёки калий гидроксид) эритмаси қўшилади. Кейин колбача 10 минут  $70^{\circ}\text{C}$  иссиқ бўлган сув ҳаммомига ботириб қўйилади. Гидролиз тугагандан кейин белгигача сув қўшиб, яхшилаб аралаштирилади. Суспензиядан 10 мл олиб, пробиркага солинади ва 5 томчи метилен кўки ҳамда 3-4 томчи карболли фуксин қўшилади. Ачитқилар ҳужайраси тўқ бинафша рангга, бактериялар ҳужайраси ҳаво рангга бўялади.

Камера ва махсус силикқланган қоплагич ойнани яхшилаб ювиб қуритилади. Сеткалар юзасига тайёрланган культура аралашмасидан кичик томчи томизиб, қоплагич ойна билан ёпилади. Ойна тагидаги суюқлик катаклар бўйлаб бир текис тарқалиши, пуфакчалар ҳосил бўлмаслиги керак. Суюқликнинг ҳажми камеранинг ҳисобланадиган ҳажмига мос келиши учун то Нкютон ҳалқалари деб аталадиган ҳалқалар пайдо бўлгунча қоплагич ойна камеранинг ён майдончасига ишқаланаверади. Қоплагич ойнани олдин ишқалаб, кейин пипеткада камерани микроорганизмлар суспензияси билан тўлдириш ҳам мумкин. Ҳужайралар чўкиши ва бир текисда (бир сатҳда) кўриниши учун камера тўлдирилгандан 3-5 минутдан кейин ҳисоблаш бошланади. Микроорганизмларнинг ҳаракатчан формаларини катакларга туширишдан олдин уларни иситиб ёки суспензияга 0,5% формалин қўшиб нобуд қилинади.

Камерани микроскопнинг буюм столчасига жойлаштириб кўйиб, олдин 8х, кейин 40х объективда кўрилади. Катта квадратнинг ичидаги хужайралар ҳам, чекка чизиғидаги, лекин кўпроқ қисми муайян квадрат ичида бўлган хужайралар ҳам - ҳаммаси ҳисобга олинади. Яримдан кўпи бошқа квадратда бўлган хужайралар ҳисобга олинмайди. Агар хужайралар чегара чизик билан тенг иккига кесилиб турган бўлса, квадратнинг иккита ёнма-ён (бир-бирига яқин) томонидаги, масалан, пастки ва чап томонидаги хужайралар ҳисобга олинади.

Ҳар бир томчида 10 та катта квадратдаги хужайраларни санаш тавсия этилади. 1 мл даги хужайралар сони  $x = a \cdot 25 \cdot 10^4$  га тенг.

Жуда қуюқ суспензияларда хужайраларни санаш қийин, шунинг учун уларни сув қўшиб суюлтириш керак; яхшиси шундай суюлтириш керакки, битта йирик квадратдаги хужайралар сони 16 тадан ошмасин. 1 мл даги хужайраларни ҳисобга олишда суюлтиришни ҳисобга олиш керак.

**Фиксирлаб кейин бўялган мазоклардаги хужайраларни санаш (Виноградский-Шулқгина-Брид усули).** Бу усулнинг моҳияти шундан иборатки, маълум миқдордаги текширилаётган суспензияни бевосита микроскопда кўриб, микроорганизмлар хужайрасининг миқдори (сони) ҳисобланади (саналади).

**Препарат тайёрлаш.** Текшириладиган суспензиядан аниқ ҳажмда (одатда, 0,02 дан 0,05 мл гача) олиб, микропипеткада яхшилаб ёғсизлантирилган ва қуритилган буюм ойнасига томизилади; бу буюм ойнаси майдони 6 ёки 4 см<sup>2</sup> қилиб чизилган миллиметр қоғозга жойлаштирилган бўлади. Кейин суспензия томчисига агар-агарнинг стерилланган 0,03% ли сувли эритмасидан бир томчи қўшиб, стерилланган биологик илмоқ билан тез аралаштирилади ва қоғозда белгиланган майдонга бир текис тақсимланади. Мазокни ҳавода қуритиб, 96% ли спирт билан 20-30 минут фиксирланади ва маълум вақт давомида у ёки бу бўёқ билан бўялади. Кейин препарат эҳтиётлик билан кристаллизаторда сувда ювилади. Препарат сув тиниқ бўлиб қолгунча бир неча марта ювилади. Тайёр бўлган препарат ҳавода қуритилади.

Микроорганизмлар хужайраси иммерсион объективда окулярга ўрнатилган окуляр тўридаги квадратлардан саналади. Препаратни диагонал бўйича у

ёқ-бу ёққа суриб, тўрдаги 50-100 та квадратдаги (камида 10 кўриш майдонидаги) микроорганизмлар ҳисобга олинади. Окуляр сеткаси бўлмаса, микроскоп-нинг бутун кўриш майдонидаги хужайраларни санаш мумкин. Амалий мақсадга мувофиқлик нуқтаи назаридан қаралганда ҳисобланган хужайраларнинг умумий сони ( $\sum x$ ) 600-1000 бирликка тенг бўлганда максимал аниқликка эришилади.

Олинган маълумотларга асосланиб, сетканинг квадратидаги хужайраларнинг ўртача сони аниқланади  $x = \frac{\sum x}{n}$ ; бу ерда: n - сеткадаги хужайралар сони саналган квадратлар (кўриш майдони). Ишончли интервални аниқлашда вариант учун ўрта квадратли ўзгариш ушбу формула бўйича ҳисобланади:

$$\sigma_x = \pm \frac{\sqrt{\sum x}}{n}$$

95% га тенг даражали кўрсаткичда ( $P_{0,95}$ ) тўрнинг квадратидаги (кўриш майдонидаги) эҳтимолга яқин бўлган хужайралар сони ушбу формуладан фойдаланиб ҳисобланади:  $x \pm 2 \sigma_x$ .

$P_{0,99}$  да ишончли интервал  $\pm 2,7 \sigma_x$  га мувофиқдир.

Ўрганилаётган субстратнинг 1 г (1 мл) даги хужайраларнинг эҳтимолга энг яқин сонини аниқлаш учун суюлтирилганлигини, суспензиянинг ҳажмини, мазокдаги окуляр сеткаси квадрати майдонини (кўриш майдонини) ҳисобга олиш зарур.

Окуляр тўри квадратининг майдони (кўриш майдони) объектив микрометр ёрдамида аниқланади (44-расм). Объект-микрометрни микроскоп столчасига препарат ўрнига қўйиб, хужайралар саналган катталаштиришда тўр квадратининг томони (ёки кўриш майдонининг диаметри) ўлчанади. Квадратнинг томонини билгандан кейин, унинг майдони - S аниқланади. Кўриш майдони  $S = \pi R^2$  формула бўйича ҳисоблаб топилади.

Тўр квадратидаги хужайралар сонини 1 г (1 мл) субстратдаги микроорганизмлар миқдорига айлантириш учун қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$\frac{(x \pm 2 \sigma_x) * 6 * 10^8 * K}{158}$$

$$S * 0,05$$

**Бу ерда:** S - тўр квадратининг майдони ( $\text{мкм}^2$ ), 0,05 - олинган суспензиянинг миқдори,  $6 \cdot 10^8$  - мазокнинг майдони, K - суспензиянинг суюлтирилганлиги.

### **Қаттиқ озук моддали муҳитга экиш усули билан микроорганизмлар миқдорини аниқлаш (Кох усули)**

Табиий ва ишлаб чиқаришдаги субстратлардаги (сув, тупроқ, хомашё, ярим тайёрланган маҳсулотлар ва тайёр маҳсулотлардаги) микроорганизмлар миқдорини аниқлашда мазкур усул кенг қўлланилади. Ҳар қандай тирик хужай-ра қаттиқ муҳитга экилганда колония ҳосил қилади, деб ҳисоблаймиз.


**Буни анализ қилиш уч босқичда бажарилади:** намунали суюлтириш, Петри лycopчасидаги қаттиқ муҳитга экиш ва ўсиб чиққан колонияларни ҳисобга олиш (санаш).

**Намунали аралаштириб суюлтириш.** Алоҳида-алоҳида колониялар ҳосил қилиш учун ўрганилаётган материалнинг намунаси олдин ўн карра суюл-тирилади. Бунинг учун стерилланган водопровод сувидан ёки физиологик эритмадан (натрий хлориднинг 0,5% ли эритмасидан) стерилланган қуруқ пробир-каларга 9 мл дан қуйилади. Кейин дастлабки намунадан 1 мл (ёки 1 г) олиб, асептик равишда биринчи пробиркага қўшилади ва пахта тиқин билан оғзини беркитиб, яхшилаб аралаштирилади. Натижада биринчи аралашма - 1:10 олинади (34-расм).

I-нчи суюлтиришда ҳосил қилинган суспензия стерилланган пипетка билан яхшилаб аралаштирилади. Бунинг учун суспензия бир неча марта пипет-кага тортиб, яна чиқарилаверади. Сўнгра шу пипеткада 1 мл суспензия олиб, ичига 9 мл сув қуйилган иккинчи пробиркага қўшилади - бу иккинчи суюлти-риш -  $1:10^2$ . Яна бошқа пипетка олиб, худди юқоридаги усулда учинчи марта суюлтирилади -  $1:10^3$ , сўнгра дастлабки (бошланғич) материалдаги микроорга-низмлар миқдорига қараб, 10 мартагача суюлтирилаверади.

**Қаттиқ муҳитга экиш.** Суюлтирилган ҳар қайси суспензиядан камида икки-тўртта параллель Петри лycopчасига юза ёки чуқур қилиб экилади. Юза экишда дастлаб стерилланган Петри лycopчасига 15-20 мл дан эритилган агар-

ли муҳит қуйилади. Кейин муҳит совиши учун лycopчaлар горизонтaл юзaдa сaқлaнaдa, сўнгрa муҳитнинг қуригaнлигини вa стериллaнгaнлигини текшириш учун қoпқoғини пaстгa қилиб, 2-3 кун 30<sup>0</sup>C иссиқ термостaтдa сaқлaш тaвсия этилaдa. Муҳит билaн қoпқoқлaр юзaсидaги кoнденсaғиoн сув тoмчилaри йўқoлгунчa қуритиш дaвoм этидa. Агaр ўтa нaм шарoитдa ўсaдигaн микрoоргa-низмлaр ҳисoбгa oлинaдигaн бўлсa, aгaр совиши билaнoқ кyльтyрa экилaдa.



Расм 34. Аралаштириб суюлтиришларни тайёрлаш схемаси ва уларни Петри чашкаларига экиш

Экиш учун стерилланган ўлчов пипеткасидан фойдаланилади. Унда суюлтирилган тегишли суспензиядан маълум ҳажмда: 0,05; 0,1 ёки 0,2 мл (0,5 мл дан ошмаслиги керак) олиб, лycopчaлардaги муҳитгa қўшилади. Кейин стерил-ланган шпатель билaн қaттиқ муҳит юзaсигa бир текис ёйилaдa. Агaр суюл-тирилгaн суспензиядa микрoоргaнизмлaр кoнцнтрaцияси юқoри бўлсa, шу шпатель билaн иккинчи, бaъзaн учинчи лycopчaдaги озуқ муҳитнинг юзaсигa ҳaм суркaлaдa. Агaр кoнцнтрaцияси пaст бўлсa (яъни ҳужайрaлaр кaм бўлсa), фaқaт биттa лycopчaгa шпaтелдa суюлтирилгaн суюқлик юқтирилaдa. Кeтмa-кeт суюлтирилгaн кaмидa учтa суспензиядaн олиб экилaдa. Парaллель экишдa биттa пипеткaдaн фойдaлaнилaвeрaдa. Бoшқa суюлтирилгaн суспензиядaн фойдaлaнишдa стериллaнгaн янги пипеткa ишлaтилaдa. Ҳар хил



даражада суюлтирилган суспензиялардан олиб экишда битта пипеткадан фойдаланиш мумкин, лекин экишни энг кўп суюлтирилган суспензиядан бошлаш керак. Ҳар қайси суюлтирилган суспензия учун албатта стерилланган янги шпатель олинади.

Чуқур қилиб экишда стерилланган пипеткада тегишли суспензиядан 1 мл дан олиб, стерилланган 2-4 та параллель Петри лycopчасидаги муҳитга қўйилади. Сўнгра эритиб, 46-48<sup>0</sup>С гача совитилган агарли муҳитдан 15-20 мл олиб, эҳтиётлик билан лycopчага қўшилади. Кейин қопқоғини ёпиб, тезда лycopчани секин-секин айлантириб, ичидаги озук муҳити билан экилган материал ях-шилаб аралаштирилади. Шундан сўнг муҳит совиши учун горизонталқ ҳолатда сақланади. Экилган ва тегишли ёзувлар ёзилган лycopчанинг тубини юқорига қаратиб термостатга қўйилади; бунда температура микроорганизмларнинг ўсиши учун қулай бўлиши керак. Анаэроблар ҳужайрасини ҳисоблаш учун ичида текшириладиган материал бўлган лycopчалар анаэроостатга жойлаштирилади.

**Колонияларни санаш.** Микроорганизмларнинг турли гуруҳлари бир хил тезликда ўсмайди. Баъзилари тез, бошқалари секин ўсади. Шунинг учун бактериялар колонияси 2-3, замбуруғлар билан ачитқилар колонияси 5-7, актиномицетларники 7-15 кундан кейин саналади. Колонияларни санаш учун бири-биридан нарида ўсган ва камида 50-300 та колония бўлган лycopчалар танлаб олинади. Лycopчаларни қора фонга тўнкариб қўйиб, 8-10 марта катталаштириб кўрсатадиган лупада колониялар саналади. Ҳар гал колонияни санаб бўлиб, лycopчанинг устига сиёҳда ёки қалам билан белги қўйилади. Ўсиб чиққан колониялар ниҳоятда кўп бўлса, Петри лycopчасининг туби 4, 8 ёки 16 та бир хил (тенг) қисмга бўлиниб, ҳар бир қисмдаги колониялар саналади ва натижаси умумлаштирилади. Бир нечта қисмдаги (лекин лycopчадаги муҳит майдони-нинг камида 1/3 қисмидаги) колонияларни санаб, ўртача арифметик қийма-тини топиш ва бутун лycopчадаги қисмларнинг умумий сонига кўпайтириш мумкин.

## Микроб биомассасини аниқлаш

**Биомассани тортиб кўриш йўли билан аниқлаш.** Бу усул ишлабчиқариш ва тадқиқот лабораторияларида куруқ ёки нам биомасса ҳолдаги микроорга-низмлар сонини билвосита аниқлаш мақсадида қўлланади. Одатда, биомасса миқдори 1л муҳитга нисбатан грамм ёки миллиграммларда ифодаланади.

**Центрифугалаш, пробиркаларини (бюксларни) ва фильтрларни доимий вазнгача қуритиш.** Қопқоғи очиқ Петри лycopчаларига жойланган фильтрлар, центрифугалаш пробиркалари ва бюксларни қуритиш шкафига қўйиб, 100-105<sup>0</sup>С температурада 1 соат сақланади. Сўнгра улар сувсиз калкғий хлорид-ли ёки концентранган сульфат кислотали эксикаторларга қўйилади. Бунда фильтрли лycopчалар қопқоғи берк бўлади. Центрифугалаш пробиркалари (бюкслар, фильтрлар) эксикаторда 30 минут давомида совитилгандан кейин аналитик тарозида 0,0001 г аниқликкача тортилади. Пробирка (бюкс) нинг ёки фильтрнинг массаси (вазни) доимий бўлгунча ва қайта тортиб кўришдаги фарқи ± 0,0001 г дан ошмайдиган вазнга келгунча қуритиш шкафида бир неча марта қуритиб, эксикаторда совитилади.

**Микроорганизмлар ҳужайрасини центрифугалаш.** Культурал суюқлик-даги бактериялар ва ачитқилар ҳужайраси центрифугалаш йўли билан ажратиб олинади. Бунинг учун яхшилаб аралаштирилган культурадaн пипеткада аниқ миқдорда олиб, қуритилган центрифугалаш пробиркаларига солинади. Центри-фугалаш вақти (қанча давом этиши) ва айланиш сони ҳужайраларнинг йирик-майдалигига боғлиқ. Бактериялар минутига 5-7 минг оборотда (айланишда) 15-20 минут, ачитқилар 3,5-4,0 минг оборотда 5-10 минут центрифугаланади. Чўкма юзасидаги суюқликни эҳтиётлик билан қўйиб олиб, чўкма физиологик эритма ёки кучсиз кислотали дистилланган сув (1 л сувга 1 мл концентранган HCl ҳисобидан) билан ювилади ва юқорида айтилган оборотда яна центрифуга-ланади. Ювиб бўлгандан кейин сувни тўкиб, чўкма пробиркада қолдирилади (агар у шишадан ясалган бўлса). Агар пробиркалар полиэтилендан ясалган бўлса, чўкма миқдорий равишда

дистилланган сув билан олдиндан қуритилган шиша бюксларга қўйиб олинади.

Мигелийли замбуруғлар ва актиномигетларнинг, шунингдек, ачитқичлар ва бактерияларнинг ҳужайраларини культурал суюқликдан ажратиб олишда кулсизлантирилган қоғоз филтрлардан ва мембрана филтрлардан фойдаланиш мумкин. Бунинг учун шиша воронкага ёки Бюхнер воронкасига икки қа-ват қоғоз филтр қўйиб, аниқ миқдорда олинган культура филтрланади. Жараёни тезлаштириш мақсадида вакуум остида филтрлаш мумкин. Филтрда қолган чўкма бир оз кислоталанган дистилланган сув билан ювилади. Бактериялар ҳужайрасини ажратиб олишда мембрана филтрлардан фойдаланилади; филтрларни шундай танлаш керакки, уларнинг тешиклари бактерия ҳужайрасидан майда бўлиши керак.

**Ҳужайралар массасини аниқлаш.** Ичида микроорганизмлар ҳужайрасининг чўкмаси бўлган центрифугалаш пробиркалари (бюкслар) ёки филтрлар қуритиш шкафига қўйиб, 30<sup>0</sup>С да, сўнгра 100-105<sup>0</sup>С да 2 соат қуритилади. 4 соатдан кейин биринчи марта, сўнгра ҳар 1 соатда тортиб кўрилади. Ҳар гал тортишдан олдин пробиркалар, бюкслар ва филтрлар эксикаторда совитилади. Қуриш профессиини тезлаштириш мақсадида мажбурий вентиляцияли вакуум-қуриш шкафларидан, инфрақизил нурли лампалардан фойдаланилади. Филтрлардаги биомассани К.Н. Чижова асбобида тез қуриш мумкин. У текшири-лаётган намунани иситилган қорамтир жисмдан тарқалаётган инфрақизил нурлар билан 5-7 минут давомида 160<sup>0</sup>С гача иситиб, сувсизлантириш принципига асосланаган.

Қуруқ биомасса миқдори (г/л ҳисобида).

$$x=(A-B) * 1000/V,$$

*бу ерда* А ва В - центрифугалаш пробиркалари (бюкс, филтрлар) нинг чўкмали ва чўкмасиз массаси (г); V-центрифугалаш ёки филтрлаш учун олинган культурал суюқликнинг ҳажми (мл).

Биомассани тортиш усулида аниқлашда иккита параллель намуна олинади.

**Биомассани нефелометрик усулда аниқлаш.** Нефелометрия лойқа эрит-ма орқали ўтган ёруғлик интенсивлиги ўлчамига асосланган. Микроорганизм-лар суспензияси тарқатадиган ёруғлик миқдори ё уларнинг масса бирлигида ёки хужайралар сони билан ифодаланган концентрациясига ё бўлмаса уларнинг ўртача ўлчамига пропорционалдир. Бир текис лойқалантирувчи ўсаётган кулк-тураларга тарқатаётган ёруғлик нури билан 1 мл культурал муҳитдаги ( $\pm 7\%$  аниқликда) хужайралар сонини аниқ боғлиқлиги хосдир. Микроорганизмлар парда, миғелий, тўп-тўп ёки донадор чўкма ҳосил қилганда бу усулга риоя этилмайди.

Ёруғликни тарқалиши миқдори фотоэлектркалиметрларда, нефелометрларда (ФЭКН-57, ФЭКН-56М ва бошқаларда) ўлчанади.

Уларнинг ишлаш принципи ва ёруғликнинг тарқалишини ўлчаш тартиби физик-кимёвий усул-ларга доир қўлланмаларда ва инструкцияларда (приборларга илова этилган) таърифланган бўлиб, эритмаларнинг оптик зичлигини ўлчашдан фарқ қилмай-ди. ГПБда ёки солод шарбатида суспензия ҳосил қилинган бактерия ва ачитқи-лар хужайрасини текширишда қизил фильтрда ўлчаш, кўк-яшил сувўтларни яшил фильтрда ўлчаш энг қулайдир. Культурал муҳитда хужайралар концентрацияси юқори (хужайралар ниҳоятда кўп) бўлса, ёруғлик тарқалиши кучаяди, бу эса паст натижа олинишига сабаб бўлади. Шунинг учун хужайралар ниҳоятда кўп бўлган бундай суспензияни озук муҳитни ёки сув билан суюлтириш керак. Битта культуранинг намунасини ҳар хил суёқликлар билан суюлтириш мумкин эмас, чунки хужайраларнинг бўртиб қолиши ва қисилиши ёруғлик тарқалиши даражасига таъсир этади.

Хужайралар сони (биомасса) ё бевосита нефелометрнинг кўрсатиши бўйича ёки ёруғлик тарқалиши миқдори билан хужайралар сони ёки ҳажм бирлигидаги қуруқ биомасса орасидаги ўзаро боғлиқлик эгри чизиғи билан ифодаланади.

Ўлчов эгри чизиғи қуйидагича тузилади: ҳар хил қуюқликдаги бир неч-та микроб суспензияси тайёрланади. Санаш камераси ёрдамида ёки қуруқ био-массасини тортиш йўли билан 1 мл суспензиядаги хужайралар сони аниқ-

ланади. Кейин фотоэлектроколориметр ёрдамида ёруғлик тарқалиши ўлчанади. Олинган катталикларнинг боғлиқлиги график тарзда ифодаланади. Бунда ординаталар ўқига фотоэлектроколориметр кўрсаткичи, абсциссалар ўқига 1 мл муҳитдаги хужайралар сони (ёки г/л ҳисобидаги қуруқ биомасса ҳажми) ёзилади. Ҳар қайси ўлчов чизиғига ёруғлик филтрининг рақами (номери), кюветанинг иш масофаси, график тузилган муддат ва микроорганизмнинг номи ёзиб қўйилади.

Ўлчов эгри чизиғи бўйича хужайралар сони қуйидагича аниқланади. Анализ қилинаётган намунанинг ёруғлик тарқатиши ўлчанади, ординаталар ўқидан олинган сонга мос нуқта топилади. Ана шу нуқта орқали ўлчаш эгри чизиғи билан кесишгунча абсциссалар ўқига параллель чизиқ ўтказилади.

Перпендикулярнинг абсциссалар ўқи билан кесишиш нуқтаси текширилаётган намунадаги хужайралар сонига (биомассасига) мос келади

#### ***6-амалий машғулот***

### ***BACILLUS THURINGIENSIS* ЭНТОМОПАТОГЕН БАКТЕРИЯСИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИНИ ЎРГАНИШ.**

**Ишдан мақсад:** микроорганизмларни экиш учун озуқа муҳити тайёрлаш ва стерилизация қилиш, ўстириш ва ҳосил бўлган оқсилли моддаларни ажратиб олишни ўрганишдан иборат.

Микроорганизмлар учун озуқа муҳити тайёрлаш, уни стерилизациялаш ва унга продуцентларни экиш усуллари билан микробиология фанининг лаборатория машғулотларида етарли даражада танишганлиги сабабли талабалар ушбу лаборатория ишини қуйидаги тавсиялар асосида бажаришади:

**Продуцент:** *Bacillus thuringiensis* бактерияси штамми лаборатория музейидан техник лаборант томонидан махсус косякларга экилган ҳолда берилади.

**Продуцентни ўстириш.** Культура агар-агар қўшилган картошкали суюқ ва қаттиқ озуқа муҳитларида 28-30<sup>0</sup>С ҳароратда 5 кун давомида ўстириб

(суюқ озуқа муҳити учун микробиологик качалкада; қаттиқ озуқа муҳити учун термостатда) олинади.

**Дастлабки экув материални тайёрлаш.** Экиш материални ўстириш учун агарли картошка озика муҳити косякида 2 кун давомида 28-30<sup>0</sup>С ҳароратда ўстирилган культурадани фойдаланилади (техник лоборант томонидан таъминланади); Шундан кейин, культура сифими 750 мл бўлган колбаларда 100 мл озика муҳитига экилиб, чайқалатгичда (200 тез/ мин) 48 соат давомида 28-30<sup>0</sup>С ҳароратда ўстирилади (100 мл озика муҳитига 100 млн/хужайра). Ушбу культура биомассаси озика муҳитидан центрифугалаш усулида (5000 тез/мин) ёки маъкул усул мураббий томонидан тавсия этилади)

**Стерилизациялаш шароити.** Озика муҳити 105-110<sup>0</sup>С ҳароратда 1 атмосфера босимда 20 мин. давомида стерилланади. Озика муҳитининг рН кўрсаткичи: стерилизациягача 7,0-7,2 ва стерилизациядан кейин 6,8-7,0 га тенг бўлиши лозим (зарур бўлганда рН кўрсаткичи мўтадиллаштирилиши керак, культуранинг мўтадил ўсиб ривожланиши учун озика муҳити рН кўрсаткичини 7,4 да ушлаб туриш мақсадга мувофиқдир).

**рН кўрсаткичи** (суюқ озуқа муҳити учун). рН кўрсаткичи ферментация жараёнигача 6,8-7,0 бўлиши керак; ферментация жараёни охирида рН кўрсаткичи кўтарилиб кетади (8,0). Табиийки озика муҳитининг ишқорий ҳолатга ўтиши кристалларни кичик бўлақларга бўлиниб кетишига олиб келади ва бу кейинги кристалл оксилларни ажратиб олишда қийинчилик туғдиради.

Бунда мақсадга мувофиқ бўлган барча кристалл оксилларни центрифугалаш (5000 тез/мин. 20 мин) орқали ажратиб олишга эришилади. Бунинг учун НСІ нинг кучсиз эритмаларидан фойдаланиш мумкин.

**Фойдаланиш тавсия этиладиган адабиётлар  
рўйхати**

1. Авакянц С.П. Биохимические основы технологии шампанского. М., 1980.
2. Аркадьева З.А., Безбородов А.М., Блохина И.Н. и др. Промышленная микробиология: Учеб.пособие для вузов по спец. "Микробиология" и "Биология"/ Под.ред. Н.С.Егорова.- М.:Высш.шк., 1989. - 688 с.
3. Артамонов В.И. Биотехнология агропромышленному комплексу. Москва. Наука. 1989, 165с.
4. Ауэрмен Л.Я. Технология хлебопекарного производства. М, 1972.
5. Безбородов А.М. Биотехнология продуктов микробного синтеза. М., «Агропромиздат» 1991. 240 с.
6. Биотехнология: Учеб. пособие для вузов. В 8 кн. /Под ред. Н.С.Егорова., В.Д.Самуилова. Кн. 6: Микробиологическое производства биологически активных веществ и препаратов/ Быков В.А., Крылов И.А., Манаков М.Н. и др. - М.: Высш. шк., 1987. - 143 с.
7. Букин В.Н., Быховский В.Я., Панцхава е.С. Биохимические и микробиологические основы промышленного получения витамина В<sub>12</sub> методом термофильного метанового брожения. Сб. Витамин В<sub>12</sub> и его применение в животноводстве. М., 1971.
8. Букин В.Н. Микробиологический синтез витаминов. М., 1972.
9. Бурьян Н.И., Тюрина Л.В. Микробиология виноделия. М, 1979.
10. Воробьева Л.И. Пропионовокислые бактерии и образование витамина В<sub>12</sub>. М., 1976.
11. Герна Р. Хранение микроорганизмов/Методы общей бактериологии. М., 1983. Т.1-3.
12. Грачева И.М., Гаврилова Н.Н., Иванова Л.А. Технология микробных белковых препаратов, аминокислот и жиров. - М.: Пищевая промышленность, 1980. 448 с.
13. Давранов К.Д. Микроблар дунёси. Тошкент. ТошДАУ нашриёти, 2002 йил. 298 б.
14. Давранов Қ., Н.Хўжамшукуров. Умумий ва техник микробиология.

Тошкент. ТошДАУ нашриёти, 2004 йил. 279 бет.

15. Колунянц К.А., Голгер Л.И. Микробные ферментные препараты. М., 1979.
16. Королева Н.С. Техническая микробиология цельномолочных продуктов. М, 1975.
17. Огай Д.К. Микробиологический синтез алкалоидов. Т.: Фан, 1991. – С.131.
18. Огай Д.К., Зуннунджанова А. Биология термофильных молочных бактерий и их экспериментальная селекция. Т.: Фан, 1978. –С.130.
19. Ротмистров М.Н., Гвоздяк П.И., Ставская С.С. Микробиология очистки воды. Киев, 1979. –С. 427.

## V. КЕЙСЛАР БАНКИ

«Кейс-стади» (Case-study) – моделлаштирилган ва реал вазиятларни ечиш ва муҳокама қилиш учун таҳлилларга асосланган, ўқитиш тизими. «Кейс-стади» методи ўзига индивидуал, гуҳух ва коллектив ривожланиш ўз ичига олган, ривожланаётган ўқитиш технологиясини интеграциялайди, бу эса ўқитилаётганларни шахсий сифатларини шакллантиради.

«Кейс-стади» методи деганда ўқитишнинг актив методи тушунилади, бунда ўқувчилар гуруҳида вазифани муҳокама қилишни ўқитувчи томонидан ташкиллаштиришига асосланади, бу вазифа ўзида маълум ёки номаълум аниқ бир вазиятни ифодалайди.

Кейсни муҳокама ва анализ қилишда «ақлий хужум» номини олган ғоялар ишлаб чиқиш методи муҳим ўрин эгаллайди. Ўқитиш жараёнида «ақлий хужум» методи иштирокчиларнинг ижодий фаоллигини ривожлантиришда муҳим ўрин эгаллайди. «Ақлий хужум» 3 босқични ўз ичига олади.

Биринчи босқич психологик тинч ҳолатга кириш, одатий ҳолатни, кулгили ва омадсиз кўринишдан кўрқишни рад этишни ўзида акс эттиради; бунга қулай психологик шароит ва ўзаро ишончни яратиш орқали эришилади, фикрлар ўз муаллифлигини йўқатганида, умумийга айланади. Бу босқичнинг асосий вазиваси – тинчлантириш ва эркин ҳолатга ўтиш.



Иккинчи босқич – бу хужумни ўзи; бу босқичнинг вазифаси – фикрлар оқими, кўчкисини хосил қилиш; бу босқичда “ақлий хужум” қайидаги принциплар асосида амалга оширилади:

- фикр бўлса – гапираман, фикр бўлмаса – жим ўтирмайман;
- исталган фикр рағбатлантирилади, қанчалик кутилмаган фикр бўлса, шунча яхши;
- таклиф қилинган фикрлар иложи борича кўп бўлиши керак;
- билдирлган хамфикрларни исталганча бирлаштириш, ўзгартириш ва яхшилашга рухсат этилади;
- танқид қилинмайди, исталган фикрни, ёмон деб тан олишларидан кўркмасдан билдириш мумкин, танқид қилувчиларга сўз берилмайди;
- иштирокчиларнинг ижтимоий ҳолатининг ҳеч қандай ахамияти бўлмайди, бу абсолют демократия ва бир вақтнинг ўзида фикрлар авторитаризмидир;
- барча фикрлар - фикрлар рўйхати баённомасига ёзиб борилади;
- сўзлаш вақти – 1-2 дақиқадан ошмайди.

Учинчи босқич қуйидаги қоидалар бўйича, муаммони конструктив ечимини топиш учун фикрларни ижодий таҳлил қилишни ўзида акс эттиради:

- барча фикрларни ҳеч бирини камситишсиз таҳлил қилиш;
- фикрга тизимдан мос жой топиш ва фикрга мос тизим топиш;
- моҳиятни керак бўлмаганда оширмаслик;
- олинган натижанинг гўзаллик ва нафислиги бузилмаслиги лозим;
- мутлақо янги қараш бўлиши керак («ахлатдаги дур»).

### **“Кейс-стади” методи бўйича вазифа.**

**Мавзу:** “Case-study – педогог фаолиятининг замонавий қуроли”

**Мақсад:** Кейс методини қўллаш орқали педогогнинг профессионал маҳоратини такомиллаштириш заруратига ишонтиришни долзарблаштиришга шароит яратиш.

**Вазифалар:** 1. Кейс-стади интерактив методини педагогнинг профессионал маҳоратини такомиллаштиришдаги ахамиятини аниқлаш.

2. Ўрганилаётган методни ўзига хослиги ва уни профессионал ўқитишни ташкиллаштириш шартларини аниқлаш.
3. Педагогик фаолиятга кейс-стадини киритиш жараёнини моделлаштириш.

#### ***Ўқитишнинг самарадорлиги:***

- иштирокчилар кейс методининг ўз фаолиятини такомиллаштириш учун интерактив таъсири ҳақида фикрга эга бўлишади;
- кузатув, тажриба, ўйлаш ёки фикрлардан олинган маълумотни тушуниш, баҳолаш, таҳлил ва синтез қилишга танқидий ёндашадилар, бу кейинги ҳаракатларга асос бўлиб хизмат қилади.

#### ***Муваффақият меъзонлари:***

- педагогик маҳоратни оширишнинг заруратини тушуниш;
- бошқариш стратегиясини ислоҳ қилиш зарурлигида ўзига ишончли шакллантириш;
- профессионал маҳоратни ошириш доирасида кейс методи ҳақидаги маълумотга эга бўлиш;
- амалиётда ўқув жараёнини бошқарувида ушбу интерактив методни қўллашнинг муҳимлигини исботлай олиш;
- ўқув-методик фаолиятни замонавий асбоби (инструмент) кейс-стади орқали режалаштириш қобилияти.

***Асосий зоя:*** Case-studyинтерактив методининг моҳияти. Педагогнинг ўзини такомиллаштириши услубий ҳамкорликни самарадорлигини оширишга имкон беради.

***Ресурслар, материаллар ва ускуналар :***Флипчарт, маркерлар, стикерлар, қоғоз варақлар, проектор ва “Кейс-стади – интерактив ҳамкорлик технологияси” мавзусида тақдимот.

#### **І-Босқич. Муаммога шўнғиш**

#### **Саломлашиш. Визуаллаштириш**

Хурматли ҳамкасблар!

Келинглр ўзимизни таништирамиз ва танишиб оламиз.

Ташриф қоғози сифатида рангли қоғозлар ишлатиш таклиф қилинади.  
Ташриф қоғозига ўз исмингизни ёзиб фличартга ёпиштиринг. (рангли  
қоғозлар кейинги ротация учун керак)

Муаммони актуаллаштириш.

*“Қора қути”*

Ҳурматли ҳамкасблар!

Сизни қаршингизда машхур қора қути. Нима деб ўйлайсиз?: қора қути билан  
қандай савол хамрохлик қилади? (иштирокчилар жавоблари)

*Тахминий жавоб:* Қора қутида нима бор?

- Бу одатий жавоб, лекин биз бошқа йўлдан борамиз.

- Айтингчи қора қутини нима билан боғласа бўлади?

- Одамни қора қути билан боғласа бўладими? Нима учун?

*Тахминий жавоб:* инсонни фикрлаш жараёни шундай тузилганки, инсон  
миясида қандай фикр, ғоялар борлигини ҳеч ким билмайди. Бу ҳам аслида қора  
қути: ўзининг топишмоқлари бор, олдиндан айтиб бўлмайди, ўзига хос.

Биз уни фақат тадқиқ қилишимиз мумкин: ушлаб кўриб, эшитиб, оғирлигини...

- Агар таълим ва педагогнинг фаолиятига бевосита эътибор қаратиладиган  
бўлса, ўзаро таъсир жараёнини кўр-кўрона бошқаришга тўғри келишини аниқ  
кўриш мумкин...

*Хулоса:* Бизнинг педагог сифатида вазифамиз, ҳар бир ўқувчининг салоҳияти  
ва профессионал жамоадаги конструктив ҳамкорликка қизиқишини  
ўрганишдир.

Қора қути ва уни ичида нима борлиги тўғрисидаги саволга қайтишимиз, уни  
ичида нима борлигини билишимиз мумкинми? Уни очиб кўришимиз  
мумкинми?

Агар инсон тўғрисида гаплашсак, уни ўз фикрларини баён қилишига  
кўндириш учун нима қилиш керак?

*Хулоса:* Ишонч – катта куч. Бунинг учун бошқа инсонлар каби ўз фикрларини  
баён қилиш учун манфаатдор бўлиши керак: маънавий, жисмоний, ва моддий.

Биз ўз иш тизимимизни шундай қуришимиз керакки, бунда ҳар бир педагог ўз фаолиятини тақдимотидан манфаатдор бўлиши керак. Бунга эришиш учун ҳозирги тез ўзгараётган замонда доимий ўз устимизда ишлашимиз лозим.

*Муҳокама қилиш учун саволлар.*

- Бунинг учун нима қилиш керак? Иш тизимини қандай яратиш керак?

- Аввало, стереотиплардан қутулиш керак, фаолиятни янги шакл, метод ва усуллар билан инновацион режимда режалаштириш керак.

Сизларга ўқув-методик фаолиятнинг бир йўналишини кўриб чиқишни таклиф қиламан.

*Иш тизими тақдимоти.*

Биз шартли равишда иш шакллари 3 гуруҳга бўлди:

Анъанавий (олдиндан белгиланган)

Инновацион (замонавий шакллар, фаолиятнинг замонавий қуроли сифатида кенг фойдаланилади)

Тахрирланган (шакллантирилган) (бу гуруҳга кенг қўлланилмайдиган шаклларни киритдик)

Келинг методик фаолиятнинг ёрқин шаклларидан бўлган – Кейс-стади методига тўхталамиз. Лекин, тақдимотга ўтишдан аввал муаммоли савол берамиз:

- Баъзида ноҳуш воқеалар содир бўлади: тестлар ва нормативлар вақтида топширилмайди, вазифалар нотўғри бажарилади, ишда қатнашишдан бош тортилади, лойихаларни амалга оширишда панд беради... ва х.к. Ва ҳар доим баҳона топилади. Айбдор ўз қадрини туширмаган ҳолда ўз айбини тан олиши учун нима қилиш керак?

*Тахминий жавоб:* унда ҳамдардлик билдира оладиган вазиятга сунъий равишда тушириш керак.

*Хулоса.* Кейс технологиясининг моҳияти айнан шунга асосланади.

## 1-CASE

Бу case стади усулида кўзланган мақсад – ДНК ва РНКнинг хужайрадаги роли ўрганиш.

Генлар транскрипцияси РНК ҳосил бўлишига олиб келади. РНК нинг ҳамма турлари ядрога синтезланади. ДНК матрициасида кечадиган ҳамма синтезлар ДНК да ёзилган ахборотга мувофиқ амалга ошади. РНК нинг барча турлари тРНК, рРНК ва мРНК синтезланишида, асосларнинг комплементар бўлиши принципига биноан, ДНК асосларининг тартиби РНК асослари тартибини белгилайди.

Полинуклеотид занжир фақат рибозонуклеотид трифосфатлардан синтезланади ва бу жараёнда аорганик пирофосфат молкулалари ажралиб чиқади. РНК синтези бир неча босқичда: а) инициация (бошланғич), в) полимеразация ва з) терминация (тугаш).

**ДНК репликацияси.** ДНК биосинтези-генлар репликацияси, яъни организм белгиларининг юзага чиқишидир. Гетерополимер бўлган информацион макромолекулалар генетик информацияни ўзининг бирламчи структураларида сақлайди ва ташийди. ДНК молекуласида нуклеотидлар изчил жойлашган бу информация репликация ҳам транскрипцияда амалга ошади. Генетик информациянинг реализация қилиниши ДНК

Молекуласида нуклеотидлар тартиби шаклида ёзилган буйруқ (кўрсатма)ни оқсил молекуласи синтезида аминокислоталар тартибга айлантиришдан иборат. Информация оқими қуйидаги йўналишда кечади:

ДНК → РНК → оқсил → хужайра → организм

Ҳозирги замон биологиясининг асосий постулати ДНК РНК ни яратади, РНК оқсилни. ДНК нинг ўзи информация хазинаси, у оқсил синтезида бевосита иштирок этмайди. ДНК фақат хужайра циклида, бола хужайралар пайдо бўлишидагина иккита занжирга ажралади ва бунда ҳар бир занжир мувофиқ етишмаган комплементлар занжир синтезланиб, битта ДНК молекуласидан иккита молекула яратилади. Бу фундаментал жараён хужайралар бўлиниши, белгиларнинг наслдан-наслга ўзгармай ўтиш асосида бўлиб, репликация, нусха олиш деб аталади. Ирсий информация амалга

ошишининг иккинчи босқичи оқсил синтезини бошқарадиган уч хил РНК молекулаларини синтез қилишидир. Бу жараён транскрипция (кўчириб ёзиш) дейилади. Молекуляр биологиянинг “марказий догма”си

ДНК → ДНК → РНК → оқсил принципига мувофиқ, информация оқсилга ўтар экан, унинг орқага қайтмаслиги қайд қилинади

**Ген муҳандислиги ферментлари.** Ген муҳандислиги ферментлари ДНК молекулалари билан турли хил муолажаларни ўтказишга ёрдам бериб, уларни тегишли жойидан қирқиш, турли хил бўлақларини улаш, табиатда мавжуд бўлмаган янги хилдаги кетма-кетликларни синтез қилишда қўлланилади. куйида ген муҳандислигида фойдаланиладиган асосий ферментларни кўриб чиқамиз.

**ДНК полимеразалар.** Ген муҳандислигида кенг қўлланиладиган ферментлардан бири Есолі нинг Т4 фагидан ажратиб олинган ДНК полимераза I ҳисобланади. ДНК полимераза I комплементар нуклетидларни бириктириш йўли билан ДНК занжирининг 5' -3' йўналишида узайтириш хусусиятига эга. ДНК полимеразанинг бу хусусияти ген муҳандислигида иккинчи комплементар занжирни ҳосил қилиш: бир занжирли матрица –ДНК сига қўшилганда праймер иштирокида икки хисса ортишида кузатилади. Бу хусусият қДНК-библиотекаларини тузишда қўлланилади. ДНК полимераза ДНК занжиридаги “бўшлиқ” ларни тўлдиришда ҳам фойдаланилади, масалан, 5'- учли бўлақларни тегишли тартибда уланишида ҳам иштирок этади. ДНК полимеразанинг экзонуклеаза фаоллигидан ДНК бўлагига радиоактив нишон киритишда қўлланилади.

Баъзи вируслардан РНК га боғлиқ ДНК полимераза, яъни тескари транскриптаза ёки *ревертаза* деб номланувчи махсус ДНК полимераза ажратиб олинган. Ревертазалар ДНК нинг комплементар занжирини матрица РНК сида ҳам синтезлай олади. Ревертатазалар ёрдамида қДНК-мРНК нинг ДНК нусхаларини олиш мумкин. қДНК генларининг тузилишини ўрганиш бу генларнинг геномдаги тўлиқ нусхаларини аниқлаш имконини беради.

Ҳар бир тирик организмда нуклеин кислоталарнинг ҳар икки тури-рибонуклеин кислота (РНК) ва дезоксирибонуклеин кислота (ДНК) мавжуд. Фақат вируслар буларнинг бир турини, ё ДНК, ёки РНК ни тутати. Нуклеин кислоталар оксиллар билан бирга ҳаётнинг моддий асосини ташкил қилади. Улар бир-бири билан ҳар томонлама узвий боғлиқ, аммо уларнинг ҳужайрадаги ўрни ва функцияси тубдан фарқ қилади: оксиллар ассосан қурилиш ва ҳужайранинг ишчи органлари материали, нуклеин кислота эса информацион материал, у организмнинг тузилиши, ўсиши, ривожланишига тегишли ахборотнинг сақланиши, такрорланиши, алмашинуви ва наслдан-наслга ўтишини таъминлайди

1. РНК ирсий ахборотни ўзида ташиши мумкинми? Агар мумкин бу жараён қандай амалга ошади?

2. Ҳужайрада ДНК синтези амалга ошадими, Агар синтезланса қандай қандай амалга ошади?.

3. Рестриктаза ферменти нуклеин кислоталарни кесадими? Агар кесса бу қандай амалга оширилади?

4. ДНК билан РНКнинг фарқи нимада? Фарқини кўрсатинг

## 2-CASE

Бу case стади усулида кўзланган мақсад –Генетиккод, генмуҳандислигимоддийасосларихақида маълумот беришдир.


4 хил нуклеозидтрифосфат (dATФ, dГТФ, dТТФ, dЦТФ) бўлиши шарт. Бирорта нуклеозидтрифосфат этишмаса реакция бормайди. Дифосфатлар ёки монофосфатлар иштирокида ДНК синтези реакцияси амалга ошмайди.

2. Бу реакция, албатта оз миқдорда тайёр ҳолдаги намуна (затравка) иштирок этишни талаб қилади. Бу реакцияда ДНК «нусха» вазифасини бажаради. Янги синтезланаётган ДНК таркибидаги нуклеотидларнинг кетма-кет жойлашиши –нусха ДНК томонидан белгиланади. ДНК синтезида ионлар ҳам иштирок этади. Намуна билан матрица занжирининг йўналиши антипараллелдир.

Навбатдаги, нуклеотид ДНК-полимераза учун субстратдир, реакцияга юқори энергетик активланган формада киришади. Полимеризация намунанинг 3' - томонидан ўсиб боради, яъни синтез 3' 5' йўналишда боради. 3' – ОН – группаси навбатдаги дезоксирибонуклеозид трифосфатнинг комплементар бўлгандаги – фосфат билан реакцияга киришиб, трифосфатни ҳосил қилади. Трифосфатни ҳужайрадаги трифосфатаза ферменти парчалаб юборади.

Шундай қилиб, ДНК – полимераз ферменти иштирокида, намуна матрицага антипараллел ҳолатда ўсиб боради ва маълум вақтдан сўнг кўш спирали структура ҳосил қилади.

### ДНКнинг матрицали синтези



Эукариот ҳужайраларда ДНК – полимеразаларни 3 та типии маълум:  $\alpha$ ,  $\beta$ ,  $\gamma$ . Ҳужайрадаги ДНКнинг репликацияси асосан полимераз -  $\alpha$  иштирокида боради, репарация – полимераз –  $\beta$ , митохондрияда ДНКнинг репликацияси полимераз –  $\gamma$  иштирокида боради.

**Генетик код универсалдир.** Ҳамма организмларда-эукариотларда, прокариотларда ва вирусларда ҳам барча кодонлар учун бирдай белгилардан фойдаланилади. Бинобарин, генетик код дунёда ҳаёт пайдо бўлгандан бери



Ўзгармай ҳукмронлик қилмоқда. Бунга 3 млрд йил бўлди. Аммо энг кейинги йилларда бу догмага бир оз ўзгартириш киритишга тўғри келди. Митохондрияларнинг генетик системаси маълум биологик кодга тўла тўғри келмади. Унинг ДНКси (15669 нуклеотид) нинг айрим генлари нуклеотид тартиби полипептидларнинг аминокислота тартиби билан солиштирилганда коддан четлашишлар мавжуд эканлиги аниқланди. Лекин бу ажойиб феноменнинг келиб чиқиши ва маъноси ҳали тушунилгани йўқ.

Жадвалдан кўришиб турибдики, бир хил аминокислоталарни ифодаловчи триплетлар бир-бирига ўхшаш бўлади. Масалан: валин аминокислотасини ифодаловчи триплетларнинг барчаси ГУ диплети, Аланинни ифодаловчи триплетлар ГЦ диплети билан бошланган бўлади.

У ахборотни тўғри ўқишга хилофлик қилмайди, балки репликация ёки транскрипция жараёнида пайдо бўлиши мумкин бўлган хатоларни четлатишга ёрдам беради.

**Генетик код**  
Кодоннинг иккинчи нуклеотиди

	У	Ц	А	Г		
Кодоннинг биринчи нуклеотиди	У	УУУ } Фен УУЦ } УУА } Лей УУГ }	УЦУ } УЦЦ } Сер УЦА } УЦГ }	УАУ } Тир УАЦ } УАА } терминатор УАГ } терминатор	УГУ } УГЦ } Цис УГА } терминатор УГГ } Три	У Ц А Г
	Ц	ЦУУ } ЦУЦ } Лей ЦУА } ЦУГ }	ЦЦУ } ЦЦЦ } Про ЦЦА } ЦЦГ }	ЦАУ } ЦАЦ } Гис ЦАА } ЦАГ } Глу	ЦГУ } ЦГА } ЦГА } ЦГГ } Арг	У Ц А Г
	А	АУУ } АУЦ } Иле АУА } АУГ } Мет	АЦУ } АЦЦ } Тре АЦА } АЦГ }	ААУ } ААЦ } Асп ААА } ААГ } Лиз	АГУ } АГЦ } Сер АГА } АГГ } Арг	У Ц А Г
	Г	ГУУ } ГУЦ } Вал ГУА } ГУГ }	ГЦУ } ГЦЦ } Ала ГЦА } ГЦГ }	ГАУ } ГАЦ } Асп ГАА } ГАГ } Глу	ГГУ } ГГЦ } ГГА } ГГГ } Гли	У Ц А Г

Кодоннинг учинчи нуклеотиди

Генетик код универсалдир. Барча организмларда – эукариотлар, прокариотларда ва вирусларда ҳам барча кодонлар учун бирдай белгилардан

фойдаланилади. Барча кодон учта нуклеотиддан (триплетдан) иборат. Ёнма-ён турган кодонлар бир-бирини қопламайди, яъни биринчи кодоннинг охириги нуклеотида ундан кейинги кодоннинг бошланғич нуклеотида бўла олмайди. Информация маълум нуқтадан бошланади.

Бир хил аминокислоталарни ифодаловчи триплетлар бир-бирига ўхшайди. Аминокислоталар коди луғатида, кодирланаётган оксил информацияси и-РНКда ёзилган булади.

Кодонлар 5' → 3' йўналишда ўқилади.

Кодонлардаги учинчи азот асос, биринчи ва иккинчи азот асосларига караганда камроқ спецификликка эгадир. Метионин аминокислотасини ифодаловчи кодон 1 та бўлиб, иницирловчи кодондир. Аҳамият бериб қаралса, метионин ва триптофандан ташқари карийб ҳамма аминокислоталар биттадан ортиқ кодонларда ифодаланади.

ДНКдаги аминокислоталар коди шундай ёзилганки, у и-РНКдаги код сўзларига комплементар бўлиб антипаралел ҳолатдир, яъни Т қолдиғига А қолдиғи комплементардир ва А қолдиғининг ҳолати У қолдиғига комплементардир.

Масалан: Метионин учун: иРНК ва ДНК кодонлар куйидаги ҳолатда кўринади:

иРНК(5) АУГ(3)

ДНК (3) ТАЦ

Одатда кодонлар ва антикодонлар 5 — > 3, чапдан ўнгга қараб ёзилади.

**Плазмидлар** Бактерия ва тубан эукариот организмлар хужайраларида асосий хромосомадан ташқари, кичик ўлчамга эга бўлган халқасимон ёки чизиксимон структурага эга бўлган қўшимча хромасомалар мавжуддир бу мини-хромасомалар плазмидлар деб аталади. Плазмид ДНКаси кўпи билан 3-10 тагача генларни ўзида сақлайди. Бу генлар, асосан антибиотик ёки захарли токсинларни парчаловчи ферментларни синтезига жавобгардир. Шу туфайли плазмидлар бактерия, ачитки ва замбуруғларнинг антибиотик ва захарли токсинларга чидамлилигини таъминлайди.

Плазмиднинг антибиотик парчаловчи генлари бир плазмиддан иккинчисига транспозонлар билан бириккан ҳолатда ҳам кўчиб ўта олади. Бу молекуляр жараён касал чақирувчи микробларнинг антибиотикларга чидамлилигини нихоятда оширади. Плазмидалар ўз хусусиятига кўра иккига бўлинади. Биринчиси транспозон ёки бактериофаг ирсий молекуласи каби хужайра асосий хромосомасининг махсус ДНК изчиллигини кесиб, рекомбинация бўла оладиган плазмидлар. Бундай рекомбинацияланувчи плазмидлар трансмиссибл, яъни наслдан-наслга ўтувчи плазмидлар деб аталади. Трансмиссибл плазмид асосий хромосомага бириккандан кейин ўз мустақиллигини йўқотади. Асосий хромосомадан мустақил равишда ўз-ўзини репликация қила олмайди. Айни пайтда бундай плазмидларда жойлашаган генлар асосий хромосомада ўз фаолиятини бажаради. Хужайра бўлинганда рекомбинацияланувчи плазмид генлари асосий хромосома генлари бириккан ҳолда наслдан-наслга берилади. Иккинчи тоифа плазмидлар автоном ҳолда репликацияланувчи плазмидлар деб аталади. Бундай плазмидлар асосий хромосомага бирика олмайди, асосий хромосомалардан мустақил равишда ўз-ўзини репликация йўли билан ўнлаб ва ҳатто юзлаб марта кўпайтира олади. Автоном плазмидлар бактерия ёки замбуруғ бўлинганда қиз хужайралар орасида тасодифий равишда тақсимланади. Шу билан бирга автоном плазмид бир хужайрадан иккинчисига хужайра қобиғи ва мембранасининг тешикларидан ўта олади.

Ген инженерлигининг пойдевори — *рекомбинат ДНКлар технологияси* — генетик структураларни бирга кўчиш техникаси — молекуляр биологиянинг энг муҳим ютуқларидандир. Бу технологиядан фойдаланиб, зарур маҳсулот (оқсил) ни кодирлайдиган ДНК молекуласипиіг кичик бир қисми — генни кесиб олиш, унинг ёт ген билан комбинациясини яратиш, сўнгра бу янги геномни муносиб хужайраларга киритиб хўжайин-хужай ра ДНК сининг синтез механизми ёрдамида кўп марталаб кў- пайтириш мумкин.

1. ДНК полимераза реакцияларни катализлайдими? Унинг қандай хусусиятлари бор?

2. Генетик код универсалми? Агар универсал бўлса сабабаларини кўрсатинг.

3. Плазмидаларни ген мухандислигида қўллаш мумкинми? Мумкин бўлса қандай қўллаш мумкин?

4. Турли организмлар ДНКсини бирлаштириш мумкинми? Мумкин бўлса қандай

ДНК-полимераза иштирокида катализланадиган реакция бир қанча ўзига хос хусусиятларга эга:

Реакция нуклеозидтрифосфатлар иштирокида боради.

### 3-CASE

Бу case стади усулида кўзланган мақсад – гкнларни клонлаш учун фойдаланиладиган векторлар, ферментларнинг рекомбинант ДНК олишдаги ролини ўрганиш.

Бегона ДНКнинг репликацияси, экспрессияси ва трансформациясини (бошқа организмга кўчишини) таъминловчи ДНК молекуласи *вектор* деб аталади. Вектор ҳужайрага қўшимча ирсий ахборот киритилишини амалга оширади. Вектор сифатида плазмидалар, бактериофаглар, мобил элементлар ва ҳайвонларнинг вирусларидан фойдаланиш мумкин. Ҳозирги вақтда жуда кўп векторлар яратилган бўлиб, уларни бир нечта типга бўлиш мумкин:

1. Клонлаш учун векторлар. Бундай векторларга бириктирилган ДНК фрагментларни репликациялаш орқали сонинини (амплификацияси) кўпайтириш учун фойдаланилади. Бундай мақсадлар учун бактерия плазмидалари ва фаглар қўлланилади. Геномнинг катта ўлчамдаги фрагментларини клонлаш учун эса бактерия ва ачитқи хромосомалари асосида яратилган (ВАС ва ЯС) сунъий векторларидан фойдаланилади.

2. Экспрессион векторлар. Улардан генларнинг муайян кетма-кетлиги аниқлаш ва уларнинг оқсил маҳсулотларини таҳлил қилиш, муайян оқсилни ишлаб чиқишда фойдаланилади. Кўп сонли экспрессион тизимлар, айниқса прокариот организмлар учун мавжуд. Шунингдек сут


эмизувчилар, ўсимликлар ва ачитқилар ҳужайраларида генлар экспрессиясини амалга оширувчи векторлар ҳам яратилган.

3. Трансформация учун векторлар. Реципиент геномига бегона ДНК фрагментларини киритиш учун фойдаланилади. Бундай векторлар одатда геномга интеграцияланишига ёрдам берувчи махсус изчилликлар тутади. Замонавий вектор тизимлар полифункционал бўлиб, бир нечта функцияни битта векторга жамлайди. Биринчи табиий векторлар бактериялардан ажратилган бўлиб, кўпчилиги тажриба мақсадидан келиб чиққан холда (экспрессион векторлар, клонлаш учун векторлар, трансформация учун векторлар) ген муҳандислиги усуллари ёрдамида қайта яратилган.

Вектор молекулаларнинг таркибида маркер ген бўлиши, бу ген ҳужайрада вектор иштирок этаётгани хақида маълум қилувчи фенотип бериши яъни вектор селектив ирсий белгига эга бўлиши керак. Кўпинча селектив белги сифатида табиатда кенг тарқалган антибиотикка чидамлилик генидан фойдаланилади.

Бактерия ҳужайрасида хромосома ДНКсидан ташқари, кўп нусхада халқасимон ДНК молекулалари ҳам мавжуд. (1-25 м.н.ж.). Бундай халқасимон молекулалар *плазмидалар* деб аталади. Баъзи плазмидалар таркибида антибиотикга чидамлилик генларини тутади.

Плазмидалардан вектор сифатида биринчи марта 1973 йилда П.Берг лабораториясида фойдаланилган. Тажрибалар унча катта бўлмаган (~9 м.н.ж.), тетрациклинга чидамлилик гени тутувчи *E. coli* плазмидаси pSC 101 да олиб борилган.



ДНК фрагмент-ларини плазмидалар ёрдамида клонлаш бўйича тажриба схемаси.

*1-Бириктирилаётган гетеро-логик ДНК; 2-антибиотикка чидамлилиқ бўйича маркер; 3-ДНКнинг рекомбинант молекуласи; 4-Рекомбинант ДНКни бактерия ҳужайрасига киритиш.*


Плазмидда таркибида фақат бир дона EcoPI рестриктаза ферменти таниб кесадиган сайт (махсус нуклеотидлар изчиллиги) бўлганлиги сабабли, фермент плазмиданинг халқасимон кўш занжирини фақат бир жойидан кесиб «ёпишқоқ» учли очик халқа ҳолатига ўтказди.

Плазмидда pSC 101нинг ДНКси ичак таёқчаси учун бегона ДНКнинг EcoPI–фрагментлари билан аралаштирилади. ДНК-лигаза ферментлари ёрдамида бегона ДНК фрагментлари ва pSC 101 плазмидда ягона рекомбинант молекулага бирлаштирилади. Сўнгра бу рекомбинант плазмидани E. coliнинг компитент ҳужайраларига қўшилганда у бактерия ҳужайрасига киради. Рекомбинант плазмидани тутувчи ҳужайралар тетрациклинли селектив муҳитда ажратилади.

**ДНК лигаза** кўшни нуклеотидлар орасидаги фосфодиэфир боғларини тиклаш орқали ДНК бўлақларини боғлаш каби битта асосий вазифани бажаради. Бу жараён лигирлаш деб аталади. Ген муҳандислигида кўпинча лигирлаш учун T4 фагининг ДНК-лигазасидан фойдаланилади. T4 лигаза

ёрдамида ДНК нинг ҳар қандай бўлаги “ёпишқоқ учли” ёки “тўмтоқ учли” қисмлари бириктирилади. Бу энг кўп қўлланиладиган ферментлардан биридир.

**ДНК таҳлилининг блот-дурагайлаш усули** нафақат кДНК ва геном библиотекалари скринингида, шунингдек геном ДНКсини таҳлил қилишда ҳам фойдаланилади. Шу усул ёрдамида геномда муайян ДНК изчиллиги иштирокини аниқлаш мумкин (масалан, трансген ўсимликлар геномида бегона ген иштироки, ген нусхаларининг кўпайиши, геннинг нуклеотид изчиллигидаги ўзгаришларни таҳлил қилиш мумкин). Блот-дурагайлаш усули билан ДНКни таҳлил қилиш муайян ДНК фрагментларининг уларни специфик нишонланган зондлар билан дурагайлаш йўли орқали аниқлашга асосланган. У қуйидаги босқичлардан иборат: 1) ДНК рестрикцияси; 2) рестрикцияланган ДНК фрагментларини гелдан нейлон филтрга кўчириш ва уларни иммобилизациялаш; 3) нишонланган зонд билан дурагайлаш.



Саузерн бўйича блот-дурагайлаш усули принципи.

Юқори молекуляр хромосома ДНКси битта ёки бир нечта рестриктазалар

билан кесилади. Хосил бўлган фрагментлар агарозали гелда электрофорез қилиш орқали ажратилади ва олдиндан денатурацияланган (0,4 М NaOH) гелнинг устига нейлон филтр, унинг устидан филтр қоғозлар қўйилади. Капилляр кучлар таъсирида ДНК фрагментлари перпендикуляр равишда филтрга ўтиб, у билан боғланади (иммобилизацияланади). Бундай кўчириш блоттинг (blot –сўриш) деб аталади. Бунда филтлда гелнинг репликаси хосил бўлади. Сўнг филтр радиоактив нишонланган бир занжирли зонд солинган эритмага жойлаштирилганда филтрга бириккан хромосома ДНКси фрагментлари билан қўшилиб дурагайланади. Зонд фақат ўзига гомологик ДНК изчиллиги тутувчи фрагментлар билан дурагайланади. Нишон билан боғланган фрагментлар радиоавтография орқали аниқланади. Саузерн (Southern blotting) бўйича блот-дурагайлашнинг схемаси берилган.

Радиоавтографияда хосил бўлган чизиқчалар орқали геномда таҳлил қилинаётган фрагментлар мавжудлигини, бу изчилликлардаги ўзгаришларни (делеция, инсерция), чизиқчаларнинг оч ёки тўқ ранги орқали геннинг геномдаги нусхалари сонини аниқлаш мумкин. Демак, бу усул бутун геном ва алоҳида генларни таҳлил қилиш учун ҳам қўлланилади.

## **VIII. ГЛОССАРИЙ**



<b>ТЕРМИНЛАР</b>	<b>УЗБЕКЧА</b>	<b>Терминлар</b>	<b>ИНГЛИЗЧА</b>
<b>Антигенлар-</b>	иммун тизимда антителалар ҳосил бўлишини индуцирловчи, антитела пайдо бўлишига таъсир этувчи специфик ҳамкорлик қилувчи оқсиллар.	<b>Antigens</b>	specific proteins that induce and influence the formation of antibodies in the immune system
<b>Адсорбция</b>	қаттиқ бирикма – адсорбент билан суюқлик ёки газ компонентларнинг ютилиш жараёнидир	<b>Adsorption</b>	Absorption process liquid and gas components into a solid compound - adsorbent
<b>Генотип-</b>	асос генларининг тўплами. Ирсий асос– организмларнинг генетик (ирсий) конституциясининг ва унинг барча генларининг мажмуи.	<b>Genotype</b>	The genotype is the part (DNA sequence) of the genetic make up of a cell, and therefore of an organism or individual, which determines a specific characteristic (phenotype) of that cell/organism/ individual.
<b>Генофонд-</b>	организм турлари ёки популяциясидаги ҳар хил генлар турларининг сони ва тарихи.	<b>The gene pool</b>	The gene pool is the set of all genes, or genetic information, in any population, usually of a particular species.

<b>Гетерозис –</b>	бир-биридан қатор хусусиятлар ва белгилари билан фарқланувчи бошланғич шаклларни чатиштириш натижасида пайдо бўлган биринчи авлод дурагайларининг яшаш қобилиятининг ошиши.	<b>Heterosis</b>	Heterosis, hybrid vigor, or outbreeding enhancement, is the improved or increased function of any biological quality in a hybrid offspring. The adjective derived from heterosis is heterotic.
<b>Гибрид-</b>	дурагай-генетик жиҳатдан ҳар хил бўлган турларни чатиштириш натижасида ҳосил бўлган гетерозигота жинси. Ота-она ирсий белгиларини ўзида мужассамлаштирган организм.	<b>Hybrid</b>	In biology a hybrid, also known as cross breed, is the result of mixing, through sexual reproduction, two animals or plants of different breeds, varieties, species or genera.[1] Using genetic terminology, it may be defined as follows.
<b>Гиногенез –</b>	муртак халтаси хужайраларидан ўсимлик пайдо бўлиш жараёни.	<b>Gynogenesis</b>	Offspring are produced by the same mechanism as in parthenogenesis, but with the requirement that the egg merely be stimulated by the presence of s

			perm in order to develop.
<b>Гифлар-</b>	ипчалар-замбуруғ танасини ташкил этувчи бир ёки бир неча хужайрадан ҳосил бўлган, микроскопда аранг кўриш мумкин бўлган иплар.	<b>Gifral</b>	<b>A threads – of molds</b>
<b>Гормон рецептор комплекс-</b>	гормон ва оқсил рецепторининг бирикиши, гормон таъсири амалга ошишининг биринчи босқичи.	<b>Hormone receptor complex</b>	Connect hormone and protein receptors, the first degree of the influence of the hormone
<b>Гормон статуси</b>	– онтогенезда ўсимлик ва ҳайвон гормон тизимининг умумий ҳолати,	<b>Hormone status</b>	The general condition of the animal and plant structure in ontogenesis
<b>Деструкция –</b>	моддаларнинг парчаланиш орқали физиологик фаоллигини йўқотиши.	<b>Destruction</b>	Loss of physical activity by splitting substances
<b>Дидифференция -</b>	ихтисослашган, бўлинмайдиган хужайраларнинг дифференцияланмасдан бўлинаётган каллус хужайраларига айланиш.	<b>Differ</b>	
<b>Диплоид –</b>	мазкур турга хос сонларни кўрсатувчи гомологик хромосомаларнинг иккита тўплами билан характерланувчи	<b>Diploid</b>	Diploid cells have two homologous copies of each chromosome, usually one from the mother and

	ядро, хужайра ва организм.		one from the father.
<b>Дифференциял аш –</b>	асосий ва янги ҳосил бўлган хужайралар орасида, шунингдек янги ҳосил бўлган хужайралар орасида фарқ юзага келтирувчи жараёнлар комплекси.		
<b>ДНК –</b>	дезоксирибонуклеин кислоталар молекуласи, нуклеотидлар (аденин, гуанин, цитозин, тимин), дезоксирибоза ва фосфор кислота қолдиқларидан ташкил топган.	<b>DNA</b>	Deoxyribonucleic acid is a molecule that carries most of the genetic instructions used in the development, functioning and reproduction of all known living organisms and many viruses.
<b>ДНК репликацияси –</b>	ферментлар тўплами (ДНК полимераза, лигаза ва бошқалар) ёрдамида ДНК нусхасини ҳосил қилиш орқали унинг молекулаларини иккиланиши (икки марта кўпайиши).	<b>DNA replication</b>	Cell division is essential for an organism to grow, but, when a cell divides, it must replicate the DNA in its genome so that the two daughter cells have the same genetic information as their parent.
<b>Ёпиқ тизим –</b>	ташқи муҳит билан фақат энергия орқали алмашинувчи тизим.	<b>Closed system</b>	A closed system is a physical system that does not allow certain

			types of transfers (such as transfer of mass) in or out of the system.
<b>Ёпишқок учлар</b> -	комплементлар ҳолдаги ДНК молекуласининг битта ипли учи бўлиб, эндонуклеазалар ёрдамида кесиб олинади.	<b>sticky ends</b>	DNA end or sticky end refers to the properties of the end of a molecule of DNA or a recombinant DNA molecule.
<b>Идентификация</b> -	айнан ўхшатиш, тенглаштириш-модда ёки микроорганизмлар тури ва хилларини аниқлашга қаратилган тадқиқотлар тури.	<b>Identification</b>	Identification in biology is the process of assigning a pre-existing taxonomic name to an individual organism.
<b>Иммобилизация</b> (тўплаш) –	мембраналарда хужайра, ферментларни тўплашда фойдаланиладиган физик ва кимёвий жараён.	<b>immobilization</b>	An immobilized enzyme is an enzyme that is attached to an inert, insoluble material such as calcium alginate
<b>Ингибитор-</b>	тўхтатувчи-ферментлар, фаоллигини тўхтатувчи табиий ёки синтетик модда (сунъий олинган).	<b>Inhibitor</b>	Enzyme inhibitor, a substance that binds to an enzyme and decreases the enzyme's activity
<b>Индуктор-</b>	нофаол ҳолатга ўтказадиган паст молекулали модда.	<b>Inductor</b>	inactive state of low molecular weight substances.

<b>Индукция-</b>	фермент синтези, фаглар ривожланиши ва мутацияга ўхшаган биологик жараёнини ҳаракатга тушириш.	<b>Induction</b>	Enzyme induction is a process in which a molecule induces the expression of an enzyme.
<b>Инициация-</b>	молекуляр биологиядаги трансляция жараёнининг биринчи босқичи.	<b>Initiation</b>	The initial stage of the translation process in molecular biology
<b>Инкубация-</b>	ўстириш-маълум шароитда, ҳароратда микробларни ушлаб туриш, ўстириш.	<b>Incubation</b>	Cultivation. microbial exposure at a specific temperature
<b>Инокулят-</b>	кўпайтириш усули-тирик организмлар, масалан, микроорганизмлар суспензияси озуқа муҳитга ўтказилгандан кейин янги авлод беради.	<b>The inoculum</b>	method of reproduction of organisms, microorganisms
<b>Интрон –</b>	геннинг транскрипцияланаётган “сукунат сақловчи” процессинг жараёнида РНК молекулалари ажралиб чиқаётган ва кодонлар мавжуд бўлмаган қисми.	<b>Intron</b>	An intron is a nucleotide sequence within a gene that is removed by RNA splicing during maturation of the final RNA product.
<b>Иссиқлик шоки оқсиллари (ИШО) -</b>	ҳароратнинг нормадан ошишига организм томонидан ҳосил бўладиган оқсиллар.	<b>Thermal shock proteins</b>	
<b>Компетенция –</b>	ҳужайра, тўқима, орган ва	<b>Competence</b>	In microbiology, genetics, cell biol

	<p>организмнинг индуцирловчи таъсирларни қабул қилиши ва унга ривожланишини ўзгартириш орқали специфик таъсирланиш.</p>		<p>ogy, and molecular biology, competence is the ability of a cell to take up extracellular DNA from its environment.</p>
<p><b>Комплементар занжир –</b></p>	<p>РНК ва унга ҳамкорлик учун мос келадиган нуклеотидларни синтезлан учун фойдаланиладиган ДНК занжирларидан бири.</p>	<p><b>complementary chain</b></p>	<p>The two base-pair complementary chains of the DNA molecule allow for replication of the genetic instructions.</p>
<p><b>Катализ-</b></p>	<p>озонланган ҳаво таркибида иштирок этадиган кислороднинг оксидловчилик хусусиятини ошириш</p>	<p><b>Catalysis</b></p>	<p>Catalysis is the increase in the rate of a chemical reaction due to the participation of an additional substance called a catalyst</p>
<p><b>Лигаза-ДНК</b></p>	<p>занжиридаги узилган қисмни фосфодиэфирбоғ ҳосил қилиш ёрдамида бирлаштирувчи фермент.</p>	<p><b>DNA ligase</b></p>	<p>DNA ligase is a specific type of enzyme, a ligase, that facilitates the joining of DNA strands together by catalyzing the formation of a phosphodiester bond.</p>
<p><b>Лигирлаш –</b></p>	<p>ДНКнинг бир занжирдаги узилиш орқали ажралган асослар орасидаги</p>	<p><b>Ligation</b></p>	<p>the covalent linking of two ends of DNA or RNA molecules,</p>

	фосфодиэфир боғларининг ҳосил бўлиши. Бу ибора тўмтоқ учларни бириктириш ҳолларида ва РНК боғлар ҳосил бўлишида ҳам қўлланилади.		most commonly done using DNA ligase, RNA ligase (ATP) or other enzymes.
<b>Лизис-</b>	эриб кетиш, парчаланиш-ферментлар, кислоталар ва ишқорлар таъсирида хужайраларнинг парчаланиши; бактерия хужайрасида бактериофагларнинг кўпайиши натижасида унинг эриб кетиши.	<b>Lysis</b>	Lysis refers to the breaking down of the membrane of a cell, often by viral, enzymic, or osmotic mechanisms that compromise its integrity.
<b>Маркер (ДНК)</b> –	электрофорез гелида фрагментлар ўлчамини аниқлашда фойдаланиладиган маълум ўлчамдаги ДНК фрагменти.	<b>Marker (DNA)</b>	Genetic marker, a DNA sequence with a known location associated with a particular gene or trait
<b>Маркер ген</b> –	жойлашган жойи аниқланган ва аниқ фенотипик кўринишга эга ген.	<b>Marker gene</b>	A marker gene is a gene used in nuclear biology and molecular biology to determine if a nucleic acid sequence has been successfully



			inserted into an organism's DNA .
<b>Матрица.</b>	1) маълум бир тана (шакл) бўлиб, унга қараб янги шаклнинг ҳосил бўлиши; 2) (молекулали биологияда) ДНК ва РНК ипларини комплементлар синтезланиши учун асос сифатида хизмат қиладиган ва нуклеин кислоталардаги азот асосларининг кетлиги.	<b>Matrix</b>	Matrix, the material or tissue between cells in which more specialized structures are embedded
<b>Метаболизм-</b>	оралиқ алмашиниш, яъни моддаларнинг хужайра ичига тушган вақтидан охирги маҳсулотлар ҳосил бўлгунга қадар айланиши; катаболизм ва анаболизм жараёни йиғиндиси; қоронғуликда кечадиган метаболизм-микроорганизмларнинг (қирмизи бактериялар Rhodospirillum) қоронғида аэроб ҳолда ўсиш хусусияти. Бу бактерияларда нафас олиш занжирининг керакли қисмлари	<b>Metabolism</b>	Metabolism is the set of life-sustaining chemical transformations within the cells of living organisms .

	борлигидан далолат беради.		
<b>Метаболитлар-</b>	метаболизм жараёнида ҳосил бўладиган моддалар.	<b>Metabolites</b>	Metabolites are the intermediates and products of metabolism.
<b>Микроорганизмлар уюшмаси-</b>	ҳар доим бирга учрайдиган ва бири бири билан боғлиқ ҳолда яшайдиган микроорганизмлар бирлашмаси.	<b>microbial colony</b>	A microbial colony is defined as a visible cluster of microorganisms growing on the surface of or within a solid medium, presumably cultured from a single cell.
<b>Микрофлора-</b>	ҳар хил турдаги микроорганизмларнинг маълум яшаш муҳитидаги тўплами; автохтон микрофлораси; сув микрофлораси; ҳаво микрофлораси; балчиқ микрофлораси; одатдаги микрофлора; организм микрофлораси; кўшимча микрофлора; тупроқ микрофлораси; ризосфера микрофлораси.	<b>Microorganisms</b>	a collection of different species of microorganisms living environment; autochthon microflora; microflora; mud microflora; normal microflora; microorganism; microflora; soil microflora; rizosfera microflora.
<b>Мицеллий-</b>	замбуруғ тана-замбуруғ, жумладан шўбласимон замбуруғларнинг	<b>Mycelium</b>	Mycelium is the vegetative part of a fungus, consisting of a

	ўсадиган танаси бўлиб, бир ва кўп хужайрали ипчалар (гиф)дан иборат.		mass of branching, thread-like hyphae.
<b>Модификация-</b>	микроорганизмларнинг фенотипик ўзгариши, яъни хужайранинг генетик аппаратларига алоқадор бўлмаган ўзгаришлар.	<b>Modification</b>	A modification is a change in the physical appearance of an organism (phenotype) caused by environmental factors.
<b>Морфогенез –</b>	орган (органогенез), тўқима(гистогенез) ва хужайраларнинг (цитогенез ёки хужайраларнинг дифференцияланиши) шаклланиш жараёни. Организмларнинг ривожланиши жараёнида тизимларнинг табақаланиши.	<b>Morphogenesis</b>	Morphogenesis is the biological process that causes an organism to develop its shape.
<b>Мутагенез-</b>	мутагенез ўзгаришининг (мутагенезнинг) рўй бериши-организмда ирсий ўзгаришлар-мутацияларнинг вужудга келиш жараёни. Бу жараён асосида ирсий ахборотни сақловчи ва наслга ўтказувчи нуклеин кислоталар молекуласининг ўзгариши ётади.	<b>Mutagenesis</b>	Mutagenesis is a process by which the genetic information of an organism is changed in a stable manner, resulting in a mutation.
<b>Мутагенлар –</b>	ДНК молекуласида мутацияларнинг	<b>Mutagens</b>	A mutagen is a physical or

	<p>пайдо бўлиш частоталарини оширувчи омил.</p> <p>Ирсиятни ўзгартирувчилар-мутациялар ҳосил қилувчи физикавий ва кимёвий омиллар;</p>		<p>chemical agent that changes the genetic material, usually DNA, of an organism and thus increases the frequency of mutations above the natural background level.</p>
<b>Мутация –</b>	<p>ген, хромосомадаги нуклеотид изчиллик, геномнинг бирорта белгининг ўзгаришига ва уларнинг авлодларда сақланишига олиб келувчи спонтан ва индуцирланган ўзгариши.</p>	<b>Mutation</b>	<p>A mutation is a permanent alteration of the nucleotide sequence of the genome of an organism, virus, or extrachromosomal DNA or other genetic elements.</p>
<b>Нишон - хужайра–</b>	<p>у ёки бу фитогармон рецепторини тутувчи ва фитогармоннинг концентрацияси ўзгарганда метаболизмни ўзгартирувчи хужайра.</p>	<b>Target cell</b>	<p>target cells are red blood cells that have the appearance of a shooting target with a bullseye.</p>
<b>Нуклеин кислоталар –</b>	<p>турли нуклеотидлар қолдиқларидан ташкил топган юқори молекуляр табиий бирикмалар (полимерлар). Хужайра мағзининг асосини ташкил қилади. Нуклеин кислоталарнинг икки тури: РНК, ДНК хужайраларнинг</p>	<b>Nucleic acids</b>	<p>Nucleic acids are biopolymers, or large biomolecules, essential for all known forms of life. Nucleic acids, which include DNA (deoxyribonucleic acid) and RNA (ribon</p>

	доимий компонентларидир.		ucleic acid), are made from monomers known as nucleotides.
<b>Ноосфера-</b>	биосферани табиат қонунлари асосида бошқариш, инсон онгининг юқори тараққий этиши	<b>Noosphere</b>	The noosphere i s the sphere of human thought
<b>Органогенез –</b>	уюшмасдан ўсаётган каллус хужайраларида органлар (илдиз, бошланғич барглар ва ниҳоллар) ҳосил бўлиш жараёни.	<b>Organogenesis</b>	In animal development, or ganogenesis is the process by which theectoderm,end oderm, andmesodermde velop into the internal organs of the organism.

## IX. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Авакянц С.П. Биохимические основы технологии шампанского. М., 1980.
2. Аркадьева З.А., Безбородов А.М., Блохина И.Н. и др. Промышленная микробиология: Учеб.пособие для вузов по спец. "Микробиология" и "Биология"/ Под.ред. Н.С.Егорова.- М.:Высш.шк., 1989. - 688 с.
3. Артамонов В.И. Биотехнология агропромышленному комплексу. Москва. Наука. 1989, 165с.
4. Ауэрмен Л.Я. Технология хлебопекарного производства. М, 1972.
5. Безбородов А.М. Биотехнология продуктов микробного синтеза. М., «Агропромиздат» 1991. 240 с.
6. Биотехнология: Учеб. пособие для вузов. В 8 кн. /Под ред. Н.С.Егорова., В.Д.Самуилова. Кн. 6: Микробиологическое производства биологически активных веществ и препаратов/ Быков В.А., Крылов И.А., Манаков М.Н. и др. - М.: Высш. шк., 1987. - 143 с.
7. Букин В.Н., Быховский В.Я., Панцхава е.С. Биохимические и микробиологические основы промышленного получения витамина В<sub>12</sub> методом термофильного метанового брожения. Сб. Витамин В<sub>12</sub> и его применение в животноводстве. М., 1971.
8. Букин В.Н. Микробиологический синтез витаминов. М., 1972.
9. Бурьян Н.И., Тюрина Л.В. Микробиология виноделия. М, 1979.
10. Воробьева Л.И. Пропионовокислые бактерии и образование витамина В<sub>12</sub>. М., 1976.
11. Герна Р. Хранение микроорганизмов/Методы общей бактериологии. М., 1983. Т.1-3.
12. Грачева И.М., Гаврилова Н.Н., Иванова Л.А. Технология микробных белковых препаратов, аминокислот и жиров. - М.: Пищевая промышленность,

1980. 448 с.

13. Давранов К.Д. Микроблар дунёси. Тошкент. ТошДАУ нашриёти, 2002 йил. 298 б.

14. Давранов Қ., Н.Хўжамшукуров. Умумий ва техник микробиология. Тошкент. ТошДАУ нашриёти, 2004 йил. 279 бет.

15. Колунянц К.А., Голгер Л.И. Микробные ферментные препараты. М., 1979.

16. Королева Н.С. Техническая микробиология цельномолочных продуктов. М, 1975.

17. Огай Д.К. Микробиологический синтез алкалоидов. Т.: Фан, 1991. – С.131.

18. Огай Д.К., Зуннунджанова А. Биология термофильных молочных бактерий и их экспериментальная селекция. Т.: Фан, 1978. –С.130.

19. Ротмистров М.Н., Гвоздяк П.И., Ставская С.С. Микробиология очистки воды. Киев, 1979. –С. 427.

### **Интернет ресурслар**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:  
[www.edy.uz](http://www.edy.uz).
2. Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникасия технологиялари давлат қўмитаси: [www.аси.уз](http://www.аси.уз).
3. Компютерлаштириш ва ахборот-коммуникасия технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш:  
[www.истсоунсил.гов.уз](http://www.истсоунсил.гов.уз).
5. ЎзР ОЎМТВ ҳузуридаги Бош илмий-методик марказ: [www.бимм.уз](http://www.бимм.уз)
6. Тошкент ахборот технологиялари университети: [www.туит.уз](http://www.туит.уз).
7. [www. Зиёнет. уз](http://www.Зиёнет.уз)
8. Инфосом.уз электрон журнали: [www.инфосом.уз](http://www.инфосом.уз)
9. [хттп://леарненглишкидс.бритишсоунсил.орг/ен/](http://леарненглишкидс.бритишсоунсил.орг/ен/)
10. [хттп://леарненглиштеенс.бритишсоунсил.орг/](http://леарненглиштеенс.бритишсоунсил.орг/)
11. [хттп://леарненглиш.бритишсоунсил.орг/ен/](http://леарненглиш.бритишсоунсил.орг/ен/)
12. [хттп://вилей.com](http://вилей.com)

## IX. МУТАХАССИС ТОМОНИДАН БЕРИЛГАН ТАҚРИЗ

### ОТЗЫВ

На образовательную программу и учебно-методический комплекс по направлению переподготовки и повышения квалификации преподавателей «Биотехнология» ( по отраслям) Ташкентского химико-технологического института

Общий объем образовательной программы составляет 288 часов, продолжительностью 8 недель при 36 часовой недельной учебной нагрузке.

Образовательная программа состоит из шести крупных модулей, которые формулируют Государственную политику и определяют основные направления переподготовки и повышения квалификации педагогический кадров в Узбекистане.

Общеобразовательные модули охватывают вопросы развития общества и образовательно-воспитательных процессов, инновационных образовательных технологий, электронной педагогики и проектирования личной и профессиональной информационной сферы, знания иностранного языка, системного анализа и принятия оптимальных решений.

Содержание этих специализированных модулей позволяет сформировать новые знания и навыки попереводым образовательным технологиям и педагогическому мастерству, применению информационно-коммуникационных технологий в образовательных процессов, системному анализу химико-технологических процессов, современным методом анализа пищевых, продуктов, а также познакомиться инновациями в области технологии пищевых веществ.



Считаю, что содержание учебной программы и учебно-методического комплекса отвечают современным требованиям и может быть рекомендовано для осуществления повышения квалификации и переподготовки преподавателей высших учебных заведений по направлению «Биотехнология»

Проректор по учебной работе



к.т.н. Сакович А.А.

Директор Института повышения  
квалификации и переподготовки

к.т.н. Пищов С.Н.